

С. ХОЛИҚОВ, У. ПРАТОВ, А. ФАЙЗИЕВ

# ЎСИМЛИКЛАР АНИҚЛАГИЧИ

Мактаб ўқувчилари учун қўлланма

2- НАШРИ

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1995

Мазкур аниқлагичга Ўзбекистонда кенг тарқалган 500 га яқин ўсимлик турлари киритилган. Булар 88 оила ва 364 туркумга киради.

Аниқлагичнинг кириш қисмида ундан фойдаланиш усули ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, аниқлагич ўсимликларнинг хилма-хил расмлари билан безатилган. Охирида ўсимлик оилалари ва айрим тур ўсимликларнинг ўзбекча, русча ва лотинча номлари алфавит тарзида берилган.

Аниқлагич ўрта мактабларнинг ўқувчилари ва биология ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ундан олий ва ўрта махсус ўқув юрларининг талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

С. ХОЛИҚОВ, У. ПРАТОВ, А. ФАҒЗИЕВ

## ЎСИМЛИКЛАР АНИҚЛАГИЧИ

Мактаб ўқувчилари учун қўлланма



Тошкент «Ўқитувчи» 1995

Муҳаррир Р. Авазов  
Бадий муҳаррир Ф. Некқадамбоев  
Муқова рассоми Ж. Бедарев  
Техмуҳаррир Ш. Бобохонова  
Мусаҳҳиҳ П. Аъзамова

ИБ 6580

Теришга берилди 5. 06. 95. Босишга рухсат этилди 15. 11. 95.  
Формати 60×90<sup>1/16</sup>. Тип қоғози. Литературная гарнитураси.  
Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 12,0. Шартли  
кр.-отт. 12,5. Нашр. л. 9,5. Тиражи 5000. Зак № 64.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шарт-  
нома 11—64—94

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара  
китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 30. 1995.

X 4306011100—212  
353(04)—95

90—95

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1970  
© «Ўқитувчи» нашриёти, 1995

ISBN 5—645—02409—5

## СУЗ БОШИ

Ўзбекистоннинг ўсимликлар дунёси ниҳоятда хилма-хилдир. Республикамизда 4200 дан ортиқ ўсимлик турлари учрайди. Улар 1012 туркум ва 141 оилга мансуб. Шулардан 500 га яқини маданий ўсимликлардир. Бу турлар орасида истеъмол қилинадиган, мевали, ёнғоқ-мевали, субтропик, доривор, зиравор, бегона ўтлар, ем-хашак, эфир-мойли, бўёқбop, витаминли, ошлов моддали, манзарали ва бошқа фойдали ўсимликлар бор. Улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида, яъни қишлоқ хўжалигида, тиббиётда ва саноатда кенг фойдаланилади. Лекин ўқувчиларга ва кенг оммага ўсимликлар ҳақида маълумотлар берадиган ва уларга мўлжаллаб ёзилган адабиётлар, қўлланмалар, аниқлагичлар жуда оз миқдорни ташкил этади. Шунингдек, жумладан олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган А. Ҳамидов, М. Набиев, Т. Одиловларнинг «Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи» (1987) ва С. Холиқов, У. Пратовларнинг мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган «Ўсимликлар аниқлагичи» (1970) ўқувчиларни ана шу қўлланмаларга бўлган эҳтиёжларини қондира олмайди.

Ўрта мактабларнинг биология ўқитувчилари, ўқувчилари республикамиз ўсимликлар дунёсининг хилма-хиллиги ҳақида, уларнинг фойдали хусусиятлари тўғрисида ўз билимларини тўлдиришлари учун махсус қўлланманинг етишмаслиги ҳамда мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган ўсимликлар аниқлагичининг бундан 20 йил муқаддам чоп этилганлигини исбатга олиб, муаллифлар ботаника соҳасида сўнгги йилларда қўлга киритилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда мазкур қўлланмани қайта нашрга тайёрладилар. Қўлланманинг янги нашрига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, у кенг тарқалган айрим фойдали ўсимлик турлари билан бойитилди ва тубан ўсимликлар қисми бутунлай чиқариб ташланди.

Аниқлагичга киритилган ҳар бир тур ўсимлигининг ҳаёт шакли (бир йиллик, икки йиллик, кўп йиллик, чала бута, бута, дарахт), асосий органлар (поя, барг, илдиз, гул, мева) нинг қисқача морфологик тавсифи, гуллаш ва мева ҳосил қилиш муддатлари, яшаш муҳити, минтақалар бўйича тарқалиши, республикамиз вилоятларида учраши, лотинча ва ўзбекча номлари берилган.

Аниқлагичга киритилган турларни танлашда қуйидаги мезонга амал қилинди:

- республикамиз миқёсида қанчалик кенг тарқалганлиги;
- ўсимликларни ўрганиш учун саёхатлар ўтказиш жойларининг қанчалик яқинлиги ва мўллиги;

- турларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти;
- турнинг аҳоли ўртасида маълумлиги.

Аниқлагичда турларнинг тарқалиши вилоятлар бўйича берилди. Республикамизда турларнинг минтақалар бўйлаб тарқалишини изоҳлашда академик Қ. З. Зокиров тавоия этган таснифдан фойдаланилди. Шунга кўра денгиз сатҳидан 400—500 метр баландликда жойлашган ҳудуд — чўл, 500—700 метр, айрим ҳолларда 1200—1600 метргача бўлган ҳудудлар — адир, 1200—1500 метр, айрим ҳолларда 2700—2800 метргача бўлган ҳудудлар тоғ ва 2800 метрдан юқори бўлган ҳудудлар яйлов деб аталади.

Қўлланмага Республикамизда кенг тарқалган юксак ўсимликлардан 88 оила, 364 туркумга мансуб 497 тур ўсимлик киритилди. Жумладан 100 дан ортиқ ўсимлик турларига расмлар берилди.

Аниқлагичга киритилган оилалар академик А. Л. Тахтаджян таснифи асосида баён этилди. Ушбу қўлланма юқорида келтирилган мазмунда биринчи марта нашр этилаётганлиги туфайли айрим камчилик ва нуқсонлардан холи бўлмаслиги мумкин. Шунга кўра аниқлагич ҳақида ўзларининг самимий фикр ва мулоҳазаларини билдирган ўртоқларга муаллифлар ўзларининг миннатдорчиликларини изҳор қиладилар.

М а н з и л и м и з : Тошкент 700129, Навоий кўчаси, 30. «Ўқитувчи» нашриётининг кимё-биология адабиёти таҳририяти.

## АНИҚЛАГИЧДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўсимликларни аниқлаш — уни қайси оила, туркум ва турга мансублигини билиш демакдир. Бунинг учун аниқлагичдан фойдаланилади. Оила, туркум ва турлар учун тузилган мазкур аниқлагичда дастлаб ўсимликнинг оиласи, сўнгра эса туркуми ва тури аниқланади.

Оила, туркум ва турлар учун тузилган аниқлагичда рақамлар (масалан, 1, 2, 3 ва ҳ. к.) «теза» ва айирув ишораси («—») *антитеза* деб юритилади. (Теза ва антитезалар аниқлагич матнининг чап томонида жойлашган.) Теза аниқланилаётган ўсимликнинг асосий белгиларини ифодалайди, антитеза эса, ўсимликнинг тезадаги қарама-қарши хусусиятларини ифодалайди. Дастлаб теза ўқилади ва унда баён этилган белгилар ўсимликка таққослаб кўрилади. Агар тезада келтирилган белгилар шу ўсимликка мос келса, у ҳолда шу жумла охирига, яъни ўнг томонига ёзилган рақам топилиб, сўнгра ўқиш давом эттирилади. Тезада келтирилган белгилар аниқланаётган ўсимликка мос келмаса, антитеза ўқилади.

Ўсимлик белгилари тўғри келган теза ёки антитеза охирида, яъни ўнг томонда рақам ва оиланинг (олдин ўзбекча, кейин лотинча) номи ёзилган бўлади. Агар теза ёки антитеза оиланинг номи билан тамомланса, ўсимликнинг шу оилага мансублиги аниқланган бўлади, акс ҳолда келтирилган рақамдаги теза ёки антитезани ўқиш давом эттирилади. Ўсимликнинг туркум ва турлари ҳам шу тартибда аниқланади.

Оилалар учун тузилган аниқлагичда ҳар бир оила учун қўйилган рақам унинг қўлланмадаги кетма-кетлик билан жойлашган номерини билдиради.

Масалан, фараз қилайлик, қўлимизда аниқлаш учун жағ-жағ ўсимлиги. Биз оилалар аниқлагичининг дастлабки жумласининг чап томонида турган 1- рақам — тезадан бошлаб ўқиймиз, унинг антитезаси бизни 4- тезага юборади, чунки 1-тезада кўрсатилган белгилар жағ-жағ ўсимлигига мос келмайди. 4-тезадан ўқишни давом эттирамиз, унинг антитезаси 7-тезага юборади. 7-теза бизни 14-тезага юборади, 14-нинг антитезаси орқали биз 23-тезага тушамиз. Ўқишни шу тартибда давом эттириб 23-нинг антитезаси орқали биз 51-тезага борамиз. 51-тезаси эса 53-тезага, 53-антитезаси 60-тезага юборади, 60-теза 61-га, 61-теза 69-га, 69-антитеза 71-га, 71-теза 72-га йўллайди. 72-тезада шундай ёзилган: косачаси—4 та, тожбарги—4 та, чангчиси—6 та, ундан—2 таси қисқа. Меваси «қўзоқ» ёки

«қўзоқча». Бу белгилар жағ-жағ ўсимлигига мос келади. Демак, бу ўсимлик карамдошлар *Brassicaceae* оиласига мансуб экан, чунки 72-теза остида шу оиланинг ўзбекча ва лотинча номи берилган. Оила номининг олдига 31 рақами қўйилган. Бу эса академик А. Л. Тахтаджян таснифи бўйича ушбу оила мазкур китобда 31 тартиб номерига эга эканлигини билдиради (...-бет). Кўрсатилган бетни очиб, бу оилани топамиз ва ўқишни шу принцип асосида давом эттириб, бу ўсимликнинг туркум ва турини топамиз. Шундай қилиб биз жағ-жағ ўсимлигининг карамгулдошлар оиласига, яъни жағ-жағ *Capsella Medic.* туркумига ва оддий жағ-жағ *vursa pastoris Medic.* турига мансуб эканлигини билиб оламиз.

Мазкур қўлланма ёрдамида ўсимликни аниқлаш учун ўсимлик органларининг морфологик тузилиши ҳақида яхши тушунчага эга бўлиш талаб қилинади. Шунга кўра қўлланмада ўсимликларнинг морфологик органлари ҳақида қисқача маълумот берилди.

## ЎСИМЛИК МОРФОЛОГИЯСИ


### Илдиз

**Илдиз** — юксак ўсимликларнинг асосий вегетатив органи бўлиб, муҳим вазифаларни бажаради.

Илдизлар тузилишига кўра ўқ илдиз ва попук илдизларга бўлинади. Ўқ илдиз бош ва ён илдизлардан ташкил топган. Кўпчилик ўсимликларда бош илдиз ён илдизларга нисбатан яхшироқ тараққий этган. Бироқ, қумда ўсувчи ўсимликларда эса ён илдизлар ўзининг тараққий этиши жиҳатидан бош илдиздан қолишмайди. Масалан, саксовул, қандим ва бошқалар.

Уруғи бир палладан иборат ўсимликларда (масалан, қўнғир-бошларда) уруғ унганда битта ингичка илдизча ҳосил қилади ва у тез қуриб қолади. Унинг ўрнида бир тўда илдизлар, яъни попук илдиз пайдо бўлади.

Юқорида келтирилган илдизлардан ташқари баъзи ўсимликларда шакли ўзгарган илдизларни ҳам учратиш мумкин. Бунга илдиз-мевалар, тугунаклар ва баъзи ўсимликларнинг таянч илдизларини киритиш мумкин. Ер ости ўсув органларга айрим ўсимликларнинг пиёзлари, илдизпояси, тугунаклари ҳам киради. Бироқ, улар шакли ўзгарган ер ости пояларга мисол бўлади.




1-расм. Илдизлар:  
а — ўқ илдиз, б — попук илдиз.



### Поя

**Поя** — ўсимликнинг гули, барги ва шохлари жойлашган асосий ер устки вегетатив органидир.

Поялар ўсиш хусусиятига қараб: тик ўсувчи, чирмашувчи, ўралувчи, ўрмаловчи, илашувчи, ёнига ўсувчи, кўтарилиувчи бўлади. Шаклига қараб эса қиррали, тўрт қиррали, кўп қиррали, жўякли, цилиндрик пояларга бўлинади. Поялар яна силлиқ ва тукли, оддий ва шохланган бўлади. Шохланган ҳам турли ўсимликларда турлича бўлади. Масалан, қарағай тоифа ўсимлик вакилларида моноподиал, атиргулларда симподиал, настарин, чиннигул, бангидевона каби ўсимликларда сохта диохотомик шохланишларни кузатиш мумкин. Бундан ташқари шакли ўзгарган ер устки новдалар ҳам мавжуд. Масалан, жин-



2- расм. Поялар: а — тик пояс, б — кўтарилувчи пояс, в — чирмашувчи пояс, г — илашувчи жингалакли пояс, д — ўрмаловчи пояс.

галаклар (токлар, қовоқдошлар); тиканлар (тикандарахт, дўлана, нок, янтоқ, оқ жангал, анор ва бошқалар).

### Барг

**Барг** — барг япроғи ва барг бандидан иборат. Баргнинг бу қисмлари турли ўсимликларда турлича тараққий этган ёки бутунлай тараққий этмаган бўлиши мумкин. Масалан, саксовул, қандимда барг тангачалар ҳолатигача қисқарган.

Агар барг бандида битта барг япроғи жойлашган бўлса, у *оддий барг* дейилади. Агар барг бандида икки ва ундан ортиқ япроқ жойлашган бўлса, у *мураккаб барг* дейилади.

Барг япроғи текис қиррали ёки турли даражада ўйилган бўлиши мумкин.

Барг япроғи бўлинишига қараб бир неча хил бўлади. Агар барг япроғи тўртдан бир қисмига қадар ўйилган бўлса *ўйма барг*, ярмигача ўйилган бўлса *бўлинган*, агар томиригача ўйилган бўлса *қирқилган барг* дейилади.

Барг шаклига қараб қалами, тухумсимон, юмалоқ игнасимон, учбурчак, юраксимон, ромбсимон, қалқонсимон наштарсимон, овалсимон, эллипсимон, найзасимон, буйраксимон, ўқсимон бўлади.





3-расм. Оддий барг шакллари: 1— қалами, 2— наштарсимон, 3— тескари тухумсимон, 4— буйраксимон, 5— ўқсимон, 6— овал, 7— юрактухумсимон, 8— ўйма барг, 9— чўзиқ, 10— айлана, 11— тухумсимон, 12— ромбсимон, 13— найзасимон барг.




4-расм. Мураккаб барглар: 1— уч бўлакли, 2— жуфт патсимон, 3— панжасимон, 4— икки қарра патсимон, 5— жингалакли — патсимон, 6— тоқ патсимон, 7— уч қарра патсимон, 8— патсимон қирқилган барг.

Ўйма япроқли барглар патсимон ўйма ва панжасимон ўйма баргларга бўлинади.

Бўлинган япроқли барглар патсимон бўлинган ва панжасимон бўлинган шаклларда бўлади.

Оддий баргларнинг япроқлари патсимон қирқилган, панжасимон қирқилган бўлиши мумкин.



5- расм. 1— спирал ёки навбат билан ўрнашган, 2— қарама-қарши ўрнашган, 3— ҳалқасимон ўрнашган барг.

Барг япроқлари четларининг қирқилиш даражасига қараб текис қиррали, тишсимон қиррали, аррасимон қиррали, тўлқинсимон қиррали ва ўйилган барг деб юритилади.

Барг япроқлари томирланишига қараб тўрсимон томирланган, ёйсимон томирланган, параллел томирланган, панжасимон томирланган бўлади.

Мураккаб баргларга икки бўлакли, уч бўлакли ва патсимон барглар киради. Патсимон барглар ўз навбатида тоқ патсимон, жуфт патсимон ва қўш патсимон баргларга бўлинади.


Барглар пояда жойлашишига қараб кетма-кет ўрнашган, қарама-қарши ўрнашган ва ҳалқа ҳолида ўрнашган бўлиши мумкин.

## Гул

Гул — ўсимликнинг кўпайиши учун хизмат қилувчи органдир. Гул бандининг кенгайган учки қисми *гул ўрни* дейилади. Гул ўрни кўпинча ясси, баъзан қавариқ (айиқтовон, малина ва қулупнайда) ва ботиқ (наъматакда) бўлади. Гул ўрнида гулнинг қисмлари: косачабарглар, тожбарглар, чангчилар ва уруғчилар ўрнашган.

Кўпчилик ўсимликларда гул қисмлари ҳалқа ёки доира шаклида циклик жойлашган. Гулли ўсимликларда 5 ёки 4 доирали гуллар кўп тарқалган. Беш доирали гуллар чиннигулдошлар, амарилислар учун характерлидир. Тўрт доирали гуллар сафсаргуллар, сигирқуйруқлар, тоғжумрутлар ва бошқаларда кузатилади. Ҳар бир доирадаги гул қисмлари турли сонда бўлиши мумкин. Икки паллали ўсимликларда кўпроқ беш бўлакли, бир паллалиларда уч бўлакли гуллар учрайди.

Табиатда баъзи ўсимлик оилаларининг вакилларида гул қисмларининг ациклик (спирал) ва гемициклик (ярим доира) жойлашишини кузатиш мумкин. Масалан, айиқтовондошлар, магнолиядошлар, атиргулдошлар. Магнолиядошларда гул қисмлари спирал — ациклик жойлашган; айиқтовонларда эса



6-расм. Гуллар: 1— уст тугунчали гул схемаси, 2— ост тугунчали гул схемаси, 3— гулкосачабарг, гултожбарг, чангчи ва уруғчидан иборат тўлиқ гул. 4— қийшиқ (зигоморф) гул, 5— тўла қийшиқ (асимметрик) гул, 6— карнай гул, 7— тўғри (актиноморф) гул.

гулқўрғон циклик (доира), чангчи ва уруғчилар эса ациклик (ярим доира) ҳолда жойлашган.

Гул новданинг учиди ёки барг қўлтиғида жойлашган бўлиши мумкин. Гулнинг ён барги билан гул оралиғи қисмига *гул банди* дейилади. Гул бандига эга бўлмаган гулларни ўтроқ гул ёки *бандсиз гул* дейилади. Косача билан тожбарглар йиғиндиси *гулқўрғон* деб юритилади. Гулқўрғон оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий гулқўрғонли ўсимликлар гулида косачабарг ёки фақат гултожбарг бўлишига қараб, косача баргли гулқўрғон ёки тожбаргли гулқўрғонларга ажратилади. Баъзи оила вакилларида косачабарглар қисқариб тангачаларга айланган ёки гулқўрғон бутунлай бўлмайди. Масалан толдошлар оиласи вакилларида. Гулқўрғон яшил косача барглардан ва ҳар хил рангли тожбарглардан иборат бўлса, унда *мураккаб гулқўрғон* дейилади. Гулхайридошлар оиласининг айрим вакиллари икки қаватли косача баргларга эга бўлиши билан ажралиб туради. Уларда косача ва тожбарглар туташган ёки айрим-айрим бўлади. Туташ гулқўрғонли гуллар найсимон, қўнғироқсимон, қадаҳсимон, бўлади.

Гул симметриясига, аниқса тожисига қараб тўғри гул — актиноморф ва қийшиқ гул — зигоморф гулларга ажратилади.

Гулқўрғоннинг ичида чангчи ва уруғчи жойлашади. Уларнинг сони ўсимликнинг турига қараб биттадан тортиб бир нечтагача бўлиши мумкин. Чангчиларнинг иплари туташган ёки айрим-айрим бўлиши мумкин. Уруғчи ҳам туташган (ценокарп) ва айрим-айрим (апокарп) бўлади.


Уруғчи уч қисм — тумшукча, устунча ва остки кенгайган қисм — тугунчадан иборат. Баъзи ўсимликларда тумшукча тўғридан-тўғри тугунчада ўрнашган бўлиб, устунчаси бўлмайди.

Тугунчанинг гулқўрғонга нисбатан жойлашишига қараб устки, остки ва ўрта тугунчали гулларга ажратилади. Тугунча гулқўрғондан юқорида жойлашса устки, аксинча гулқўрғондан



пастда жойлашса остки бўлиб, ўрта тугунчада гул ўрни ўсиб, у бакалсимон шаклни эгаллайди. Битта гулнинг ўзида фақат чангчи ёки фақат уруғчи бўлса *бир жинсли*, аксинча битта гулнинг ўзида ҳам чангчи, ҳам уруғчиси бўлса *икки жинсли гул* дейилади. Бир туп ўсимликда ҳам уруғчили, ҳам чангчили гуллар бўлиб, улар алоҳида-алоҳида жойлашган бўлса, бундай ўсимлик *бир уйли айрим жинсли* ўсимлик дейилади. Агар бир турга мансуб ўсимликнинг бир тулида уруғчили гул, бошқа тупида чангчили гул бўлса, бундай ўсимликлар *икки уйли бир жинсли* ўсимликлар дейилади.

### Тўпгуллар

Ўсимликларда гуллар якка-якка ҳолда жойлашади (масалан, лола, кўкнорида) ёки бир нечтадан бўлиб **тўпгул** ҳосил қилади. Шохланишига кўра тўпгуллар иккига: моноподнал ва




7-расм. Тўпгуллар: 1— шингил, 2— оддий бошоқ, 3— мураккаб бошоқлар, 4— сўталеси тўпгул (сохта соябон), 5— кучала, 6— рўвак, 7— оддий соябон, 8— мураккаб соябон.



симподиал тўпгулларга ажратилади. Моноподиал тўпгуллар ўз навбатида яна оддий ва мураккаб тўпгулларга бўлинади. Оддий моноподиал тўпгулларга қуйидагилар киради: бошоқ, соябон, қалқон, саватча, бошча (каллакча), шингил.

Мураккаб моноподиал тўпгулларга эса мураккаб бошоқ, мураккаб соябон, рўвак ва бошқалар киради.

## Мева



6-расм. Мевалар: 1— дон (галла); 2— доннак, 3— данакли мева, 4— сохта мева, 5— қўшқапотли мева, 6— кўсак (қутича), 7— баргак.

Мева — ўсимликнинг ҳосил органи бўлиб, у кўпайиш ва баъзан ўсимликнинг тарқалиши учун хизмат қилади.

Мевалар морфо-экологик белгиларига қараб қуруқ ва ҳўл меваларга бўлинади. Қуруқ мевалар ўз навбатида очиладиган (баргак, дуккак, қўзоқ, қўзоқча, кўсак) ҳамда очилмайдиган (ёнғоқ,

уруғ, дон) меваларга бўлинади.

Ҳўл меваларга данакли, резавор, гуж данакли мевалар кирди.

## ОИЛАЛАР АНИҚЛАГИЧИ

1. Спорадан кўпаяувчи ўсимлик 2  
— Уруғдан кўпаяувчи ўсимлик 4
2. Сув юзасидан қалқиб ўсувчи ўсимлик. Пояси ингичка, ипсимон, рангсиз, сув юзасида ётиқ ҳолда жойлашган. Поясининг ҳар бир бўғимида 2 тадан барги бор, улар бир-бирига қарама-қарши жойлашган. Япроғи бутун, эллипсимон, учинчи баргининг шакли ўзгарган, ингичка ва рангсиз, илдиз вазифасини бажаради, сув қалинлигида осилиб туради.

### 3. САЛЬВИНИЯДОШЛАР — SALVINIACEAE

- Қуруқликда, сернам ёки соя-салқин жойларда ўсувчи ўсимлик 3
3. Пояси яхши тараққий этган ўсимлик. Пояси ва новдалари аниқ бўғимларга ажралган, қиррали, ичи ғовак. Бўғимларида новдалар ҳалқа ҳолда жойлашган. Барглари қисқарган, майда, пардасимон, тишсимон қинда қўшилиб ўсган. Споралари поясининг учидagi спорофиллардан ташкил топган спорачи бошоқда ҳосил бўлади.

### 1. ҚИРҚБЎҒИМДОШЛАР — EQUISETACEAE

- Ер устки поясиз ўсимлик. Илдиз поядан чиққан барглари анча йирик, икки-уч карра патсимон бўлинган. Споралари

баргларининг орқа томонида жойлашган қўнғир рангли со-  
русларда ҳосил бўлади.

## 2. ҚИРҚҚУЛОҚДОШЛАР — ATHVRIACEAE (POLYPODIACEAE)

4. Қуббали, доим яшил ўсимлик 5  
— Гулли ўсимлик 7  
5. Баргларининг узунлиги 15 см гача, игнасимон, кетма-кет  
жойлашган. Қуббалари тухумсимон, ёғочланган.

## 5. ҚАРАҒАЙДОШЛАР — PINACEAE

- Барглари майда, 1—2 мм, кўпинча тангачасимон, қара-  
ма-қарши ёки ҳалқа ҳолида жойлашган. Қуббалари  
шарсимон 6  
6. Барглари тангачасимон ёки игнасимон, бироқ асоси новсиз,  
новдалари бўғимсиз, қиррасиз, майда барглари билан зич  
қопланган. Бир уйли дарахт.

## 6. САРВДОШЛАР — CUPRESSACEAE

- Барглари қисқарган, тангачасимон, асосида пардасимон но-  
ви бор. Новдалари бўғимли, кўп қиррали, яшил. Икки уйли  
бута.

## 4. ҚИЗИЛЧАДОШЛАР — ERNEDRACEAE

7. Фақат сувда ўсувчи ўсимлик 8  
— Қуруқликда ёки сернам жойларда ўсувчи ўсимлик 14  
8. Сув юзида қалқиб ўсувчи, майда, ям-яшил ўсимлик. Қўлмак  
сув юзасида яшил парда ҳосил қилган ҳолда тўп-тўп бўлиб  
ўсади. Илдизи ипсимон, сув остида осилиб туради.

## 86. ПОЯБАРГДОШЛАР — LEMNACEAE

- Сувга илдизлари билан ёпишиб ўсувчи ўсимлик. Поя ва  
барглари сувга ботган ҳолда бўлади ёки сув бетига фақат  
тўпгули ва баргларининг бир қисми чиқиб туради 9  
9. Сувга бутунлай ботган ҳолда ўсувчи ёки фақат тўпгули сув  
бетига чиқадиган ўсимлик 10  
— Сувга фақат пастки қисми ботган ҳолда ўсувчи ўсимлик 11  
10. Сувга бутунлай ботган ҳолда ўсувчи ўсимлик. Айрисимон  
бўлинган барглари кўпгина ипсимон ёки қалами бўлак-  
лардан иборат бўлиб, пояда ҳалқасимон жойлашган. Гул-  
лари айрим жинсли, барг қўлтиқларида биттадан ўрнаш-  
ган.

## 7. ШОХБАРГДОШЛАР — CERATORHUVLLACEAE

- Фақат тўпгули сув бетига чиқиб турган ҳолда ўсувчи ўсимлик. Барглари бутун ёки четлари тўлқинсимон, пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари икки жинсли (чангчилари — 2—4 та, уруғчиси — 4—8 та) ёки бир жинсли (чангчили гулларида чангчиси 1 та, уруғчили гулларида эса уруғчиси — 6 та). Тўпгули бошоқ.

## 76. ФИЖЖАҚДОШЛАР — ROTAMOGETONACEAE

11. Гулқўрғони оддий, бир хил рангдаги баргчалардан иборат. 12  
— Гулқўрғони мураккаб, косача барглари яшил, тожбарглари оқ ёки пушти 13  
12. Тўпгули шохланган, шарсимон каллакча шаклида. Устки каллакчалар чангчили гуллардан, пасткилари эса уруғчили гуллардан ташкил топган. Гулқўрғони 3—6 тадан жойлашган тангачасимон барглардан иборат.

## 87. ҚАЛАМБАРГДОШЛАР — SPARGANIACEAE

- Тўпгули ингичка, учки, шингил. Гулқўрғони яшил, баргчалари икки доирада (ҳар қайси доирада 3 тадан) жойлашган. Гуллари икки жинсли.

## 75. ҚИРҚБАРГДОШЛАР — JUNCAGINACEAE

13. Тўпгули соябонсимон. Чангчиси 9 та, уруғчиси 6 та. Илдизпояси йўғон, ётиқ (горизонтал).

## 73. СУВПИЁЗДОШЛАР — BUTOMACEAE

- Тўпгули рўваксимон. Чангчиси 6 та, уруғчиси кўп. Илдизпояси тугунаксимон.

## 74. БУЛДУРУҚУТДОШЛАР — ALISMATACEAE

14. Бир паллали ўсимлик. Уруғи икки паллага ажралмаган. Попук илдизли. Барглари оддий, параллел ёки ёйсимон томирланган, асосан бандсиз, бутун. Гулқўрғон барглари 3 тадан иккита доирада жойлашган (баъзан 1, 2, 4 баргчали).  
Ўт ўсимлик 15  
— Икки паллали ўсимлик — уруғи икки паллага ажралган. Ўқ илдизи (баъзи оилаларнинг вакиллари, масалан, айиқтовондошлар попук илдизли). Илдизи шохланган ёки илдизсиз. Барглари оддий ёки мураккаб, хилма-хил шаклли, тўрсимон, панжасимон, патсимон томирланган. Гулқўрғон барглари 4—5 тадан иккита доирада жойлашган (баъзан 2—3 баргчали). Ўт, чала бута, бута ва дарахт 23



15. Гуллари кўрмисиз. Гулқўрғони косачасимон, яшил, пардасимон, тангасимон ёки гулқўрғонсиз 16  
 — Гуллари очиқ рангли. Гулқўрғони тожбаргсимон 20
16. Гуллари қипиқчали, бошоқсимон тўпгулда ўрнашган. Тўпгули мураккаб бошоқ, рўвак, султон, сўта 17  
 — Гуллари қипиқчасиз. Тўпгули ўзгача 18
17. Пояси бўғим ва бўғим оралиқларидан ташкил топган. Барглари икки қисмдан иборат: остки қисми нов шаклида, поянинг бўғим оралиғини маълум даражада ўраб туради, япроғи қалами. Япроқ асосида тилча деб аталувчи ўсимтаси бор, меваси — дон.

#### 84. БУҒДОЙДОШЛАР — РОАСЕАЕ

- Пояси бўғимсиз, уч қиррали. Барглари филофсимон новдан ва ингичка япроқдан иборат. Япроғининг асоси тилчасиз. Меваси ёнғоқсимон.

#### 83. ҲИЛОЛДОШЛАР — СУРЕАСЕАЕ

18. Барглари узун, бандли, ёпирма, япроғи йирик, кенг (2—5 см), асоси юраксимон ёки чўзиқ, наштарсимон, понасимон. Гуллари сўтасимон тўпгулда йиғилган, меваси сўтага ўхшаш резаворсимон. Тугунакли кўп йиллик ўсимлик.

#### 85. КУЧАЛАДОШЛАР — АРАСЕАЕ

- Барглари бандсиз ёки ингичка, қалами 19
19. Тўпгули соябонсимон ёки рўваксимон. Гуллари икки жинсли, гулқўрғонли. Барглари ингичка, ясси ёки қалами. Меваси уч қиррали кўсакча.

#### 82. ЯКАНДОШЛАР — ЈУНСАСЕАЕ

- Тўпгули қалами, сўтасимон. Гуллари бир жинсли, гулқўрғонсиз. Чангчили гуллари тўпгулнинг учки қисмида, уруғчили гуллари эса остки қисмида жойлашган. Барглари ингичка, қалами узунчоқ. Меваси ёнғоқсимон данакча.

#### 88. ҚУҒАДОШЛАР — ТУРНАСЕАЕ

20. Чирмашувчи ўсимлик. Барглари қисқарган, майда, тангачасимон. Филокладийси баргсимон шаклини ўзгартган новдага эга. Гуллари шингилсимон тўпгулда ўрнашган. Меваси шарсимон, резавор, илдизпояли ўсимлик.



## 80. САРСАБИЛДОШЛАР — ASPARAGACEAE

- Пояси тик ўсувчи ўсимлик. Барглари яхши тараққий этган, ичи ғовак, қалами ипсимон. Филоклодийси йўқ. Меваси кўсакча. Илдизпояли ёки пиёзли ўсимлик 21
21. Тўпгули оддий соябонсимон. Тугунчаси устки. Чангчиси 6 та.

## 78. ПИЁЗДОШЛАР — ALLIACEAE

- Тўпгули шингилсимон ёки гуллари якка-якка ўрнашган. Чангчиси 6 та. Тугунчаси устки.

## 77. ЛОЛАДОШЛАР — LILIACEAE

- Тугунчаси остки. Чангчиси ҳар бир гулда 3, 6 та 22
22. Чангчиси 3 та. Барглари ипсимон, пичоқсимон, ханжарсимон. Меваси уч қиррали кўсак. Тугунак пиёзчали ёки илдизпояли ўсимлик.

## 81. ГУЛСАПСАРДОШЛАР — IRIDACEAE

- Чангчиси 6 та. Барглари қалами, узун, ўткир учли. Меваси узунчоқ, уч чаноқли кўсакча. Пиёзли ўсимлик.

## 79. НАРГИСДОШЛАР — AMARYLLIDACEAE

23. Дарахт ёки бута ўсимлик 24
- Чала бута ёки ўт ўсимлик 51
24. Гулқўрғони оддий, косачасимон, баъзан тожсимон ёки гулқўрғонсиз 25
- Гулқўрғони икки қавват, яъни гул косача ва тож баргли 36
25. Барглари оддий 26
- Барглари мураккаб 35
26. Лиана (дарахтсимон), новдалари жингалакли. Барглари 3—5 бўлакли ёки панжасимон, ён баргчали. Гуллари майда, шингилсимон тўпгулда ўрнашган. Меваси — резавор.

## 55. Токдошлар — VITACEAE

- Дарахт ёки бута ўсимликлар, новдаси жингалаксиз 27
27. Барглари оч яшил, кулранг яшил, бутун, узунчоқ, тескари-тухумсимон, кенг-тескари тухумсимон, барг асосидаги пардача поянинг барг ўрнашган қисмини ўраб олган ёки барглари қалами, ён баргчали. Гулқўрғони 4—5—6 баргчали, тожсимон, оқ, пушти. Чангчиси 6—8—12—18 та. Меваси уч қиррали ёки ўткир қиррали ёнғоқча, қирралари қанотчали ёки дағал тукли.

## 26. ТОРОНДОШЛАР — POLYGONACEAE

— Белгилари ўзгача

28. Икки уйли ўсимлик. Тўпгули сўтасимон, бошоқсимон, сарғиш рангли. Меваси — кўсакча, уруғининг асоси тутам тукли.

## 34. ТОЛДОШЛАР — SALICACEAE

— Бир уйли ўсимлик

29

29. Пўстлоғи оқ ёки сарғиш дарахт. Барглари юмшоқ, учбурчак — ромбсимон. Тўпгули исирғасимон. Меваси қанотчали, узунлиги 1,5—4 мм, эни 4—6 мм.

## 21. ҚАЙИНДОШЛАР — BETULACEAE

— Пўстлоғи қорамтир, кулранг, қизғиш-қўнғир дарахт

30

30. Ёввойи ҳолда ўсувчи чўл ўсимликлари. Шохлари бўғимли, серсув. Барглари майда, қисқарган, тангачасимон ёки яшил, бурмасимон, қарама-қарши жойлашган, айрим вакилларида эса кетма-кет, у ҳолда барглари узунчоқ, ипсимон (черкез).

## 25. ШУРАДОШЛАР — CHENOPODIACEAE

— Маданий ҳолда ўстириладиган ёки тўқайда ўсадиган ёввойи ўсимлик

31

31. Меваси қанотчали, ясси, узунлиги 10—30 мм. Барглари дағал, тухумсимон, эллипсимон, четлари тишсимон.

## 15. ҚАЙРАҒОЧДОШЛАР — ULMACEAE

— Меваси қанотсиз, барглари майин

32

32. Меваси косачали ёнғоқча. Дарахт. Пўстлоғи қизғиш-қўнғир. Барглари йирик, бўлакли ва қисқа бандли. Чангчили гуллари исирғасимон тўпгулларда ўрнашган, уруғчили гуллари эса биттадан ёки 2—3 тадан бўлиб, асоси кенг бакалсимон косача билан ўралган.

## 19. ЭМАНДОШЛАР — FAGACEAE

— Меваси сохта, серсув, данакча ёки кўсакча

33

33. Меваси сохта, ширин, серсув. Барглари сут ширали, текис қиррала, уч бўлакли ёки бармоқсимон бўлакли. Тўпгули исирғасимон, каллаксимон ёки ноксимон шаклда, серэт.

## 16. ТУТДОШЛАР — MORACEAE

- Меваси данак ёки кўсакча. Барглари сут ширасиз 34  
34. Меваси ғуборли данакча. Барглари наштарсимон, тухумсимон, кетма-кет жойлашган. Гулқўрғони найсимон, 4 бўлакли, оқимтир кумушранг тукли. Гуллари икки жинсли, хушбуй ҳидли.

## 56. ЖИЙДАДОШЛАР — ELAEAGNACEAE

- Меваси — кўсакча. Барглари узунчоқ тухумсимон ёки эллипссимон, қарама-қарши жойлашган, туксиз. Гуллари айрим жинсли, гулқўрғони 3—6 баргчали.

## 14. ШАМШОДДОШЛАР — BUxACEAE

35. Бўйи 15—20 м келадиган дарахт. Барглари 5—7, 9—11 та баргчалардан иборат. Гуллари бир жинсли. Бир уйли ўсимлик. Чангчили гуллари тушиб кетувчи қисқа қалами исирғасимон тўпгулларда, уруғчили гуллари эса биттадан ёки 2—3 тадан, баъзан кўп бўлиб, кўп йиллик шохларининг учида жойлашган. Меваси — ёнғоқ.

## 20. ЁНҒОҚДОШЛАР — JUGLANDACEAE

- Бўйи 10 метргача бўлган дарахт. Барглари 3 та, баъзан 1—5 та баргчалардан иборат. Гуллари бир жинсли. Икки уйли ўсимлик. Чангчили ва уруғчили гуллари шингилсимон тўпгулларда ўрнашган.

## 49. ПИСТАДОШЛАР — ANACARDIACEAE

36. Тожбарглари қўшилиб ўсмаган, яъни айрим тожбаргли 37  
— Тожбарглари қўшилиб ўсган, яъни туташ тожбаргли 48  
37. Барглари оддий 38  
— Барглари мураккаб 45  
38. Шохлари ёйсимон, пастга эгилган, оқимтир пўстлоқли. Барглари серэт, кумушранг, ҳар бир бўғимда 2—3—4 тадан тўп бўлиб жойлашган. Тўпгули ярим соябон. Косача ва гултожбарглари 5 тадан, чангчиси 12—15 та. Меваси — этли данак.

## 47. ОҚЧАНГАЛДОШЛАР — NITRARIACEAE

- Шохлари ёйсимон, эгилмаган. Барглари серэт эмас, яшил, якка-якка жойлашган 39  
39. Барглари ён баргчали, тикансиз. Косача ва тожбарглари 5 тадан; уруғчиси 1—5 та. Тўпгули қалқонсимон, соябонсимон ёки шингилсимон. Меваси қуруқ ёки ҳўл данак ёки олмасимон.

### 39. РАЪНОДОШЛАР — ROSACEAE

- Ён барглари тиканга айланган 40  
40. Тўпгули — шингил. Косачаси, тожбарглари, чангчилари 6 тадан, 3 тадан доира бўлиб жойлашган. Меваси резаворсимон, узунчоқ ҳўл данак мева. Тиканли бута.

### 8. ЗИРҚДОШЛАР — BERBERIDACEAE

- Тўпгули ярим соябон, шингилсимон, бошоқсимон, шарсимон, гуллари якка-якка ёки 2—4 тадан бўлиб ўрнашган. Косача, тожбарг ва чангчилари 5 тадан 41  
41. Шохлари тирсаксимон эгилган. Барглари узунчоқ, тухумсимон, 3 томирли, барг қирраси тишсимон, Тўпгули ярим соябон. Гуллари хушбўй, барг қўлтиқларида тўп-тўп, кўпинча 3 тадан бўлиб ўрнашган. Меваси данаксимон, ғуборли узунчоқ, ноксимон ёки шарсимон.

### 54. ЧИЛОНЖИЙДАДОШЛАР — RHAMNACEAE

- Шохлари тирсаксимон эгилмаган. 42  
42. Тўпгули шарсимон, ингичка, пастга қараб осилган бандда ўрнашган. Барглари йирик, узунлиги 15 см гача, 3—6 бўлакли. Гуллари айрим жинсли, чангчиси ва уруғчилари 3—8 тадан. Меваси — ёнғоқча.

### 13. ЧИНОРДОШЛАР — PLATANACEAE

- Тўпгули шингилсимон, бошоқсимон, гуллари якка-якка ҳолда жойлашган 43  
43. Барглари майда, 1—7 мм узунликда, тангачасимон, ёш новдаларни зич қоплаб олган. Тўпгули бошоқсимон, шингилсимон. Гуллари оқ, пушти. Меваси данак.

### 31. ЮЛҒУНДОШЛАР — TAMARICACEAE

- Барглари йирик, тангачасимон эмас. Гуллари якка-якка ҳолда, баъзан 2—4 тадан бўлиб ўрнашган 44  
44. Косачаси икки қават, яшил. Барглари тескари тухумсимон ёки ромбсимон. Гултожи оқ, гулоби — пушти ёки бишафша, косача баргларига нисбатан 2—3 марта узун. Уруғчиси 5 та, меваси беш хонали қуруқ кўсак.

### 36. ГУЛХАЙРИДОШЛАР — MALVACEAE

- Косачаси бир қават, қизил, қўнғироқсимон, 5—7 бўлакли, қаттиқ. Барглари қарама-қарши ёки кетма-кет жойлашган, қалами — наштарсимон. Тожбарги оч қизил, уруғчиси 1 та.

Меваси йирик, диаметри 10—15 см, оч қизил ёки пушти, резавор.

#### 42. АНОРДОШЛАР — PUNICACEAE

45. Меваси дуккак 46  
— Меваси қуруқ данак ёки узунчоқ учма 47  
46. Гуллари деярли тўғри, косачаси кенг қўнғироқсимон, қадин тукли. Икки жинсли гулларида косача ва тожбарги 5 тадан, айрим жинсли гулларида эса косачаси 6 та. Чангчиси 8—10 та, қўшилиб ўсмаган. Йирик, қаттиқ, шохланган тиканлар билан қопланган ўсимлик.

#### 41. БУРЧОҚДОШЛАР (Цезальпиндошлар) — FABACEAE

- Гуллари қийшиқ, капалаксимон. Косачаси беш тишли. Тожбарги 5 та. Улардан бири йирик, елкансимон, иккита ён қисмидагилари бироз кичик, эшкаксимон ва иккита пастдагиси эса қўшилиб ўсиб қайиқча ҳосил этади. Гуллари фақат икки жинсли. Чангчиси 10 та, иплари қўшилиб ўсган ёки улар алоҳида-алоҳида. Майда тиканли ёки тикансиз ўсимлик.

#### 40. БУРЧОҚДОШЛАР (Дуккакдошлар) — FABACEAE

47. Меваси қуруқ данак. Пояси сертикан. Гуллари бирмунча йирик, икки жинсли. Косача ва тожбарглари 5 тадан. Чангчи ва уруғчиси кўп.

#### 39. РАЪНОДОШЛАР — ROSACEAE

- Меваси учма, 1—6 та узунчоқ учмалардан иборат. Пояси тикансиз. Барглари йирик, узунлиги 40—90 см гача, тоқ патсимон. Гуллари майда, рўваксимон тўпгулда ўрнашган. Косачаси 5 та, чангчиси 10 та (икки жинсли гулларида 2—3 та). Қўланса ҳидли дарахт.

#### 45. АЙЛАНТДОШЛАР — SIMARUBIACEAE

48. Барглари кетма-кет жойлашган 49  
— Барглари қарама-қарши ёки ҳалқасимон жойлашган 50  
49. Тиканли бута. Барглари серэт, кумушранг, текис қиррали. Гуллари 2—6 тадан бўлиб, ён шохларининг барг қўлтиқларида жойлашган. Чангчиси 5—4 та. Меваси қизил ёки қора рангли резавор.

## 67. ИТУЗУМДОШЛАР — SOLANACEAE

- Тикансиз дарахт. Барглари этдор эмас, яшил, узунлиги 10—30 см, четлари текис ёки бироз 3—5 бўлакли. Гуллари икки лабчали, рўваксимон тўпгулда ўрнашган. Чангчиси 4 та. Меваси узунчоқ, қалами кўсакча.

## 69. ГУЛОБДОШЛАР — BIGNONIACEAE

50. Меваси икки қанотчали. Тўпгули қалқонсимон. Гуллари майда, оқ ёки яшил-сарғиш. Косача ва тожбарглари 4—5 тадан (баъзан 4—12 та). Чангчиси 4—5—8 (12) та.

## 50. ЗАРАНГДОШЛАР — ACERACEAE

- Меваси бир қанотчали ёки қорамтир данак. Тўпгули рўваксимон ёки шингил. Косачаси 4 та ёки гули косачасиз. Тожбарги 4 та, оқ. Чангчиси 2 (3—4) та.

## 61. ЗАЙТУНДОШЛАР — OLEACEAE

51. Попук илдизли ўсимлик 52  
— Уқ илдизли ўсимлик 53  
52. Поясиз, фақат узун гулпоя ҳосил қиладиган ўсимлик. Барглари илдиз бўғзида ёпирма ҳолда жойлашган, четлари текис, ёйсимон томирланган. Гуллари майда, тўғри, кўримсиз, бошоқсимон тўпгулда ўрнашган. Косачаси 4 та, тожбарглари 4 та, кўримсиз пардасимон. Чангчиси 4 та. Меваси юпқа пардали кўсакча.

## 71. ЗУПУТУРУМДОШЛАР — PLANTAGINACEAE

- Пояси яхши тараққий этган ўсимлик. Барглари бевосита пояда ўрнашган, панжасимон ёки патсимон бўлинган, томирлари тўрсимон. Гуллари зигоморф ёки актиноморф. Косачаси 5 (4—6—8) та, тожбарги 5—6 та. Чангчиси кўп. Меваси баргак, ёнғоқча ёки уруғча.

## 9. АИИҚТОВОНДОШЛАР — RANUNCULACEAE

53. Гулқўрғони оддий — косачасимон ёки тожбаргсимон ёки гулқўрғонсиз 54  
— Гулқўрғони мураккаб — косача ва тожбарглardan ташкил топган ёки косача ва тожбарглари бироз қисқарган ёки шаклини ўзгартган 60  
54. Сут ширали ўсимлик. Барглари оддий, бандли, кетма-кет ёки қарама-қарши жойлашган. Гуллари айрим жиғисли (бир ёки икки уйли), майда, гулқўрғонсиз ёки гулқўрғони косачасимон (чангчили гулларида тожбарглари сариқ). Тўпгули шингилсимон. Меваси кўсакча.

## 37. СУТЛАМАДОШЛАР — EUPHORBACEAE

- Сут ширасиз ўсимлик 55  
55. Поя ва барглари қичитувчи (ачиштирувчи) ўсимлик. Барглари оддий, тухумсимон, четлари йирик тишсимон, қарама-қарши жойлашган. Гуллари айрим жинсли.

## 18. ГАЗАНДАДОШЛАР — URTICACEAE

- Поя ва барглари қичитмайдиган (ачиштирмайдиган) ўсимлик, барглари кетма-кет жойлашган 56  
56. Икки уйли ўсимлик. Барглари панжасимон қирқилган. Чангчили гуллари ўсимликнинг учки қисмида шингилсимон тўпгулда ўрнашган. Чангчиси 5 та, уруғчили гуллари барг қўлтиқларидаги каллаксимон (бошчасимон) ёки қуббасимон тўпгулларда ўрнашган.

## 17. НАШАДОШЛАР — CANNABACEAE

- Бир уйли ўсимлик 57  
57. Барглари ён баргчали. Ён баргчаларнинг туташидан ҳосил бўлган юпқа парда поянинг барг ўрнашган қисмини ўраб олган, гуллари майда. Гулқўрғони 3—6 баргчали, яшил, агар гулқўрғони 6 баргчали бўлса, унда 3 та ички доирадаги гулбаргчалари йирик. Чангчиси 3—9 та. Меваси — ёнғоқча, баъзан қанотчали.

## 26. ТОРОНДОШЛАР — POLYGONACEAE

- Барглари ён баргчасиз, пардача (охрея) ҳосил қилмайди 58  
58. Чангчилари 8 та. Гулқўрғони найсимон ёки кўзачасимон, 4 ёки 5 баргчали, тожсимон, сарғиш-яшил. Меваси очилмайдиган бир уруғли ёнғоқча. Пояси ингичка. Барглари бутун, бандсиз, наштарсимон ёки қалами.

## 38. КЕЛИНСУПУРГИДОШЛАР — THYMELACEAE

- Чангчилари 1—5, 3—6 та. Гулқўрғони найсимон ҳам, кўзачасимон ҳам эмас, қўшилиб ўсмаган ёки баъзан асоси бироз қўшилиб ўсган 59  
59. Гулқўрғони қуруқ, пардасимон, 3—5 та баргчадан ташкил топган. Чангчиси 3—5 та. Барглари бандли, бутун, четлари текис. Меваси кўсакча.

## 24. ГУЛТОЖИХҲУРОЗДОШЛАР — AMARANTHACEAE

- Гулқўрғони яшил, пардасимон эмас, одатда 5 та баргчали, айрим турларда 1—3 баргчали ёки айрим жинсли гуллари-



да уруғчили гуллари гулқўрғонсиз. Барглари ҳар турларда ҳар хил шаклларда, бандсиз ёки бандли, айрим вакилларида кучли қисқарган. Чангчиси 1—5 та. Меваси юпқа пардали ёки ҳўл, баъзиларида қаттиқ тўп мева.

## 25. ШУРАДОШЛАР — CHENOPODIACEAE

60. Тожи туташмаган тожбарглardan ташкил топган 61  
 — Тожи туташган барглardan ташкил топган 80  
 61. Чангчилари 12 тадан ортиқ 62  
 — Чангчилари 1—12 тагача 69  
 62. Чангчи иплари бир-бири билан туташган 63  
 — Чангчи иплари бир-бири билан туташмаган 65  
 63. Чангчи иплари бир-бири билан тўла туташиб, уруғчини ўраб олган. Косачаси икки қават, 6—8 та баргчали. Гуллари йирик, турли рангда. Меваси — кўсак ёки тугмача меваси бир қанча майда мевачаларга ажралади (ёки мураккаб баргак)

## 36. ГУЛХАЙРИДОШЛАР — MALVACEAE

- Чангчи иплари тўла туташмаган, фақат асосидагина туташган холос, 3 ёки 5 бойламли. Косачаси икки қаватли эмас. Меваси кўп уруғли кўсакча 64  
 64. Гуллари сариқ, диаметри 1 см гача, тожбарги 5 та, ўсимтасиз. Барглари қарама-қарши жойлашган, 1 см дан узунроқ. Кўп йиллик ўсимлик.

## 28. ДАЛАЧОЙУТДОШЛАР — GLUSIACEAE (GUTTIFERAE)

- Гуллари оқ, пушти, майда, диаметри 5 мм. Тожбарги 5 та, икки ўсимтали. Барглари кетма-кет жойлашган, кўпинча жуда майда, туз ажратувчи безлар билан қалин қопланган. Чала бута.

## 31. ЮЛҒУНДОШЛАР — TAMARICACEAE

65. Косача барглари 2 та ёки икки бўлакли, тушиб кетувчи. Меваси кўсакча 66  
 — Косачаси 4—5 баргчали 67  
 66. Тожбарглари 4 та. Косачаси 2 та, ғунчаси очилиши билан тўкилиб кетади. Чангчиси кўп. Поя ва барглари этсиз, сут ширали.

## 10. КҲКНОРДОШЛАР — PAPAVRACEAE

- Тожбарглари 5 та. Косачаси иккига. бўлинган, гули очилганда тушиб кетади. Чангчиси 15 тагача. Барг ва поялари этли, сут ширасиз.

## 22. СЕМИЗУТДОШЛАР — PORTULACACEAE

67. Барглари учта панжасимон бўлакларга бўлинган, учки қисмлари ингичка, қалами, ўткир, бироз этли. Косача барглари қирқилган. Тожбарги оқ, узунлиги 12—20 мм. Меваси уч уяли айланасимон кўсак. Кўп йиллик ўсимлик.

## 48. ИСИРИҚДОШЛАР — PEGANACEAE

- Барглари бутун ёки четлари тишсимои, иккиламчи сегментсиз. Косача барглари бутун 68
68. Косачаси ва тожбарги 4 тадан, бироз зигоморф. Ёнбаргчалари сарғиш, салгина эгилган тикан шаклида. Етилган мевасининг ичи қизил, кўп уруғли, резаворсимои.

## 30. КОВУЛДОШЛАР — SAPARACEAE

- Косачаси 5 та, икки қаватли, тожбарги 5 та, гуллари актиноморф. Ёнбаргчалари тиканга айланмаган. Меваси бир уруғли, очилмайдиган.

## 39. РАЪНОДОШЛАР — ROSACEAE

69. Гуллари зигоморф 70  
— Гуллари актиноморф 71
70. Барглари уч баргчали ёки патсимои (баъзан оддий), ён баргчали. Косача ва тожбарглари 5 тадан. Устки битта тожбарги йирик, елкансимои, иккита ён қисмидагилари кичикроқ эшкакча (қанотча) ва иккита пасткиси қўшилиб ўсиб қайиқча ҳосил қилади. Чангчиси 10 та, туташмаган ёки туташган ёки 9 тасининг ипчалари туташган, биттаси эса алоҳида. Меваси дуккак.

## 40. БУРЧОҚДОШЛАР (Дуккакдошлар) — FABACEAE

- Барглари уч марта патсимои бўлинган, ён баргчасиз. Гуллари майда. Косачаси 2 та, ғунчаси очилгандан сўнг тушиб кетади. Тожбарги 4 та, устки тожбарги наштарли. Чангчиси 6 та, чангчи иплари икки бойлам. Меваси ёнғоқча.

## 11. ШОТАРАДОШЛАР — FUMARIACEAE

71. Меваси қўзоқ ёки қўзоқча 72  
— Меваси кўсак ёки уруғча 73
72. Косача ва тожбарглари 4 тадан. Чангчиси 6 та, ундан 2 таси қисқа.

## 32. ҚАРАМДОШЛАР — BRASSICACEAE

- Косачаси 2 та, тожбарги 4 та (ҳар қайси доирада 2 тадан),  
чангчиси 4 та. Меваси қўзоқ.

## 12. БУҒИММЕВАДОШЛАР — NUPESOCACEAE

73. Меваси уруғча 74  
— Меваси кўсақча 75  
74. Тўпгули мураккаб ёки оддий соябон, гуллари майда, кў-  
пинча сариқ ёки оқ рангли. Косача, тожбарглари ва чанг-  
чиси 5 тадан. Баргларининг остки қисми кенгайиб нов ҳо-  
сил қилади. Меваси қўшалоқ уруғча.

## 53. ЗИРАДОШЛАР (Соябонгулдошлар) — ARIACEAE

- Тўпгули чала соябон ёки гуллари якка-якка жойлашган,  
йирик (0,5 см дан катта), кўпинча пушти. Косача ва тож-  
барглари 5 тадан, чангчиси 10 та. Барглари қарама-қарши  
жойлашган, пардасимон ён баргчали. Меваси 5 уруғчали.

## 52. ЕРОНГУЛДОШЛАР — GERANIACEAE

75. Барглари кетма-кет жойлашган 76  
— Барглари қарама-қарши ёки ҳалқасимон жойлашган 77  
76. Барглари бандсиз, четлари текис, безсиз. Гуллари ҳаво-  
ранг, беш аъзоли. Толали ўсимлик.

## 51. ЗИФИРДОШЛАР — LINACEAE

- Барглари бандли, бутун ёки уч бўлакли, кўп йиллик тур-  
ларида безли. Косача ва тожбарглари 5 тадан, чангчиси  
10 та (*Nephrhyllum*) ёки косача ва тожбарглари 3—4 та-  
дан, унда чангчиларининг сони гулқўрғони сонига тенг  
(*Tetradictilis*).

## 44. ТОШБАҚАТОЛДОШЛАР — RUTACEAE

77. Чангчиси 10 та 78  
— Чангчиси 6 та ёки 8 та 79  
78. Барглари оддий, ён баргчасиз, гултожиси 5 та, тожбарг-  
ларининг остки қисми ингичка, юқори қисми (эгилган  
жойи) кенг. Гуллари шингилсимон ёки қалқонсимон, ёки  
чала соябонсимон тўпгулларда ўрнашган, баъзан якка-  
якка. Кўсақчаси — уч хонали, бўлмасиз, япалоқ эмас.

## 23. ЧИННИГУЛДОШЛАР — CARYOPHYLLACEAE

- Барглари мураккаб, 1, 2, 3- жуфт барглари ён баргчали.

Тожбарглари 5 та, қайтақисиз. Гуллари якка-якка ёки 2 тадан барг қўлтиқларида ўрнашган. Кўсакчаси уч-тўрт уяли, уч-тўрт бурмали, бироз гардишсимон, кўп уруғли ёки беш бурчакли, асосидан 5 та уч қиррали — илгакли ёки тиконли қаттиқ ёнғоқчага ажралган.

#### 46. ТУЯТОВОНДОШЛАР — ZYGOPHYLLACEAE

79. Чангчиси 6 та, гулқўрғони 5 аъзоли. Тугунчаси устки. Поянинг пастки қисмидаги барглари қарама-қарши, устки қисмидагилари ҳалқасимон жойлашган, баргининг остки томони оқ ғуборсимон тукли.

#### 33. УЧЧАНОҚДОШЛАР — FRANKENIACEAE

- Чангчиси 8 та, баъзан 4 та, гулқўрғони 4 аъзоли. Тугунчаси остки. Барглари қарама-қарши ёки кетма-кет жойлашган, тукли.

#### 43. ҚИЗИЛБАРГДОШЛАР — ONAGRACEAE

80. Илдизсиз, паразит ўсимлик 81  
 — Илдизли, паразит бўлмаган ўсимлик 82  
 81. Чирмашувчи, баргсиз, сариқ қўнғир рангли, серпоя паразит ўсимлик. Гуллари жуда майда, актиноморф, тўда бўлиб жойлашган. Қосача ва тожбарглари 5 ёки 4 бўлакли. Меваси устунчали кўсакча, икки хонали, ҳар қайси хонасида 1 та ёки 2 тадан уруғи бор.

#### 63. ЗАРПЕЧАҚДОШЛАР — CUSCUTACEAE

- Тикка ўсувчи, барглари тангачасимон қисқарган, паразит ўсимлик. Гуллари анча йирик, зигоморф, икки лабчали, серёт, поясининг уч қисмидаги шингилсимон тўпгулда ўрнашган. Қосача ва тожбарглари 5 тадан. Гултожи узун найсимон. Меваси кўп уруғли, 2 ёки 3 паллага ажраладиган кўсак.

#### 70. ШУМҒИЯДОШЛАР — OROBANCHACEAE

82. Барглари кетма-кет жойлашган ёки пояси баргсиз, у ҳолда барглари илдиз бўғзида ёпирма бўлиб жойлашган 83  
 — Барглари қарама-қарши ёки ҳалқасимон жойлашган 88  
 83. Тугунчаси устки  
 — Тугунчаси остки 87  
 84. Меваси ёнғоқча 85  
 — Меваси кўсакча ёки резавор 86  
 85. Тўпгули бошоқсимон, қалқонсимон, рўваксимон. Гуллари актиноморф. Қосачаси туташ баргчали, найсимон ёки

қадақсимон, пардасимон, 5 та яшил томирли. Меваси бир хонали, очилмайдиган, бир уруғли. Поясининг остки қисмидаги ёпирма барглари йирик, бандли, поясидаги барглари эса майда, бандсиз.

## 27. КЕРМАҚДОШЛАР — PLUMBAGINACEAE

- Тўпгули жингалак. Гуллари актиноморф ёки зигоморф. Косачаси қирқилган, 5 бўлакли, ўткир қалами, бўлмалари дағал тукли ёки 5 тишли. Меваси 4 та бир уруғли ёнғоқчага ажралади. Барглари қаттиқ ёки юшоқ тукли.

## 64. КАМПИРЧОПОНДОШЛАР — BORAGINACEAE

86. Пояси чирмашувчи, ётиб ўсувчи ёки тик ўсувчи — бу ҳолда жуда сершоҳ. Тожбарги қадақсимон, узунасига 5 чизиқли (ҳошияли). Косача барглари туташмаган ёки фақат асосида туташган. Меваси кўсакча.

## 62. ПЕЧАҚДОШЛАР — CONVULVULACEAE

- Пояси тик ўсувчи ўсимлик. Тожбарглари деярли найсимон. Косача барглари ярмигача, баъзан ундан ҳам юқорироқ туташган. Меваси резавор ёки кўсакча.

## 67. ИТУЗУМДОШЛАР — SOLANACEAE

87. Пояси ўрмаловчи, жингалакли. Барглари йирик, юраксимон, тухумсимон, бутун, панжасимон бўлакли ёки патсимон қирқилган. Гуллари айрим жинсли, якка-якка, косача барглари бор. Меваси резавор.

## 29. ҚОВОҚДОШЛАР — CUCURBITACEAE

- Пояси тик ўсувчи, ўрмалаб ўсмайдиган, жингалаксиз. Барглари бутун ёки қирқилган. Гуллари ўзига хос саватсимон ёки бошчасимон тўпгулда ўрнашган. Саватчалар атрофи ўрама барглар билан қопланган. Гуллари бир ёки икки жинсли. Косача барглари қисқариб тукчаларга айланган. Тожбарглари найсимон, жилсимон ёки қадақсимон. Меваси пистача.

## 72. ҚОҚИДОШЛАР (МУРАҚҚАБГУЛДОШЛАР) — ASTERACEAE

88. Гуллари зигоморф 89  
— Гуллари актиноморф 91  
89. Пояси тўрт қиррали. Гуллари икки лабчали, ҳалқасимон

ўрнашган. Чангчиси 4—2 та. Тугунчаси тўрт бўлаккли. Меваси 4 та ёнғоқчага ажралади. Хушбўй ҳидли ўсимлик.

## 66. ЯЛПИЗДОШЛАР (ЛАБГУЛДОШЛАР) — LAMIACEAE

- Пояси тўрт қиррали эмас. Тугунчаси бутун, хушбўй ҳидсиз, ўсимлик 90
90. Меваси — кўсакча. Барглари асосан қарама-қарши, баъзан кетма-кет жойлашган (*Dodartia*). Чангчиси 4—2 та.

## 68. СИГИРҚҲЙРУҚДОШЛАР — SCROPHULARIACEAE

- Меваси 4 қисмга ажралувчи ёнғоқча. Барглари қарама-қарши ёки ҳалқасимон жойлашган.

## 65. ТИЗИМГУЛДОШЛАР — VERBENACEAE

91. Сут ширали ўсимлик 92
- Сут ширасиз ўсимлик 93
92. Чангчи ипчалари найсимон тутшиб устунчани ўраб олган. Тўпгули — оддий соябон. Пояси чирмашувчи ёки тик ўсувчи ўсимлик. Барглари юраксимон. Меваси кўп уруғли баргак.

## 59. СУТПЕЧАКДОШЛАР — ASCLEPIADACEAE

- Чангчиси 5 та, ипчалари туташмаган. Тўпгули қалқонсимон ёки қисқарган рўвак. Пояси тик ўсувчи, чирмашмайдиган ўсимлик. Барглари тухумсимон, эллипссимон ёки қалами. Меваси иккита узунчоқ кўзоқсимон баргакдан иборат, чокидан очилади.

## 58. КЕНДИРДОШЛАР — APOCYNACEAE

93. Барглари поянинг ҳар бир бўғимида 4—6 тадан ҳалқасимон жойлашган. Пояси ётиб ўсувчи, бироз тўрт қиррали, ёпишқоқ. Гуллари майда, косача барглари қисқарган, тожбарги 4—5 та. Чангчиси 4 та, тожбаргларга ёпишган. Тугунчаси остки.

## 57. РУЯНДОШЛАР — RUBIACEAE

- Барглари қарама-қарши ёки кетма-кет жойлашган 94
94. Поядаги барглари бандсиз, асослари тутшиб пардасимон нов ҳосил этади, узунлиги 8—11 мм. Илдиз бўғзидаги барглари ёпирма бўлиб жойлашган. Гуллари гулёнбаргчали. Тожбарги найсимон, қадаҳсимон, кўк, пушти, оқ. Илдизи туғунаксимон йўғонлашган ўсимлик.

## 60. ГАЗАКУТДОШЛАР — GENTIANACEAE

— Поясидаги ва ёпирма барглари бандли, гуллари гулёнбаргсиз. Тожбарги 5 бўлакли ёки 5 га бўлинган (баъзан тожбаргсиз), ҳаворанг, пушти ёки оқ.

## 35. НАВРУЗГУЛДОШЛАР — PRIMULACEAE


### 1. ҚИРҚБЎҒИМДОШЛАР — EQUISETACEAE

Ўзбекистон флорасида қирқбўғимдошлар оиласига мансуб бир туркум ва икки тур ўсади. Улардан кенг тарқалган тарновчўл, шохланган қирқбўғим (*Equisetum ramosissimum* Desf) дир.

Бу қирқбўғим кўп йиллик, илдиз-пояли, шохланган ўсимлик. Спорасиз (мевасиз) ва спорали (мевали) поялари бир-бирига ўхшайди. Баландлиги 50—100 см, бўғимларида шохлар айлана ҳосил қилиб жойлашган. Новида қора доғлар бор. Бошоғи ўткир. III—V ойларида спора ҳосил қилади.

Чўл, адир ва тоғларда, ботқоқлашган жойларда, сернам тупроқларда, дарё ва ариқ бўйларида ўсади. Ўзбекистоннинг кўпчилики вилоятларида тарқалган.

Изоҳ: Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида юқорида кўрсатилган турдан ташқари, бошқа тур дала қирқбўғими (*Equisetum argense* L.) ўсади. Поясининг баландлиги 50 см гача етади. «Мевали» ва «мевасиз» поялари биридан фарқ қилади. Мевали пояси эрта баҳорда ҳосил бўлиб, кўнғир рангли, шохланмаган ва тез қуриydi. Мевасиз пояси эса ёзда ҳосил бўлиб, яшил ва шохланган бўлади. Новида қора доғлар йўқ. Бошоғи тўмтоқ. III—V ойларида спора ҳосил қилади. Чўл, адир ва тоғларда, сернам жойларда, дарё ва ариқ бўйларида ўсади.



9-расм. Тарновчўп (шоҳланган қирқбўғим).

### 2. ҚИРҚҚУЛОҚДОШЛАР — ATHYRIACEAE

Бу оиланинг Ўзбекистонда 6 та туркуми тарқалган, уларнинг турлари асосан Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Фарғона водийсининг тоғли районларида учрайди.

Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Соруслари қалами. Баргларининг умумий кўриниши учбур-

чак шаклида ёки учбурчак-овалсимон, узунлиги 1—10 см, деярли қаттиқ, қалин. Қўп йиллик Июнь—август ойларида спора ҳосил қилади. Тоғларда ёрларнинг ёриқларида учрайди.

### Сумбул асплениум — *Asplenium ruta-muraria* L.

- Соруслари юмалоқ 2
2. Барглари биттадан жойлашган, узунлиги 15—60 см. Илдиз-пояси ингичка, ўрмаловчи, қорамтир. Қўп йиллик. Август-сентябр ойларида спора ҳосил қилади. Тоғларда, ботқоқлашган жойларда, дарё, ариқ бўйларида учрайди.

### Ботқоқ қирққулоғи — *Dryopteris thelypteris* (L.) A. Gray

- Барглари тўп-тўп бўлиб жойлашган, узунлиги 5—10 см. Илдизпояси йўғон, қисқа, ётиқ жойлашган. Қўп йиллик. Тоғларнинг қояларидаги соя жойларда учрайди.

### Мўрт цистоптерис — *Cystopteris filix-fragalis* (L.) Borbas.

## 3. САЛЬВИНИЯДОШЛАР — SALVINIACEAE

Бу оилага фақат битта турга эга бўлган туркум — патсимон сув қирққулоқ (*Salvinia natans* (L.) All.) киради. Умумий кўри-ниши патсимон баргчага ўхшаш. Бу тур Амударё ва Сирдарё-нинг қуйи оқимидаги секин оқадиган ва кўлмак сувларда, кўлларда, сув ҳавзаларида учраб, сувнинг юзасида қалқиб яшайди. Қўп йиллик ўсимлик. Август—сентябр ойларида спора ҳосил қилади. Ўзбекистоннинг кўпчилики вилоятларида учрайди.

## 4. ҚИЗИЛЧАДОШЛАР — EPHEDRACEAE

### Туркум. Қизилча, зоғоза — *Ephedra* L.

#### Турлар аниқлагичи

1. Шохчаларининг бўғим оралиғи 5 см гача. Чангчили бошоғи овалсимон. Уруғчили бошоғи 2—3 «гулли», найчаси буралган, узунлиги 4—5 мм. Баландлиги 1 м га етадиган бута. Июнь—июл ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, тошли ва чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

### Чўл қизилчаси — *Ephedra intermedia* Schrenk

- Шохчаларининг бўғим сарлиғи 2 см гача. Чангчили бошоғи



думалоқ (шарсимон). Уруғчили бошоғи бир «гулли». Най-часи тўғри ёки салгина қайрилган. Баландлиги 1,5 м га етadиган бута. Июнь — июлда гуллаб, мева беради. Тоғ этакларида, тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Қирқбўғимсимон қизилча — *Ephedra equisetina* Bunge.

Из оҳ: Республикамизнинг чўл қисмидаги кўчмайдиган кумларда Қуббадор қизилча (*Ephedra strobilaceae* Bunge) ўсади.

## 5. ҚАРАҒАЙДОШЛАР — PINACEAE

Ўзбекистон флорасида бу оиллага мансуб ёввойи турлар йўқ. Ҳозирча унчалик кенг тарқалмаган учта туркуми экма ҳолда ўстирилади: қарағай (*Pinus L.*), қора қарағай (*Picea Districh*) ва пихта (*Abies Hill.*).

Қарағайдошлар оиласига мансуб ўсимликлардан қарағай — қрим қарағайи (*Pinus pallasiana* Lamg.) бизнинг шароитда кенг тарқалган. Қарағай баланд бўйли, гумбазга ўхшаш қуббасимон шох-шаббали дарахт. Танасининг юқори қисми қизғиш, ёш новдалари сарғиш ёки малла рангли. Барглари узун, 8—15 см, ингичка, қалами, тўқ яшил рангли, ўткир учли. Қуббаси катта, узунлиги 6—10 см, эни 4—5 см, якка-якка ёки икки-тўрттадан айлана шаклида жойлашган, бандсиз ёки қисқа бандли. Қуббасининг тангачалари ромбсимон, ялтироқ, қўнғир-сарғиш рангли. Қуббаси иккинчи йили етилади.

Из оҳ: қолган икки туркуми: қора қарағай ва пихта қисқа баргли, баргининг узунлиги 1 см гача. Қора қарағайнинг барги игнасимон ўткир учли. Пихтанинг барги ясси, учи тўмтоқ.

## 6. САРВДОШЛАР — CUPRESACEAE

### Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Пўстлоғи қизғиш, шох-шаббаси қалин, овал шаклли ёки конуссимон. Етилган қуббаси қисқа бандли, кўндаланг кесими 9—12 мм. Тўқ жигарранг. Баландлиги 20 м га етадиган дарахт. Адир ва тоғларда, тошли ва чағир-тошли ёнбағирларда ўсади. Апрель — май ойларида гуллаб, меваси октябр — декабрда етилади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Эфир мойли ўсимлик.

— Пўстлоғи кул тусли жигарранг

2

### Қизил арча — *Juniperis zeravschanica* Kom.

2. Шох-шаббаси сийрак, пастга қараб эгилган. Етилган қуббасининг диаметри 6—7 мм, узун бандли, қорамтир рангли. Адир ва тоғларнинг тошли ва чағир тошли ёнбағирларида

ўсади. Май — июн ойларида гуллаб, меваси сентябр — октябрда етилади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

### Сарв арча — *Juniperus semiglobosa* Regel

— Пўстлоғи кул тусли. Шох-шаббаси қалин. Шохчалари юқорида келтирилган икки турга нисбатан йўғон, 2 мм гача. Меваси этли, яъни 15 мм атрофида. Яйловнинг юқори қисмида ер бағирлаб ўсади. Апрель — май ойларида гуллаб, сентябр — октябрда мева беради. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

### Туркистон арчаси, ўрик арча — *Juniperus turkestanica* Kom.

Изоҳ: юқорида келтирилган ёввойи ҳолда ўсувчи сарвдошлардан ташқари, Ўзбекистон шаҳарларида шарқ сарви (*Biota orientalis* (L.) Endl) ўстирилади. Поясининг баландлиги 6—10 м келадиган доим яшил дарахт ёки бута. Новдалари зич жойлашган. Барглари ям-яшил. Қуббасининг узунлиги 1—2 см гача, ёғочланган, сийрак жойлашган 3—4 жуфт тангачалардан иборат, узунчоқ, тухумсимон, 1—2 уруғли, қанотчасиз. Ватани Хитой.

Бундан ташқари республикаимизда кўпинча маданий ҳолда виргин арчаси (*Juniperus virginiana* L.) ўстирилади. Шох-шаббаси пирамидасимон, баландлиги 10—12 м келадиган дарахт. Барглари тухумсимон, тўқ-яшил, майда, узунлиги 1,5 мм, зич жойлашган. Қуббаси майда, узунлиги 6 мм гача, кўжимтир-қора, оқимтир ғуборли, 2 уруғли. Ватани Шимолий Америка.

## 7. ШОХБАРГДОШЛАР — CERATOPHYLLACEAE

### Туркум. Шохбарг — *Ceratophyllum* L.

Тиканли шохбарг (*Ceratophyllum demersum* L.) кўп йиллик, пояси 40—150 см, ингичка, шохланган. Барглари 2 (3) та, ипсимон бўлақларга бўлинган. Меваси — ёнғоқча, учиди 3 та тикани бор. Июн — август ойларида гуллаб, мева беради. Кўлларда, чуқурликда, ҳовузларда, секин оқадиган дарёларда, сув омборларида учрайди. Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

## 8. ЗИРҚДОШЛАР — BERBERIDACEAE

### Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Бўйи 3—4 м га етадиган тиканли бута. Барглари бутун, тескари тухумсимон, чўзиқроқ ёки эллипссимон, узунлиги 6 см, эни 3 см га етади. Гуллари 10—20 тадан бўлиб, рўваксимон тўпгулда жойлашган. Косачабарглари ва тожбарглари 6 тадан. Чангчиси 6 та. Меваси қора-сиёҳранг, шакли чўзиқ эллипссимон, узунлиги 1 см, эни 6 мм, тўқ бинафша рангли, қимизак. Май ойида гуллаб, август—сентябрда мева беради. Чўл, адир ва тоғларда тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Зиравор, доривор ўсимлик.



10- расм. Қора зирк.

Қора зирк — *Berberis oblonga* (Regel) Schneid.

- Кўп йиллик ўт 2
2. Поядаги барглари тўпгулдан пастроқда жойлашган. Кўсаги пуфаксимон (шишган). Тугунаги тухумсимон, йирик, эни 10—15 см. Поясининг бўйи 20—60 см. Барглари 6 та патси-

мон бўлакка ажралган. Ҳар бирида 6 тадан бўлакчалари бор. Чангчиси 6 та. Тўпгули мураккаб шингил. Март—апрел ойларида гуллаб уруғлайди. Чўл ва адирларда, соз тупроқларда ва тошли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Доривор ўсимлик.



11- расм. Пўрсилдоқ бойхалча

**Эверсман ерсовуни —  
Leontica eversmannia Regel**

— Поядаги барглари бевосита тўпгулнинг тагида жойлашган, кўсаги чўзиқ-шарсимон, майдароқ, эни 2—2,5 см. Пояси битта, баъзан кўп, бўйи 10—30 см. Барглари уч бўлакка ажралган. Ҳар бирида 3—5 тадан бўлакчалари бор. Гуллари сариқ. Косача ва тожбарглари 6 тадан. Тўпгули 5 (15) гулли, шингил. Апрель—август ойларида гуллаб, уруғлайди. Адир ва тоғ этакларида тошли, майда заррача тупроқли ёнбағирларда ўсади. Республикамизнинг кўпгина вилоятларида тарқалган. Доривор ўсимлик.

**Пўрсилдоқ бойхалча — *Gymnospermum albertii* (Regel) Takht.**

**9. АИИҚТОВОНДОШЛАР — RANUNCULACEAE**

**Туркум ва турлар аниқлагичи**

1. Бир йиллик ёки икки йиллик ўсимликлар 2
- Кўп йиллик ўсимликлар 6
2. Гуллари жигарранг-қизғиш, тожбаргларининг пастки қисмида қорамтир доғлари бор. Бир йиллик ўсимлик, бўйи 15—60 см. Барглари икки, уч қарра патсимон бўлинган. Май—июн ойларида гуллаб уруғлайди. Чўл ва адирларда, бўш ётган ерларда, экинлар орасида ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган. Доривор ўсимлик.

## Сассиқматал суғурўт — *Adonis parviflora* Fisch.

- Гуллари сариқ ёки оч пушти 3
3. Гуллари зигоморф, оч пушти. Бир йиллик, бўйи 6—35 см. Барглари қирқилган. Гуллари йирик, деярли поя бўйлаб барг қўлтиғида ўрнашган. Апрель—май ойларида гуллаб уруғлайди. Чўл ва адирларда, мустаҳкамланиб қолган қумларда ва соз тупроқли ёнбағирларда ўсади. Республика-мизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

## Ажинли исфарак — *Delphinium rugulosum* Boiss.

- Гуллари актиноморф (тўғри), сариқ рангли 4
4. Бўйи 10 см дан ошмайди. Гуллари пояда якка-якка жойлашган.
- Бўйи 20—45 см га яқин, поялари кўп гулли. Бир-икки йиллик. Пастки барглари қалин, буйраксимон. Гулларининг эни 7—10 мм, косача барглари тожбаргларидан узун. Тожбарглари 5—6 та, чанчилари кўп. Мевасининг узунлиги 2—1,3 мм. Апрель—май ойларида гуллайди. Намли қумларда, лойқали тупроқларда, булоқ ҳамда дарё, ариқ бўйларида, хотқоқлашган жойларда ўсади. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида тарқалган. Доривор, заҳарли ўсимлик.

## Тугмачабош қуёнўт — *Ranunculus scleratus* L.


5. Меваси тўғри, ўткир учли. Бир йиллик, бўйи 1—7 см. Барглари панжасимон, уч бўлакли. Гуллари майда, оч сариқ. Тўпгули каллак. Косача ва тожбарглари 5 тадан. Меваси тиканли, узунлиги 2—4 см. Март—май ойларида гуллаб уруғлайди. Чўл ва адирларда, соз ва қумли тупроқларда, қуруқ ёнбағирларда, шўрланган ерларда бегона ўт сифатида учрайди. Республикаимизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган. Доривор, заҳарли ўсимлик.

## Учма қўйतिकан — *Ceratocephalus testiculatus* (Crantz.) Bess.

- Меваси ўроқсимон букилган, ясси, учи ўткир илгаксимон тумшукчали. Бир йиллик ўт. Бўйи 3—10 см. Барглари панжасимон, уч бўлакли. Гуллари майда, оч сариқ рангли. Тўпгули каллак. Меваси тиканли. Март—май ойларида гуллаб уруғлайди. Чўл ва адирларда, соз тупроқларда ва қумли тупроқларда, шағалли қуруқ ёнбағирларда ҳамда шўрланган ерларда ўсади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида тарқалган. Доривор, заҳарли ўсимлик.

**Оташак қўйतिकан — *Ceratocephalus falcatus* (L.) Pers.**

6. Бошқа ўсимликларга ўралиб ўсувчи бута. Барглари қарама-қарши жойлашган, патсимон бўлинган. Гуллари сарғиш ёки сарғиш-яшил. Тўпгули рўваксимон. Косача барги тожсимон. Узунлиги 13—20 (25) мм. Чангчилари кўп. Меваси кўп, патсимон, узун устунчали. Июнь—октябр ойларида гуллаб уруғлайди. Чўл, адир ва тоғ этакларида, дарё бўйларида, буталар орасида ва қум уюмлари ораларида, текисликларда ўсади. Республикамизнинг деярли ҳамма вилоятларида тарқалган.



12-расм. Зар исфарак.

**Шарқ илонгули —  
*Clematis orientalis* L.**


- Бошқа ўсимликларга ўралиб ўсмайдиган ўт ўсимлик
7. Гуллари зигоморф, оч сариқ, кўп гулли рўвакда жойлашган. Кўп йиллик ўт, бўйи 35—70 см. Епирма барглари узун бандли, япроғи беш бўлакли. Май—июн ойларида гуллаб, июнда уруғ беради. Чўл, адир ва тоғ этакларидаги соз тупроқли ёнбағирларда ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган. Доривор ва бўёқ берувчи ўсимлик.

**Зар исфарак — *Delphinium semibarbatum* Bienert.  
ex Boiss.**

- Гуллари актиноморф
8. Ер остки тугунакли ўсимлик. Гулқўрғоннинг ташқи доирасидаги тожбарглари ранги жиҳатидан ички доирасидагилардан кескин фарқ қилади. Кўп йиллик, поясининг бўйи 3—25 см, туксиз. Гуллари якка-якка ўрнашган. Косача ва тожбарглари 5—8 тадан. Чангчиси кўп. Феврал—апрел ойларида гуллаб, апрел—майда уруғ беради. Адир ва тоғ этакларидаги тупроғи майда заррали ва тошли ёнбағирларда ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

Дашт жарчиси — *Erianthis longistipitata* Regel.

— Ер остки тугунаксиз, қисқа илдизпояли ўсимлик. Гулқўрғон барглари бир хил рангли ва бир хил шаклли. Кўп йиллик ўт. Поясининг бўйи 5—25 см. Ёпирма барглари бандли, туксиз, бўлинган. Гуллари оч сариқ, узун гул бандида 1—3 тадан жойлашган. Чангчи ва уруғчилари кўп. Меваси ёнғоқча, бир уруғли. Март — апрел ойларида гуллаб, апрел — май ойларида мева беради. Адир ва тоғларда бўз тупроқли ва тошли ёнбағирларда ўсади. Республикамининг кўпгина тоғли вилоятларида тарқалган.



Қарғатуёқ пўфанак —  
*Anemone petiolulosa* Juz.

10. КЎКНОРДОШЛАР —  
PAPAVERACEAE

13- расм. Қарғатуёқ пўфанак.

Бу оиланинг тиббиёт амалиётида катта аҳамиятга эга бўлган вакили — кўкнор — *Papaver somniferum* L. республика-мизда бир оз бўлса-да экилади.

Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Гуллари сариқ. Тожбарглари оч сариқ, ўрта қисми қизғиш, остида қора доғи бор. Чангчиси кўп. Бир йиллик ўт. Поясининг баландлиги 10—35 см. Илдиз бўғзидаги барглари патсимон бўлинган. Қўсақчаси қўзоқсимон, 2 та ёки 3 та чаноқчага бўлиниб очилади. Апрель — июн ойларида гуллаб, мева беради. Адирларнинг юқори қисмида, тоғ этакларидаги тошли ва тупроғи майда заррачали ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

Ўрмонқора — *Glaucium elegans* Fisch. et Mey.

— Гуллари тўқ қизил рангли 2  
2. Ғунчасининг тепасида 2 та шоҳчаси бор. Қўсаги юмалоқ, узунлиги 5—10 мм, эни 4—8 мм, дағал туклар билан қалин қопланган. Бир йиллик ўт. Поясининг баландлиги 10—40 см. Илдиз бўғзидаги барглари узун бандли, икки марта патсимон бўлинган. Март — май ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғ этакларида соз тупроқли, қумли ва тошли

ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Доривор ўсимлик.



**Лолақизғалдоқ, қизил кўкнори —  
Papaver pavoninum Schrenk.**

— Ғунчасининг тепасида шохчаси йўқ. Қўсаги узун, қўзоқсимон, узунлиги 4—6 см, эни 2 мм, туксиз. Бир йиллик ўт. Поясининг баландлиги 8—50 см. Илдиз бўғзидаги барглари бандли, 2—3 марта патсимон бўлинган. Апрель—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғ этакларида соз тупроқли ёнбағирларда, экинлар орасида, тупроқли томларда ўсади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган. Доривор ўсимлик.

**Эгилган қизғалдоқ —  
Roemeria refracta Dc.**

14-расм. Қизил кўкнори  
(лолақизғалдоқ).

## 11. ШОТАРАДОШЛАР — FUMARIACEAE

### Туркум. Шотара — *Fumaria* L.

**Вайян шотараси — *Fumaria vaillantii* (Lois) L.** бир йиллик ўсимлик. Пояси жўякли, қиррали, баландлиги 10—20 см. Косачабарглари 2 та, пардасимон ёки тангачасимон, узунлиги 0,5 мм, тез тушиб кетади. Тожбарглари пушти-бинафша рангли, устки қисми қорамтир-бинафша доғли, узунлиги 4,5—6 мм, эни 2 мм. Меваси бир уруғли, юмалоқ ёнғоқча. Чўл, адир ва тоғ этакларида, кўпроқ экинлар орасида, боғларда ва бўз ерларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

## 12. БЎҒИММЕВАДОШЛАР — NUPESOACEAE

### Туркум. Бўғиммева — *Nupescium* L.

**Майдагул бўғиммева — *Nupescium parviflorum* Kar. et. Kir.** бир йиллик ўсимлик. Пояси цилиндрик, туксиз, бўйи 20—30 см. Косабарглари майда, узунлиги 1—1,5 мм, тожбаргини узунлиги 7—10 мм, оқимтир-сарғиш рангли, устки қисмида бир қанча майда бинафша доғлар бор. Қўзоғининг узунлиги 5—6 см, осилиб турувчи, пишгандан сўнг бир уруғли бўғимларга бўлиниб синади ёки икки паллага ажралиб очилади. Апрель—май ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адирларда, қумли, соз тупроқли ва тошли ёнбағирларда ҳамда экинлар орасида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.



## 13. ЧИНОРДОШЛАР — PLATANACEAE

Туркум. Чинор — *Platanus L.*

Шарқ чинори — *Platanus orientalis L.* баландлиги 20—25 м бўлган дарахт. Пўстлоғи яшил-кулранг. Барглари йирик, 3—5 (7) см, кенг тухумсимон, бўлакли. Гуллари кўримсиз, айрим жинсли, гулбандли, осилиб турувчи узун шарсимон тўпгулда зич жойлашган. Чангчили ва уруғчили гулларида чангчи ва уруғчиларнинг сони 3—8 тадан. Меваси ёнғоқча. Апрель — июн ойларида гуллаб, мева беради. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида ўстирилади.

## 14. ШАМШОДДОШЛАР — BUXACEAE

Туркум. Шамшод — *Buxus L.*


Доим яшил шамшод — *Buxus sempervirens L.* сершоҳ бута, ёш новдалари тукли, тўрт қиррали. Барглари қисқа бандли, четлари текис. Гуллари майда, каллаксимон тўпгулда ўрнашган. Кўсакчаси тухумсимон, 3 чаноқли. Апрель — август ойларида гуллаб, мева беради. Республикада кенг тарқалган қадимги манзарали бута.

## 15. ҚАЙРАҒОЧДОШЛАР — ULMACEAE

Ўзбекистонда қайрағочдошларнинг ўнта турдан иборат Қайрағоч *Ulmus L.* ва қатронғи *Celtis L.* номли икки туркуми ўсади. Улардан қайрағочлар туркуми кўп тарқалган. Аниқлагичда қайрағочларнинг кўп тарқалган иккита манзарали тури келтирилди.

Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Меваси данак мева, ширин, истеъмол қилинади, шарсимон, мустақкам, тўқ сариқ ёки қўнғир рангли. Апрель — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Республикамизнинг деярли барча вилоятларида, тоғларнинг тошли ва шағалли ёнбағирларида ҳамда қояларда ўсади. Манзарали дарахт сифатида ҳам экилади. Республикамизнинг нодир ўсимликларидан бири, меваси истеъмол қилинади.



15-расм. Туғдона қатронғи.

Тугдона қатронғи —  
*Celtis caucasica* Wild.



— Меваси қанотчали ёнғоқча, истеъмом қилинмайди 2

2. Барғ банди сийрак тукли. Шох-шаббаси қалин, одатда, шарсимон ёки эллипс шаклда. Меваси йирик, узунлиги 2 см. Ёнғоқчаси қанотчанинг ўртасидан юқорироқда жойлашган. Март—апрел ойларида гуллаб, мева беради. Шаҳар ва қишлоқларда кенг тарқалган. Манзарали экма ўсимлик. Ўзбекистоннинг нодир, манзарали ўсимликларидан бири.

Сада қайрағоч, сада —  
*Ulmus densa* Litv.



— Барғ банди қалин тукли. Шох-шаббаси ёйиқ, шарсимон шаклда эмас. Меваси майдароқ, узунлиги 1—1,5 см. Ёнғоқчаси қанотчанинг ўрта қисмида жойлашган. Март—апрел ойларида гуллаб, мева беради. Ўзбекистонда кенг тарқалган, манзарали экма ўсимлик.

16- расм. Сада қайрағоч.

Пакана қайрағоч —  
*Ulmus pumila* L.

## 16. ТУТДОШЛАР — MORACEAE

### Туркумлар аниқлагичи.

1. Шохлари тиканли. Тўпмеваси шарсимон.

#### Маклюра — *Maclura* Nutt.

— Шохлари тикансиз. Тўпмеваси узунчоқ ёки ноксимон 2  
2. Чангчили ва уруғчили гуллари майда, ноксимон, ёпиқ тўпгул ичидаги ўқида тўп бўлиб жойлашган.

#### Анжир — *Ficus* L.

— Чангчили ва уруғчили гуллари алоҳида-алоҳида, исирғасимон, узунчоқ тўпгулнинг ўқида чангчили гуллар, бошоқсимон қисқа тўпгулда эса уруғчили гуллар жойлашган.

## Тут — *Morus L.*

### Туркум. Маклюра — *Maclura Nutt.*

Тўқ сариқ маклюра — *Maclura aurantica Nutt.* барглари текис қиррали, тухумсимон, кетма-кет жойлашган. Гуллари айрим жинсли. Чангчили гуллари исирғасимон тўпгулда, уруғчили гуллар шарсимон каллак тўпгулда ўрнашган. Меваси яшил, шарсимон, диаметри 6—10 см. Апрель — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

### Туркум. Анжир — *Ficus L.*

1. Тўпмеваси қорамтир. Барги панжасимон, ярмигача бўлинган. Апрель — август ойларида гуллаб, мева беради. Республикамизнинг деярли барча вилоятларида меваси учун экилади.

### Оддий анжир — *Ficus carica L.*

— Тўпмеваси сариқ. Барги панжасимон, учдан икки қисмигача бўлинган. Апрель — август ойларида гуллаб, мева беради. Республикамизнинг кўп вилоятларида меваси учун экилади.

### Сариқ анжир, афғон анжири — *Ficus afganica Desf.*

### Туркум. Тут — *Morus L.*

1. Барг банди қисқа, узунлиги 2 см гача, новдалари қизғиш-қўнғир. Барглари тухумсимон, асоси чуқур юраксимон, устки томони қаттиқ туклар билан қопланган. Мевасининг узунлиги 2—2,5 см, қорамтир-бинафша ёки қора рангли. Апрель — июн ойларида гуллаб, мева беради. Республикамизнинг барча вилоятларида тарқалган.

### Шоҳ тут — *Morus nigra L.*

- Барг банди узун, 8 см гача. Новдалари кулранг-қўнғир ёки кулранг-яшил рангли. Барглари тухумсимон ёки эллипссимон, туксиз.
2. Барглари қалин, бутун, силлиқ, четлари йирик тишсимон. Новдаси кулранг — яшил. Меваси қора. Апрель — июн ойларида гуллаб, мева беради. Республикамизнинг барча вилоятларида экилади.

### Япон тут — *Morus multicaulis Perr.*

— Барглари юпқа, ясси, патсимон, 2,5 бўлакли ёки патсимон қирқилган. Новдаси кулранг-қўнғир. Меваси оқ, пушти,

қизғиш ёки қорамтир. Апрель—июн ойларида гуллаб, мева беради. Республиканинг барча вилоятларида экилади.

Оқтут, балхитут — *Morus alba* L.

## 17. НАШАДОШЛАР — CANNABACEAE

Туркум. Наша — *Cannabis* L.

Бир йиллик ўт. Пояси тик ўсувчи, баландлиги 30—150 см. Барглари 3—7 бўлаккли, бўлакчалари наштарсимон, четлари йирик арра тишли, тукли. Меваси тухумсимон ёнғоқча. Июнь—август ойларида гуллаб, мева беради. Республикаимизнинг суғориладиган ерларида ва тоғли районларда бегона ўт сифатида тарқалган.

Ёввойи наша — *Cannabis ruderalis* Janisch.



17- раом. Қичитқи газанда.

## 18. ГАЗАНДАДОШЛАР — URTICACEAE

Ўзбекистонда бу оиланинг табиий ҳолда жуда кўп тарқалган ва газанда, чақарўт, чаёнўт, қичитқи номлари билан юритиладиган тури қичитқи газанда — *Urtica dioica* L. дир. У кўп йиллик, икки уйли, илдизпояли, тукларида чумоли кислота сақловчи ўсимлик. Поясининг баландлиги 60—100 см, ачитувчи туклар билан қопланган. Барглари тухумсимон, юраксимон, қирраси йирик арра тишсимон, кесикли. Тўпгули қисқа туклар билан зич қопланган. Май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, уй атрофларида, йўл ёқаларида, ариқ бўйларида учрайди. Республикаимизнинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

## 19. ЭМАНДОШЛАР — FAGACEAE

Мазкур оилга тўртта туркум киради. Улар экма ҳолда, манзарали дарахт сифатида экиладиган ўсимликлардир. Аниқлагичга Ўзбекистонда кенг тарқалган каштан ва эман туркуми вакиллари киритилган.

### Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Барглари бутун, четлари текис ёки тишсимон қирқилган. Меваси ёнғоқ 2  
— Баргларининг четлари бўлакли. Меваси косачали ёнғоқча 3
2. Баргларининг четлари аррасимон тишли, тишлари кўп ҳолларда қайрилган. Баландлиги 10—15 м келадиган дарахт. Шох-шаббаси кенг, ёйиқ. Барглари наштарсимон, узунлиги 10—20 см, эни 3—8 см, устки томони туксиз, остки томони эса тукли. Тўпгули исирғасимон, узунлиги 15—25 см. Май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Шаҳарларда ўстириладиган манзарали дарахт.

### Маданий каштан — *Castanea sativa* Mill.

- Баргларининг четлари сийрак тишли, тишларининг учи дағал тикансимон, баландлиги 15 м гача борган дарахт. Барглари тухумсимон — овал, узунчоқ — наштарсимон, узунлиги 6—18 см, эни 3—5 см. Тўпгули исирғасимон, узунлиги 6—15 см. Май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Шаҳарда кенг тарқалган, элма, манзарали дарахт.

### Япон каштани — *Castanea erenata* Sieb. et Zucc.

3. Барг банди қисқа, 0,5 см дан ошмайди, япроғи йирик, узунлиги 8—20 см, эни 4—15 см. Шохлари кулранг-яшил тусли. Баландлиги 10—15 м гача борадиган дарахт.

### Мўғул эмани — *Quercus mongolica* Fisch.

- Барг банди яхши ривожланган, узунлиги 0,5—10 см, япроғи нисбатан кичикроқ, узунлиги 6—12 см, эни 3—8 см. Шохлари қизғиш-қўнғир рангли. Баландлиги 20 м гача борадиган дарахт.



18- расм. Қўнғир эман.

## 20. ЁНҒОҚДОШЛАР — JUGLANDACEAE

### Ёнғоқ, грек ёнғоғи — *Juglans regia* L.

Урта Осиёда кенг тарқалган ноёб дарахтлардан бири.

Ўзбекистон шаронтида ёнғоқнинг баландлиги 15—25 м гача боради. Шох-шаббаси кенг, танаси йўғон, диаметри 1,5—2 м ва ундан ҳам ортиқроқ. Барги мураккаб, тоқ патсимон. Ёнғоқ май ойида гуллаб, меваси сентябр ойида пишади.

Ёнғоқ жуда узоқ, ўрта ҳисобда 100—200 йил яшайди. Унинг энг кўп ҳосил берадиган даври 18—70 ёшлар ўртаси ҳисобланади. Вояга етган айрим ёнғоқ тупи 300—350 кг гача ҳосил беради. Ўзбекистонда ёнғоқ Чотқол, Угам, Пском, Коржантоғ, Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмаларининг денгиз сатҳидан 750—2000 м баландликдаги шимолий, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий тоғ ёнбағирларида ўсади. М. Тўйчиевнинг маълумотига қараганда, бизда ёнғоқзорларнинг умумий майдони 18000 га ни ташкил этади. Ёнғоқнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти беҳад катта. Унинг мағзида 54—77% мой, 12—20% оқсил, 5% қанд ва витамин А, В, С лар бор. У бевосита истеъмол қилинишидан ташқари, қандолат саноатида ҳам кенг қўлланилади.

Ёнғоқ ёғочидан сифатли уй жиҳозлари тайёрланади. Ёнғоқ халқ тиббиётида дари-дармон сифатида ҳам қўлланилади. Ўзбекистонда ёнғоқнинг 100 дан ортиқ шакл ва навлари мавжуд.



19- расм. Оқ қайин.

## 21. ҚАЙИНДОШЛАР — BETULACEAE.


Ўзбекистонда қайиндошларнинг табиий ва экма ҳолда фақат битта оқ қайин — *Betula tianschanica* Rupr. номли тури бўлиб, манзарали ўсимлик сифатида экма ҳолда камдан-кам учрайди.

## 22. СЕМИЗУТДОШЛАР — PORTULACACEAE

Туркум. Семизўт — *Portulaca* L.

Турлар аниқлагичи

1. Барглари тескари-овалсимон, чўзиқ — понасимон, яшил. Тожбарглари косачабаргларидан бир оз узунроқ. Бир йиллик ўт. Поясининг узунлиги 10—35 см, туксиз, серсув, ер бағирлаб ўсади. Гуллари поясининг шохланган қисмида ёки барг қўлтиқларида биттадан ёки 2—3 тадан ўрнашган, майда. Тожбарглари сариқ. Меваси кўсакча, тухумсимон ёки думалоқ. Июнь — октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, боғларда ва пахта майдонларида бегона ўт сифатида тарқалган. Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида учрайди.



20- расм. Сабзавот семизўти.

Сабзавот семизўти — *Portulaca oleracea* L.

- Барглари қалами, кулранг. Тожбарги косача баргидан 3 баробар узун. Бир йиллик. Поясининг узунлиги 10—15 см, серсув. Гуллари 2—4 тадан шохларининг учида жойлашган, оқ, сариқ, пушти қизил рангли. Май — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида экиладиган манзарали ўсимлик.

Гулбеор семизўт — *Portulaca grandiflora* Hook.

## 23. ЧИННИГУЛДОШЛАР — CARYOPHYLLACEAE


Мазкур оила ҳаммани ўзига жалб қиладиган чиройли, манзарали экма тури бўлган чиннигул — *Dianthus caryophyllus* L. орқали кўпчиликка маълум. Чиннигулнинг маданий турлари билан бир қаторда чўл ва адирларда ёввойи ҳолда ўсувчи бошқа турлари ҳам кўпчиликка маълум. Шу сабабли уларни аниқлагичга киритмадик.

## Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Қўп йиллик ўсимлик 2
- Бир йиллик ўсимлик 4
2. Қосачаси йирик, узунлиги 12—15 мм. Пастки қисми ёғочланувчи, бўйи 20—40 см келадиган ўсимлик. Барглари қалами, наштарсимон, майда туклар билан қопланган. Гуллари шингилсимон соябонда ўрнашган. Тожбарглари узунлиги 12—13 мм, гуллаш олдидан қосача барглари цилиндрсимон бўлиб, мева берган пайтида тўғнағич шаклига киради, узунлиги 12—15 мм, 10 та томирли. Май—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда тошли ва чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистондан ташқари деярли ҳамма вилоятларда тарқалган.

### Гултомир зўрча — *Silene brachuica* Boiss.

- Қосачаси майда, узунлиги 3,5—4 мм 3
3. Барглари қалами, наштарсимон, учи ўткир. Бўйи 20—50 см. Гуллари майда, ёйиқ рўваксимон тўпгулда ўрнашган. Қосачаси цилиндрсимон-қўнғироқсимон, узунлиги 3,75—4 мм. Тожбарглари тесқари наштарсимон, узунлиги 5 мм, оч пушти рангли. Июнь—июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида, тошли ва чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Андижон ва Фарғона вилоятларида тарқалган. Сапонинли, доривор ўсимлик.



21- расм. Тиканбарг етмак, беҳ.



**Тиканбарг етмак, бех — *Acanthophyllum gypsophiloides* Regel.**

— Барглари игнасимон, деярли учбурчак шаклида, учи ўткир тиканли. Бўйи 20—30 см. Гуллари майда, ясси тўпгулда жойлашган. Косачаси чўзиқроқ, узунлиги 5—7 мм. Тожбарглари чўзиқ ёки наштарсимон, узунлиги 9—11 мм, эни 1,5—2 мм, оч пушти рангли. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, шўр тупроқларда, шағал ва тошли қояларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Сирдарё вилоятларида тарқалган.

**Қомғоқ етмак — *Acanthophyllum pungens* (Bunge) Boiss.**

4. Косачабарглари туташган. Бўйи 20—40 см келадиган, туксиз, бир йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсади. Барглари чўзиқ-тухумсимон ёки чўзиқ-наштарсимон. Косачаси чўзиқ, 5 та тишли, узунлиги 12—15 мм, тожбарглари 5 та, пушти рангли, шакли тескари тухумсимон. Чангчиси 10 та, устунчаси 2 та. Кўсаги чўзиқроқ, тўрт бўлакка ажралиб очилади. Апрель — июл ойларида гуллаб, мева беради. Ўзбекистонда кенг тарқалган, бегона ўт.

**Экма қорамуғ — *Vaccaria pyramidata* Medic.**

— Косача барглари туташмаган 5  
5. Устунчаси 2 та. Баландлиги 10—15 (100) см келадиган ўсимлик. Барглари қалами, наштарсимон, четлари текис, гуллари очилиш олдидан конуссимон шаклда. Тожбарглари оқ, тескари тухумсимон, косача баргларидан узун, кўсаги шарсимон. Апрель — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, экин майдонларида, боғларда кенг тарқалган. Республикамизнинг барча вилоятларида учрайди.

**Холостеумсимон лепиродиклис — *Lepyrodiclis holosteoides***

**(С.Мей.) Fisch. et Mey.**

— Устунчаси 3—5 та 6  
6. Тўпгули соябонсимон, гуллаб бўлгандан сўнг гулбанди пастга эгилади, меваси пишиши билан у яна юқорига кўтарилади. Тожбарглари 5 та, бутун. Чангчиси 8—10 та. Бўйи 5—25 см келадиган тукли ўсимлик. Пояси тик ўсади ёки пастки қисми тирсаксимон букилган. Баргларининг четлари текис, пасткиси тескари наштарсимон, юқоридагилари чўзиқ — наштарсимон. Косача барглари 5 та, тожиси оқ, беш бўлакли. Март — апрел ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда саз тупроқли ва қумли ерларда ўсади. Республикамизнинг ҳамма ерида учрайди.

## Полигам холостеум — *Holosteum polygamum* C. Koch

- Тўпгули соябонга ўхшаш. Тожбарглари 5 та, деярли охиригача иккига бўлинган. Чангчилари, одатда 5 та. Бўйи 10—20 см келадиган тукли ўсимлик. Пояси ингичка ва но-зик. Барглари тухумсимон, четлари текис. Гуллари икки жинсли, поя ва шохларининг учида жойлашган. Тожбарг-лари оқ. Рўваги чўзиқроқ, узунлиги 5—6 мм. Март—май ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, боғлар-да, экин майдонларида ўсади. Ўзбекистон-нинг ҳамма вилоятларида учрайди.



22-расм. Шўра  
мачин

Унутиланган юлдузўт —  
*Stellaria neglecta* Weiche.

## 24. ГУЛТОЖИХУРОЗДОШЛАР — AMARANTHACEAE

Туркумлар аниқлагичи

1. Гуллари икки жинсли. Кўсакчаси кўп уруғли. —

Гултожихўроз — *Celosia* L.

- Гуллари айрим жинсли, кўсакчаси бир уруғли.

Мачин — *Amaranthus* L.

Туркум. Гултожихўроз — *Celosia* L.

Бир йиллик ўт. Поясининг бўйи 10—40 см, тикка ўсувчи, шохлаган, туксиз, чизиқли. Барг-лари тухумсимон, тухумсимон-наштарсимон. Тўпгули деярли ўтроқ, ясси-кенг, хўроз тожи-сига ўхшаш. Гуллари пушти ёки қирмизи. Июнь—сентябр ойларида гуллаб, мева бера-ди. Республикамиз вилоятларининг барча оромгоҳларида, шаҳарларнинг дам олиш хиё-бонларида манзарали ўсимлик сифатида ўсти-рилади.

Кунгурали гултожихўроз — *Celosia cristata* L.

Туркум. Мачин — *Amaranthus*.

- Барглари ромб-тухумсимон, учки қисми тўмтоқ. Гулқўрғон барглари 5 тадан. Тўпгули рўваксимон, сарғиш—яшил

рангли. Уруғи қора, диаметри 1 мм гача. Бир йиллик ўт. Бўйи 20—75 см тикка ўсувчи, кулранг-яшил, қалин тукли, жўякли. Июнь — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда экинлар орасида, лалмикор ерларда, йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, ташландиқ ерларда ўсади. Бутун Ўзбекистонда тарқалган. Бегона ўт.

### Шўра мачин — *Amaranthus retroflexus* L.

- Барглари ўткир учли 2
- 2. Гулқўрғон барглари 3 тадан. Барги кенг, тухумсимон. Бир йиллик ўт. Поясининг бўйи 15—70 см, тикка ўсувчи, туксиз, гуллари тиғиз бошоқсимон тўпгулда ўрнашган. Июнь — октябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, боғларда, лалмикор ерларда, суғориладиган майдонларда тарқалган. Хоразм, Қорақалпоғистондан ташқари ҳамма вилоятларда тарқалган.

### Еввойи мачин, эшакшўра — *Amaranthus blitum* L.

- Гулқўрғон барглари 5 тадан. Барглари ромб-тухумсимон, овал-наштарсимон. Бир йиллик. Поясининг бўйи 30—120 см, серсув, ранги қизғиш. Июнь — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, воҳаларда учрайди. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Қизилқуйруқ мачин — *Amaranthus caudatus* L.

## 25. ШҲРАДОШЛАР — CHENOPODIACEAE


Мазкур оиланинг айрим турлари истеъмол қилинадиган ва ем-хашақ сифатида экиладиган ўсимликлардир. Булар жумласига қандлавлагига *Beta vulgaris* L., элма исмалоқ *Spinacia oleracea* L. киради.

### Туркум ва турлар аниқлагичи

- 1. Кўпйиллик ўт, чалабута, бута, дарахт ўсимликлар 2
- Бир йиллик ўсимликлар 11
- 2. Шох-шаббаси қалин, кўпйиллик ўсимлик. Поясининг баландлиги 30—50 см. Барглари этдор. Июнь — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда турли экологик шароитда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Қир буюрғун — *Anabasis eriopoda* (Schrenk) Benth.

- Паст бўйли дарахт, бута, бутача ва чала бута ўсимликлар 3
- 3. Паст бўйли дарахт 4
- Бута, бутача ва чалабута 5



23- расм. Қир буюрғун.

4. Барглари асосидан қўшилиб ўсган, учи ингичка ва ўткир. Поясининг баландлиги 5 м гача. Ҳосил шохларининг учи гул билан тугайди, шунинг учун гуллагандан сўнг ўсишдан тўхтайди. Март — октябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўлда, қум уюмларида (барханларда) ўсади. Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

## Оқ саксовул — *Haloxylon persicum* Regel

- Барглари асосидан қўшилиб ўсмаган ва учи тўмтоқ, учбурчаксимон, бўртмоқчалар даражасида қисқарган. Поясининг баландлиги 9 м гача. Ҳосил шохлари гул билан тугамайди, шу сабабли гуллагандан кейин ҳам ўсишни давом эттиради. Апрель — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда шўрхок ерларда, шўрланган қумларда ўсади. Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда тарқалган.

## Қора саксовул — *Haloxylon aphyllum* (Minkw.) Iljin

5. Чала бута  
— Бута ёки бутача 7  
6. Гулқўрғон барглари тукли, уруғчисининг тумшукчаси устунчадан 2 баробар қисқа. Поясининг баландлиги 15—20 см. Июл — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда ўсади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

## Кейрауқ шўрак — *Salsola orientalis* S. G. Gmel.

- Гулқўрғон барглари туксиз, уруғчисининг тумшукчаси устунча билан тенг ёки устунчадан бир оз узунроқ. Поясининг баландлиги 100 см гача. Июл — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, экинлар орасида ўсади. Республикаимизнинг ҳамма вилоятларида учрайди. Озиқбоп ўсимлик.

## Шўрбута шўрак — *Salsola dendroides* Pall.

7. Бутача. Барглари кам тараққий этган, тангачасимон ёки кичкина, бўртма шаклида. Поясининг баландлиги 15—50 см. Гулқўрғони 4 тишчали, чангчиси 2 та. Меваси юмалоқ — овалсимон, эни 1,25—1,5 см. Июл — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, шўрхок ерларда ўсади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

## Ишқорли шохилак — *Kalidium caspicum* (L.) Ung. Sternb.

- Бута. Барглари яхши тараққий этган 8  
8. Барглари кетма-кет жойлашган 9  
— Барглари қарама-қарши жойлашган 10  
9. Барглариининг узунлиги 8 см гача, учи ўткир. Гулқўрғони пушти ёки кулранг. Поясининг баландлиги 1,3—3 м. Июн — сентябр ойларида гуллаб мева беради. Чўлда қумли тепаликларда ва барханларда ўсади. Бухоро, Қашқадарё,

Сурхондарё, Навоий, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган. Доривор, озиқабоб ўсимлик.

### Черкез шўрак — *Salsola richteri* Karel.

- Баргларининг узунлиги 4 см гача, учи тўмтоқ. Гулқўрғони рангсиз. Поясининг бўйи 20—100 см. Июнь—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Ўзбекистоннинг чўл ва адирларида, қумли тақирларда кенг тарқалган. Озиқабоб ўсимлик.

### Оқ боялиш шўрак — *Salsola arbuscula* Pall.

10. Барглари учбурчак шаклида, серсув, ўткир учли бўртмалардан иборат. Гулқўрғони деярли тепа қисмигача қўшилиб ўсган, серсув, уч қиррали. Поясининг баландлиги 3,5 м гача, сершоҳ бута. Гуллари бошоқсимон бандли тўпгулда ўрнашган. Июнь—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, зах ва шўрхоқларда ўсади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган.

### Қорабаркен қорабароқ — *Halostachys caspica* C. A. Mey.

- Барглари қисқарган, майда тангачасимон. Гулқўрғонининг фақат пастки қисми қўшилиб ўсган, устки қисми эса 3 та оқимтир узунчоқ баргчалардан иборат. Поясининг бўйи 20—50 (60) см. Гуллари 2—3 тадан тўпгулда ўрнашган. Август—октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, тақир, юмшоқ ва зах босган шўрхоқ ерларда ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

### Қуббадор сарсазан — *Halocnemum strobilaceum* (Pall.) Vieb.

11. Икки уйли ўсимлик. Тўпмеваси уч қиррали, дағал тукли. Бир йиллик ўт. Пояси туксиз, бўйи 10—60 см. Пастки барглари наштáрсимон, патсимон қирқилган. Поясидаги барглари бандли, найзасимон, учбурчак шаклида. Уруғчили гуллари тўп бўлиб, барг қўлтиқларида ўрнашган, тишсимон гулқўрғони 2—3 та, мевасида қотиб қолади. Чангчили гуллари поянинг учида бошоқсимон тўпгулда ўрнашган. Апрель—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда турли экинлар орасида, боғларда, йўл ёқаларида, ариқ ва канал бўйларида учрайди. Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Доривор ўсимлик.

## Туркистон исмалоғи — *Spinacia turkestanica* Hjin

- Бир уйли, тўпмеваси тикансиз ўсимлик 12
- 12. Пояси тукли ёки унсимон ғуборли 13
- Пояси туксиз ёки фақат юқори қисми бир оз тукли 21
- 13. Пояси унсимон ғуборли 14
- Пояси тукли 16
- 14. Барглари қалин, чигаллашган, майин, узунчоқ туклар билан қопланган, қалами. Бир йиллик ўт. Поясининг баландлиги 10—45 см. Июнь—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда қумларда, шўрхоқларда, соз тупроқли ерларда учрайди. Республикамининг ҳамма вилоятларида учрайди. Озиқбоп ўсимлик.

## Сера шўрак — *Salsola sclerantha* C. A. Mey.

- Баргларининг икки томони ёки фақат остки томони унсимон ғубор билан қопланган 15



24- расм. Оқ шўра.

15. Чангчиси 5 та. Гулқўрғони унсимон ғуборли. Бир йиллик ўт. Поясининг бўйи 10—100 см. Барглари тухумсимон-ромбсимон, усткилари наштарсимон. Июл — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, ташландиқ жойларда, экинлар орасида, йўл ёқаларида, турар жойларнинг атрофларида ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

**Оқ шўра — *Chenopodium album* L.**

- Чангчиси 4 та. Гулқўрғони ғуборсиз. Бир йиллик ўт. Поясининг бўйи 5—30 см. Барглари узунчоқ, устки томони яшил, ялтироқ, ўртадаги томири сарғиш. Июн — октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, суғориладиган ерларда бегона ўт сифатида, йўл ёқаларида, боғларда, шўрхоқ ерларда учрайди. Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро вилоятларида тарқалган.

**Кўк шўра — *Chenopodium glaucum* L.**

16. Барг ва шохлари қарама-қарши жойлашган, майда, дағал 17  
— Барг ва шохлари кетма-кет жойлашган 18
17. Барглари тиканли. Гуллари асосан қисқа шохларда, сийрак бошоқсимон тўпгул ҳосил қилиб қарама-қарши ўрнашган. Бир йиллик ўт. Поясининг бўйи 10—60 см. Июн — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғ этакларида турли экологик шароитда ўсади. Бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқалган. Озиқбоп ўсимлик.

**Учқанот саған — *Girgensohnia oppositiflora* (Pall.) Fenzl**

- Барглари тикансиз. Гуллари ўсимликнинг асосидан бошлаб юқори қисмигача барг қўлтиқларида ўрнашган. Бир йиллик ўсимлик Поясининг бўйи 15—50 см. Июл — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, қум уюмлари (барханлар) орасидаги пастликларда учрайди. Фарғона, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган. Озиқбоп ўсимлик.

**Қум сариқсағон, сариқтикан — *Horaninovia ulicina* Fisch. et Mey.**

18. Барглари ўткир учли ёки деярли тиканли 19  
— Барглари тўмтоқ 20
19. Поя ва барглари юлдузсимон туклар билан қопланган. Дихотомик шохланган бир йиллик ўсимлик. Поясининг бўйи 3—30 м. Барглари ингичка, қалами. Апрель — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда,



қумларда, саз тупроқларда ва шағалли ҳамда шўрхоқ ерларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Халтали эбалак — *Ceratocarpus utriculosus* Bluk.**

- Поя ва барглари юмшоқ, узун жингалак туклар билан қопланган. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 10—100 см. Барглари наштарсимон, тасмасимон. Июл—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда шўрхоқ тупроқларда, ташландиқ ерларда ва йўл бўйларида учрайди. Республикамизнинг барча вилоятларида тарқалган. Бегона ўт.

**Бешилмоқ бассия — *Bassia hyssopifolia* (Pall.) Kuntze.**

20. Узун бўғимли ва қисқа майин туклар билан қопланган бир йиллик ўсимлик. Бўйи 10—60 см. Барглари серсўв, серэт, цилиндрсимон. Чўл ва адирларда, шўрхоқ ерларда ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган. Озиқ-боп ўсимлик.

**Сертук балиқкўз — *Climacoptera lanata* (Pall.) Botsch.**

- Узун чигаллашган, жуда қалин ва қисқа тукли бир йиллик ўсимлик. Бўйи 5—30 см. Июл—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда шўрхоқ ерларда ва тақирларда ўсади. Республикамизда кенг тарқалган.

**Фарғона балиқкўзи — *Climacoptera ferganica* (Drov.) Botsch.**

21. Пояси туксиз 22  
— Поясининг учки қисми ёки тўпгули тукли 25  
22. Барглари қисқарган, тангачасимон, қарама-қарши жойлашган. Гуллари учтадан, серэт тўпгулда жойлашган. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 5—50 см. Июн—август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, шўрхоқ ерларда, шўр булоқлар атрофида, дарё, кўл, ҳовуз бўйларида ўсади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

**Оврупа қизил шўраси — *Salicornia europaea* L.**

- Барглари яхши тараққий этган, кетма-кет жойлашган (ёки пастки барглар қарама-қарши ўрнашган). Гуллари тўптўп бўлиб жойлашган 23  
23. Илдиз бўғзидаги ва поясининг пастки қисмидаги барглар найзасимон. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 15—80 см. Июл—август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда тошли ёнбағирларда, шағал тошли ерларда, дарахт ва қояларнинг сояларида, ташландиқ жойларда ўсади. Тошкент, Сирдарё, Наманган, Андижон, Фарғона, Самарқанд,

Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.  
Бўёқли, озиқ-овқат ўсимлиги.

**Сербарг шўра — *Chenopodium foliosum* (Moench.) Aschers.**

- Барглари ўзгача шаклда 24  
24. Ҳамма барглари бандли. Тўпгуллари кўп ҳолларда баргсиз. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 10—100 см. Июл—сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир, тоғ этакларида, шўрхоқ ерларда, ташландиқ жойларда, йўл ёқаларида ва экинлар орасида учрайди. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Татар олабўтаси — *Atriplex tatarica* L.**

- Пастки барглари бандли, юқориги барглари эса бандсиз. Гуллари устки баргларининг қўлтиғида жойлашган. Бўйи 5—40 см келадиган ер бағирлаб ўсувчи бир йиллик ўсимлик. Март—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, кўпроқ қумли ерларда ва мол боқиладиган ўтлоқларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Озиқбоп ўсимлик.

**Чўл олабутаси — *Atriplex dimorphostegia* Kar. et. Kir.**

25. Поясининг юқори қисми майин жингалак туклар билан қопланган. Тўпгули сийрак бошоқсимон. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 30—100 см. Июл—сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғ этакларида ўсади. Республика-мизининг ҳамма вилоятларида тарқалган. Озиқбоп бегона ўт.

**Супурги изен, бурган супурги — *Kochia scoparia* (L.) Schrad.**

- Пояси туксиз ёки тўпгулга яқин қисми тукли. Тўпгули ингичка рўваксимон. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 10—100 см. Август—октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, шўрхоқ ерларда, ташландиқ жойларда, экинлар орасида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Гудди қора шўра — *Suaeda arcuata* Bunge.**

**26. ТОРОНДОШЛАР — POLYGONACEAE**

**Туркумлар аниқлагичи**

1. Буталар 2  
— Бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар 3

2. Меваси қанотчали ёки шохланган, ёки шохланмаган ўсимтали. Чангчилари 12—18 та.

**Қандим, жузғун — Calligonum L.**

- Меваси қанотчасиз ва ўсимтасиз. Чангчилари 6—8 та.

**Туясингрэн — Atraphaxis L.**

3. Пояси баргсиз — ёпирма (илдиз бўғзидан чиққан). Поясида барглари бўлган тақдирда ҳам 1—2 та, майда, узунлиги 1 см гача. Ёпирма барглари анча йирик, узунлиги 18—50 см, эни 20—60 см, юмалоқ ёки буйраксимон.

**Ровоч, чухра — Rheum L.**

- Пояси баргли, остки қисмидаги барглар ёпирма 4  
4. Тўпгули ёпиқ рўвак ёки шингилсимон. Гулқўрғони 4—5 аъзоли, тожсимон. Чангчиси 4—8 та. Ёпирма барглари поя баргларига тенг.

**Торон — Polygonum L.**

- Тўпгули зич рўвак. Гулқўрғони 6 аъзоси, яшил. Чангчиси 6 та. Ёпирма барглари поя баргларида йирик.

**Отқулоқ — Rumex L.**

**Туркум. Отқулоқ — Rumex L.**

1. Бир йиллик ўт. Гулқўрғон ички қаватининг узунлиги 5—6 мм. Поясининг баландлиги 15—50 см, жўякли, асосидан шохланган, шохлари ёпишиб туради. Барглари кўкимтир, қаттиқ, узунчоқ-овалсимон, узунлиги 3—9 см, эни 8—25 мм, пастки барглари бандли, бандининг узунлиги барг япроғи узунлигига тенг, устки барглари бандсиз, нисбатан анча майда. Май — июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, дарё қирғоқларида, экинлар орасида бегона ўт сифатида учрайди. Тошкент, Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Навоий, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

**Халачи отқулоғи — Rumex halacsii Roch.**

- Кўп йиллик ўт. Гулқўрғон ички қаватининг узунлиги 3 мм гача. Поясининг баландлиги 50—100 см, қизғиш-яшил жўякли, фақат учки қисми шохланган. Ёпирма барглари узунчоқ, узунлиги 6—17 см, эни 2—3 см. Июн — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, нам ерларда, булоқ

атрофларида, шунингдек бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади. Бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқалган.

**Қизғиш отқулоқ — *Rumex conglomeratus* Murr.**

**Туркум. Ровоч, чухра — *Rheum* L.**

Турлар аниқлагичи

1. Чўлда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. Поясининг баландлиги 30—70 см, силлиқ, жўякли. Поясидаги баргларининг сони 1—2 та, узунлиги 1 см гача етади. Епирма барглари йирик, узунлиги 10—15 см, эни 40—150 см. Гули оқ. Меваси тухумсимон ёки кенг овалсимон, узунлиги 18—25 мм, эни 20—23 мм. Апрель — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўлда, қумли ерларда ўсади. Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган. Истеъмол қилинади.



25- расм. Туркистон ровочи (туяяпроқ).

**Туркистон ровочи, туяяпроқ — *Rheum turkestanicum* Janisch.**

— Адир ва тоғларда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. Поясининг баландлиги 40—100 см, майда туклар билан қопланган ёки

баъзан туксиз, баргсиз. Епирма барглари йирик, эни 20—60 см, узунлиги 18—50 см. Гуллари яшил. Меваси кенг овалсимон, узунлиги 15—20 мм, эни 10—15 мм. Май — июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, тошли ва шағал тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Истеъмол қилинадиган доривор ўсимлик.

### Қизил поча ровоч — *Rheum maximoviczii* A. Los.

#### Туркум. Туясингрэн — *Atraphaxis* L.

1. Гулқўрғон барглари 4 та. Чангчиси 6 та. Уруғи ясси. Бута. Бўйи 30—80 см, тиканли. Барглари кўкимтир юмалоқ, тескари тухумсимон, узунлиги 3—5 мм, эни 3—4 мм. Май — июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида учрайди. Манзарали ўсимлик.

#### Тиканли туясингрэн — *Atraphaxis spinosa* L.

- Гулқўрғон барглари 5 та. Чангчиси 8 та. Уруғи 3 қиррали. Бута. Поясининг баландлиги 100—200 см, тиканли. Барглари оч-яшил, юмалоқ ёки тескари тухумсимон, узунлиги 15—17 мм, эни 10—12 мм. Май — июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, тошли ёнбағирларда, сувсиз, шағалли дарё ўзанлари соҳилида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Сирдарё, Навоий вилоятларида тарқалган.

#### Нокбарг туясингрэн — *Atraphaxis pyrifolia* Bunge.

#### Туркум. Қандим, Жузғун — *Calligonum* L.

*Calligonum* туркуми вакиллари адабиётларда турлича талқин қилинади. Республикамизнинг флорасини тасвирловчи капитал асар ҳисобланган Ўзбекистон флораси (2-том, 1953 й.) бўйича 74 та тур кўрсатилади. Янги маълумотларда (Набиев М. М., 1971 й.) кўрсатилишича Урта Осиё флорасида *Calligonum* туркумининг 45 тури тарқалган. Бу эса Урта Осиё, айниқса Ўзбекистоннинг маъмурий ва табиий ҳудудлари бўйича бу туркум турларининг жўғрофик тарқалишига боғлиқ бўлган масалаларни аниқлашда айрим қийинчиликлар бор.

#### Турлар аниқлагичи

- |  |   |
|--|---|
| 1. Меваси қанотчали  | 2 |
| — Меваси қанотчасиз  | 3 |
| 2. Эски шохларининг пўстлоғи қизғиш-қўнғир. Гулқўрғон таш- |   |



26- расм. Баргсиз қандим.

қи барглари­нинг ўрта томири яшил рангли, ички барг­ча­ла­ри оқ, ўрта томири эса пушти рангли. Мевасининг бўйи ва эни 15—16 мм, қанот­ча­си қиз­ғиш-қўн­ғир. Бута. Барглари­нинг узунлиги 2—3 мм. Июн—июл ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, қумли ерларда ўсади. Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

**Баргсиз қандим — *Calligonum aphyllum* (Pall.) Gurke.**

— Эски шохларининг пўстлоғи кулранг. Гулқўрғони барг­ча­ли, оқимтир, марказий томири яшил рангли. Мевасининг бўйи ва эни 20—25 мм, қанот­ча­си оқимтир-сариқ. Бута. Барглари­нинг узунлиги 5—7 мм. Апрель—май ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда қумли шароитда ўсади. Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

**Чақич қандим — *Calligonum setosum* Litv.**

3. Эски шохларининг пўстлоғи қизғиш. Гулқўрғон барглари пушти, ўрта томири яшил рангли. Мевасининг узунлиги 25—50 мм, эни 20—40 мм, қўнғир. Дарахт. Апрель—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, қумликларда ва шагалли ерларда учрайди. Бухоро, Навоий, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

**Жийда қандим — *Calligonum eriopodum* Bunge.**

- Эски шохларининг пўстлоғи кулранг. Гулқўрғон барглари қизил, ўрта томири эса тўқ-қизил рангли. Мевасининг узунлиги 20—30 мм, эни 18—28 мм, ранги қизил. Бута. Апрель—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда қумли дўнгларида учрайди. Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларида, Қорақалпоғистонда ва Фарғона водийсида тарқалган.

**Қизил қандим — *Calligonum caput-medusae* Schrenk.**

**Туркум. Торон — *Polygonum L.***

- |   |   |
|---|---|
| 1. Бир йиллик ўсимлик   | 2 |
| — Кўп йиллик ўсимлик  | 3 |
| 2. Пояси ер бағирлаб, баъзан тик ўсувчи, яшил рангли ўсимлик. Гуллари яхши тараққий этган, барг қўлтиғида жойлашган. Уруғи одатда гулқўрғондан узун бўлади. Бир йиллик ўсимлик. Бута, 10—30 см. Май—октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, ҳайдаладиган ерларда, йўл ёқаларида ўсади. Бегона ўт. Республикамининг деярли барча вилоятларида тарқалган. |   |

**Қизилтасма торон —  
*Polygonum aviculare* L.**

- Пояси тик ўсувчи, қизғиш рангли ўсимлик. Гуллари поя ва шохларининг учида барг қўлтиғида жойлашган. Уруғи гулқўрғондан қисқа. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 30—70 см. Ҳовуз ва кўлларнинг четларида, ариқ бўйларида ҳамда дарё ва кўллар-



27- расм. Сувқалампир торон (сувзамчи).

нинг саёз ерларида ўсади. Июл—октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Доривор ўсимлик.

### Сувқалампир торон, сувзамчи — *Polygonum hydropiper* L.

3. Тоғ ва яйловларнинг сернам, тошли ва майда заррачали ёнбағирларда ўсувчи, бўйи 150 см келадиган ўсимлик. Барглари қисқа бандли, тухумсимон ёки сал чўзиқ, узунлиги 4—10 см, эни 2,5—5 см. Гуллари кучли шохланган, узунлиги, 35 см, эни 25 см келадиган сийрак рўвакда жойлашган. Июнь—август ойларида гуллаб, мева беради. Тошкент вилояти ва Фарғона водийсининг тоғли районларида тарқалган. Ошловчи моддали ўсимлик.

### Ошловчи торон — *Polygonum coriaryum* Grig.

- Суғориладиган ерларда, ариқ бўйларида ва экинлар орасида ўсувчи, бўйи 30—80 см келадиган ўсимлик. Барглари деярли бандсиз, чўзиқ, наштарсимон, узунлиги 2—4,5, эни 0,2—1,2 см, тез тўкилувчан. Гуллари 1—3 тадан бўлиб, барг қўлтиғида жойлашган. Тўпгули ингичка, узун шингилдан иборат. Гул олди барглари майда ва кўримсиз. Май—октябрь ойларида гуллаб, мева беради. Республикамизнинг деярли барча вилоятларида ўсади. Бегона ўт.

### Бўғимли торон — *Polygonum equisetiforme* Sibth. et Smith.

## 27. КЕРМАҚДОШЛАР — PLUMBAGINACEAE

### Туркумлар аниқлагичи

1. Бир йиллик ўсимлик. Тожбарглари қўнғироқсимон, қўшилиб ўсган, оқимтир ёки пушти.

### Псиллостахис — *Psylliostachys* Nevski.

- Кўп йиллик ўсимлик. Тожбаргининг фақат асоси қўшилиб ўсган, кўк ёки бинафша.

### Кермак — *Limonium* Mill.

### Туркум. Псиллостахис — *Psylliostachys* Nevski.

1. Тожбарги оқ, узунлиги 3 мм гача. Тўпгули оддий бошоқ. Барглари патсимон бўлакли. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 10—20 (50) см. Апрель—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда шўрхоқ тупроқларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.



**Мушук қуйруқ псиллиостахис — *Psylliostachys leptostachya* (Boiss.) Rosk.**

- Тожбарги пушти, узунлиги 5—6 мм. Тўпгули — рўваксимон. Барглари бутун ёки бўлмали. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 10—50 (80) см. Апрель—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адирларда шўрланган ва соз тупроқли, қумли ерларда ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларида тарқалган.

**Суворов псиллиостахиси — *Psylliostachys suvorovii* (Regel.) Roshk.**

**Туркум. Кермак — *Limonium* Mill.**

1. Ҳамма барглари илдиз бўғзида жойлашган, йирик, узунлиги 15—25 (40) см, эни (3) 5—8 (12) мм, овалсимон ёки тухумсимон, кенг бандли. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 40—80 (150) см. Июл—октябрда гуллаб, мева беради. Чўлда, шўрланган тупроқларда ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилоятларида тарқалган.

**Мейер кермаги — *Limonium meyeri* (Boiss.) Ktze.**

- Илдиз бўғзидаги барглари қисқа бандли, поядагилари бандсиз, поясини ўраб туради 2
2. Гулпояларида мевасиз шохлар бўлмайди ёки жуда кам. Барглари буйраксимон, гулпояларида жуда кўп, гуллагандан сўнг ҳам қуримайди. Қосача баргининг узунлиги 1—1,5 мм. Кўпйиллик ўсимлик. Бўйи 60—80 (120) см. Май—октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, шўрхок ерларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

**Буйракбарг кермак — *Limonium reniforme* (girard)Zincz.**

- Гулпояларида мевасиз шохлар жуда кўп. Барглари юмалоқ-қулоқсимон, гулпояда оз миқдорда, гуллагандан сўнг аста-секин қурий бошлайди. Қосача баргининг узунлиги 2—2,5 мм. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи (20)—40—80 (120) см. Май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, шўрхок ерларда, дарё соҳилларида, баъзан бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади. Республикамизда кенг тарқалган.

Кенгбарг кермак — *Limonium otolepis* (Schrenk) Ktze.

## 28. ДАЛАЧОЙДОШЛАР — GLUSIACEAE (GUTTIFERAE)

Ўзбекистонда мазкур оиланинг 3 та турдан иборат битта туркуми ўсади. Барглари қарама-қарши жойлашган, кўп йиллик ўт ўсимликлар. Гулқўрғони мураккаб, беш бўлакли, тожбарглари сариқ. Чангчилари уч боғламга бўлинган. Уруғчиси уч бўлакли.

### Турлар аниқлагичи

1. Тўпгули қалқонсимон сохта соябонсимон, гуллари зич жойлашган. Тожбарглари тилларанг сариқ. 2  
— Тупгули рўваксимон. Гуллари бирмунча йирик. Тожбарги оч сарғиш, 13—15 мм. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 40—50 см. Июн—август ойларида гуллаб, мева беради. Тошкент вилоятининг тоғли минтақаларида тошли ёнбағирларда тарқалган.

### Чўзиқбарг далачай — *Hypericum elongatum* Ledeb.



2. Гуллари 1 см дан майда. Тўпгули сохта соябон, рўваксимон. Чангчилари тожбаргларидан узун. Поя ва шохлари ғадир-будур. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 20—50 см. Июн—август ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда тошли, чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

### Дағал далачай — *Hypericum scavrum* L.

- Гуллари 2 см га яқин. Тўпгули ёйиқ, йирик, қалқонсимон, сохта соябон ёки думалоқ-тухумсимон. Поя ва шохлари силлиқ туксиз. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 30—50 см. Июн—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, ариқ бўйларида, сернам ерларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида тарқалган.

28-расм. Дағал далачай.

### Қизилпойча далачай — *Hypericum perforatum* L.


## 29. ҚОВОҚДОШЛАР — CUCURBITACEAE

Бу оиланинг кўпгина вакиллари Ўзбекистонда полиз экинлари сифатида катта майдонларда экилади. Буларга қовун —

*Melo orientfis* (S. Kudr.) Mab, бодринг — *Cucumis sativus* L. тарвуз — *Citrullus vulgaris* Schrad., ошқовоқ — *Cucurbita moschata* Duch., томоша қовоқ — *Cucurbita pepo* L. кабилар киради. Булардан ташқари манзарали ўсимлик сифатида носқовоқ — *Lagenaria vulgaris* Scr., қозон ювғич — *Luffa cylindrica* (L.) Roem лар ҳам экилади.

### Туркум. Қовун — *Melo* Adans

Мазкур туркумга Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида ёввойи ҳолда бегона ўт сифатида ўсувчи итқовун — *Melo agrestis* Pang. киради. Итқовун бир йиллик, пояси ўрмалаб ўсувчи, 30—100 см келадиган, сершоҳ, қиррали, тукли ўсимлик. Барг-



29- расм. Сиртан тарвузпалак.

лари бутун, юмалоқ ёки асоси юраксимон. Гажаклари оддий. Меваси овал ёки узунчоқ тухумсимон, узунлиги 3—5 см, мазаси аччиқ. Июн — сентябр ойларида гуллаб, мева беради.

Изоҳ: Қизилқумда саксовул ўрмонлари орасида онда-сонда қовоқдошлар оиласига кирувчи *сиртан* деган ўсимлик учрайди.

**Сиртан тарвузпалак** — *Bryonia melanicastra* Nab. ёввойи ҳолда ўсувчи бир уйли ўсимлик, пояси ётиб ўсади. Поясининг узунлиги 2—4 м. Меваси шарсимон, резавор, қизил рангли, диаметри 10 мм. Кўп йиллик доривор ўсимлик. Республиканинг «Қизил китоби»га киритилган.

### 30. КОВУЛДОШЛАР — CAPPARACEAE

Туркум. Кавар, ковул — *Capparis* L.



30-расм. Тиканли ковул.

Ўзбекистонда мазкур оиланинг 3 та туркуми учраб, аниқлагичга фақат битта кенг тарқалгани тиканли кавар, ковул — *Capparis spinosa* деган тури киритилди.

Кавар — кўп йиллик ўсимлик, бўйи 2,5 га етади, ер бағирлаб ўсади. Барглари этдор, юмалоқ ёки овал, тескари тухумсимон, учки қисми ўткир. Ёнбарглари тикансимон. Гуллари оқ, очилгандан сўнг пушти рангга киради, хушбўй ҳидли. Меваси кўп уруғли, резаворсимон, узунлиги 2,5—4,5 см, эни 3 см. Май—август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, канал, ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, ташландиқ ерларда, экинлар орасида учрайди. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### 31. ЮЛҒУНДОШЛАР — TAMARICACEAE

1. Гуллари якка-якка ҳолда шохчаларининг учида жойлашган. Чангчилари кўп, беш бойлам ҳосил қилади. Барглари ясси, этдор, овал-наштарсимон, тухумсимон. Тожбарглари қийшиқ, тескари юраксимон. Ярим бута, бўйи 20—50 (70) см. Июн — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, қумоқ, шўрхок ерларда, тошли ёнбағирларда ўсади.

Тошкент, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

### Туркистон реамурияси — *Reaumuria turkestanica* Gorschk.

- Гуллари шохларининг учидаги рўвакларда жойлашган. Чапчилари 4—5 та 12 (тагача.) Барглари майда, тангачасимон. Тожбарглари пушти, жигарранг, оқ, тушиб кетувчан. Бута.

### Юлғун — *Tamarix L.*

#### Туркум. Юлғун — *Tamarix L.*

1. Еш шохлари ва барглари қалин тукли. Пўстлоғи қўнғир-қизил. Бута. Бўйи 2—3 м. Барглари юраксимон-овал, ўткир учли, тукли. Тўпгули рўваксимон. Гуллари пушти ёки жигарранг, оқимтир пушти ёки оқ рангда, беш аъзоли. Устунчаси 3 та. Кўсакчаси уч қиррали, пушти, тилларанг-сариқ. Июл—октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда юмшоқ ва намли шўрхоқ тупроқларда, шўр сувли кўлларнинг қирғоқларида ўсади. Республикамизнинг барча вилоятларида тарқалган.

#### Сертук юлғун — *Tamarix hispida* Willd.

- Шохлари туксиз 2  
2. Гуллари 4 аъзоли. Бўйи 7—8 м келадиган дарахт. Бир йиллик шохларининг пўстлоғи кулранг-қизғиш, эски шохларининг пўстлоғи кулранг. Барглари овал-узунчоқ, асосидан ўткирлашган. Гуллари шингилсимон тўпгулда ўрнашган. Тожбарглари пушти. Март—октябр ойларида гуллаб, уруф беради. Чўлда, тўқайларда, шўрхоқ тупроқларда ўсади. Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

#### Литвинов юлғуни — *Tamarix litvinovii* Gorschk.

- Гуллари беш аъзоли 3  
3. Гуллари шингилсимон тўпгулларда ўрнашган, баҳорда йиллик шохчаларида, ёзда эса ўсаётган шохчаларида рўваксимон тўпгул ҳосил этади. Бута. Пояси тик ўсувчи, пўстлоғи кулранг-қўнғир. Барглари майда, қалами наштарсимон, наштарсимон ёки овалнаштарсимон, узунчоқ, ўткир учли. Гулбандларининг узунлиги косача барглариининг узунлигига тенг ёки ундан узунроқ. Май—июл ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда сернам ўтлоқларда, дарё қирғоқ/и шўр

ларида, шўрхоқ тупроқларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Ҳоҳенакер юлғуни — *Tamarix hohenackeri* Bunge.

- Гуллари ёз пайтида ўсувчи шохларидаги рўваксимон тўпгулларда тараққий этади. Бута ёки бўйи 7 м ча келадиган дарахт. Пўстлоғи сарғиш ёки оч кулранг. Барглари қисқа, поянинг ярмини ўраб олади, ўткир учли. Гулбанди косача баргидан қисқа. Июнь — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, кўл ва дарё ўзаниларининг қумлоқ жойларида ўсади. Фарғона, Бухоро, Навоий, Қашқақдарё, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

### Бунге юлғуни — *Tamarix bungei* Boiss.

## 32. ҚАРАМДОШЛАР — BRASSICACEAE

Мазкур оиланинг айрим вакиллари Ўзбекистонда кўп экиладиган маданий ўсимликлардир. Буларга қуйидагилар киради:

Қарам — *Brassica oleracea* L.

Шолғом — *Brassica rapa* L.

Турп — *Raphanus sativus* L.

Ўсма — *Isatis tinctoria* L.

Хрен — *Armoracia rusticana* (Lam.) Goern.

### Туркум ва турлар аниқлагичи

- |  |    |
|--|----|
| 1. Бир йиллик ёки икки йиллик ўсимлик  | 2  |
| — Кўп йиллик ўсимлик   | 13 |
| 2. Меваси қўзоқ — эни бўйидан икки марта қисқа   | 3  |
| — Меваси қўзоқча — эни ва бўйи бир-бирига тенг   | 7  |
| 3. Тожбарглари сариқ ёки оч сариқ  | 4  |
| — Тожбарглари оч бинафша, пушти, пушти-бинафша, бинафша рангли   | 5  |
| 4. Туклари оддий, баъзан туксиз. Тожбарглари тиниқ сариқ, узунлиги 5—7 мм. Бир йиллик ўсимлик. Поясининг бўйи 20—100 см. Барглари узун, бандли, патсимон бўлинган. Шингили баргсиз. Косача барглари 3—4 мм, сарғиш. Қўзоғи туксиз, қалами, узунлиги 25—40 мм, юқорига қараб қайрилган. Апрель — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда экинлар орасида, аҳоли яшайдиган жойларда, йўл ёқаларида ҳамда ўтлоқларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. |    |

**Лёзел қурттанаси — *Sisymbrium loeselii* L.**

- Туклари икки учли. Тожбарглари оч сариқ, узунлиги 2,5 мм. Бир йиллик тукли ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, бўйи 5—80 см. Косача барглари чўзиқ, гултожбаргларига тенг. Қўзоғи деярли цилиндрсимон, юқорига қараган, узунлиги 10—30 мм, туксиз. Апрель—май ойларида гуллаб мева беради. Чўл ва адирларда, экинлар орасида, аҳоли яшайдиган жойларда, йўл ёқаларида ҳамда ўтлоқларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Сассиқкапа шуваран — *Descurainia sophia* (L.) Webb.  
ex Prantl.**

5. Мевабанди пастга эгилган, туксиз, узунлиги 0,8—1,5 мм. Бир йиллик туксиз ўсимлик. Поясининг бўйи 5—60 см. Ёпирма барглари ва поянинг пастки қисмидаги барглари узун бандли, чўзиқ патсимон бўлинган ёки йирик тишли. Поядаги барглари наштарсимон, четлари текис, бандсиз. Меваси асосан, икки учли, тўрт қиррали ғадир-будир. Апрель—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, қумларда, майда заррачали тупроқ ҳамда майда чағил тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Силлиқ гольдбахия — *Goldbachia laevigata* (Bieb.) Dc.**

- Мева банди юқорига қайрилган, узунлиги 3—10 мм 6  
6. Тожбарглари пушти рангли, тескари понасимон. Бир йиллик тукли ўсимлик. Пояси сершоҳ, бўйи 2—20 см. Барглари туксиз, бандли, қалами, ипсимон, четлари текис ёки патсимон қирқилган. Косача барглари қалами. Қўзоғи қалами, туксиз ёки тукли. Март—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда соз тупроқли ерда, майда заррачали тупроқларда ҳамда чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Яғлиққора лепталеум — *Leptaleum filifolium* (Wild.) Dc.**

- Тожбарглари бинафша-пушти, чўзиқ бўлаккли. Бир йиллик ўсимлик. Пояси тукли, бўйи 5—50 см. Барглари бандли, чўзиқ наштарсимон, четлари текис, тўпгули ёйиқ. Гуллари ўсимликнинг юқори қисмида жойлашган. Косача барглари эрта тўкилиб кетади. Қўзоқчаси қалами, узунлиги 30—45 мм, эни 1—1,5 мм, тукли ёки туксиз. Март—май ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда соз тупроқларда ҳамда

тупроғи майда заррачали ёнбағирларда бегона ўт сифатида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Ем-хашак ўсимлиги.

**Туркистон читири — *Strigosella turkestanica* (Litv.) Botsch.**

7. Тожбарглари оқ 8  
 — Тожбарглари оч сариқ 10  
 8. Мевабанди пояга ёпишган. Бир йиллик ўсимлик. Пояси тукли, бўйи 5—35 см. Барглари чўзиқ ёки чўзиқ наштарсимон, четлари тишли ёки текис. Қўзоқчаси чатнамайди, тўрт қиррали, тухумсимон, узунлиги 3—4 мм, эни 2—2,5 мм. Апрель—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда экинлар орасида, аҳоли яшайдиган жойларда ва ўтлоқларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.



31-расм. Ачамбитини жағ-жағ.


**Қарғатирноқ оқчитир — *Euclidium syriacum* (L.) R. Br.**

- Мевабанди пояга нисбатан ётиқ жойлашган 9  
 9. Қўзоғи тескари юраксимон — учбурчак шакли. Поясининг пастки қисми тукли. Бир йиллик ўсимлик. Пояси шохсиз ёки шохланган, бўйи 5—30 см. Ёпирма барглари патсимон бўлинган. Поядаги барглари чўзиқ, бандсиз, патсимон бўлинган. Тожбарги оқ, чўзиқ. Март—май ойларида гуллаб, апрел—июн ойларида уруғ беради. Ташландиқ ерларда, экин майдонларида, боғларда ўсади. Ўзбекистон бўйлаб тарқалган.

**Ачамбити жағ-жағ — *Capsella bursa-pastoris* (L.) Medik.**

- Қўзоқчаси эллипссимон — юмалоқ. Пояси туксиз. Бир йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсади, асосан, шохсиз, бўйи 20—40 см. Барглари тишли, чўзиқ ёки чўзиқ наштарсимон. Тожбарглари оқ. Қўзоқчаси эллипссимон ёки юмалоқ — тухумсимон, туксиз. Май ойида гуллаб, июн ойида уруғ беради. Чўл ва адирларда экин майдонларида, ташландиқ ерларда ўсади. Тошкент, Наманган, Фарғона, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида тарқалган.





32- расм. Дала тласпи.



33- расм. Тукмева таушерия.

### Дала тласпи — *Thlaspi arvense* L.

10. Поя ва барглари туксиз ёки оддий тукли 11  
 — Поя ва барглари юлдузсимон тукли 12  
 11. Бир йиллик ўсимлик. Поя ва барглари туксиз. Мева банди пастга эгилган. Пояси туксиз, бўйи 10—60 см. Барглари туксиз, четлари текис. Юқори қисмида жойлашган барглари бандсиз, тухумсимон ёки наштарсимон чўзиқ, пасткилари тескари — наштарсимон. Косачабарглари туксиз, узунлиги 1—1,5 мм. Қўзоқчасимон, туксиз, баъзан тукли, пояда тик жойлашган, узунлиги 2,5—9 мм. Апрель—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғ этакларида, тупроғи майда заррачали ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Тукмева таушерия — *Tauscheria lasiocarpa* Fisch.

- Икки йиллик ўсимлик. Поясининг пастки қисми ва барглари тукли. Пояси тик ўсувчи, бўйи 5—10—25 см. Илдиз бўғзида жойлашган барглари 2 марта патсимон бўлинган, сертук. Косачабарглари чўзиқ, тукли ёки туксиз, узунлиги 1 мм атрофида. Тожбарглари оч сариқ, косачабаргларидан бир

ярим марта узун. Қўзоқчаси туксиз, юмалоқ, эллипссимон, узунлиги 4—5 мм. Март — июн ойларида гуллаб уруғ беради. Чўл ва адирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Тешикбарг торол — *Lepidium perfoliatum* L.

12. Қўзоқчаси тукли. Бир йиллик ўсимлик. Поясининг бўйи 5—25 см. Пояси, барги ва косачабарглари юлдузсимон туклар билан қопланган. Мевабанди пояга нисбатан ётиқ ёки юқорига қийшайган ҳолда жойлашган. Барглари чўзиқ, ўткир учли. Косачабарглари чўзиқ, узунлиги 1,5—2 мм. Тожбарги тескари понасимон, учи ўйилган. Қўзоқчаси деярли юмалоқ, эни 3,5—6 мм, тукли. Апрель — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл адир ва тоғларда соз тупроқли, тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма қисмида тарқалган.

### Дала момоқалтироқ — *Alyssum campestre* L.

- Қўзоқчаси туксиз. Бир йиллик ўсимлик, бўйи 3—30 см, юлдузсимон туклар билан қопланган. Барглари бутун, қалами, асосан понасимон. Гуллари оч сариқ рангли. Шингили ёйиқ. Қўзоқчаси эллипссимон, ясси, туксиз, узунлиги 4—7 мм, эни 3—4,5 мм, 4—8 уяли. Уруғи сарғиш-қўнғир. Май ойининг бошларида гуллаб уруғлайди. Тоғларда, тупроғи майда заррачали ва чағир тошли ерларда ўсади. Ўзбекистон бўйлаб тарқалган.

### Зигирбарг яссимева — *Meniocus linifolius* (Steph.) Dc.

13. Меваси қўзоқ. Қўп йиллик ўт. Пояси серпоя, бўйи 10—60 см. Барглари икки хил: дастлабкилари гулли шохчаларда жойлашган бўлиб, мева етилгач тўкилиб кетади, сўнг гулсиз шохчаларда узун бандли тескари тухумсимон иккиламчи барглар пайдо бўлади. Косачабаргларининг узунлиги 9—12 мм, тожбарглари ингичка, тескари понасимон, узунлиги 18—25 мм. Қўзоғи қалами, узунлиги 5—13 см, эни 2—3 мм. Апрель — август ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғ этакларида, ҳар хил тупроқларда, майда чағир тошли ерларда ҳамда тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

### Тескари тухумсимон маттиола — *Matthiola obovata* Bunge.

- Меваси қўзоқча 14  
14. Барглари йирик, узунлиги 30 см, эни 50 см атрофида. Қўп йиллик ўт. Пояси битта ёки бир нечта, тукли, бўйи 50—150 см. Тўпгули рўваксимон. Косачабарглари тукли, узунлиги

4—5 мм. Тожбарглари тескари тухумсимон, оқ, узунлиги 7,5—11 мм. Қўзоқчаси чатнамайди, шарсимон. Март—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, ҳар хил тупроқларда, чағир тошли ҳамда тупроғи майда заррачали ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган. Доривор ўсимлик.

### Кочи қатрони — *Crambe kotschyana* Boiss.

- Барглари нисбатан майда 15  
15. Қўзоқчаси туксиз, тўрт қиррали, шарсимон. Кўп йиллик ўт, бўйи 15—50 см. Барглари бутун ёки пасткилари бўлинган. Шингили қисқа, косачабарглари яшилроқ, туксиз, узунлиги 2 мм. Тожбарглари оқ, косача баргидан икки марта узун. IV—VI ойларда гуллаб уруғ беради. Кенг тарқалган бегона ўт.

### Урмаловчи болтириқ — *Cardaria repens* (Schrenk) Jarm.

- Қўзоқчаси сийрак тукли, юмалоқ ёки тухумсимон-юмалоқ. Кўп йиллик ўт. Бўйи 50—100 см, туксиз. Барглари қаттиқ, туксиз, бутун, чети аррасимон тишли, чўзиқ ёки наштарсимон. Шингили ёйиқ. Косачабарглари тўқ қизил, деярли юмалоқ, узунлиги 1 мм атрофида. Тожбарглари оқ, косачабарглардан икки марта узун. Май—июл ойларида гуллаб, июл—сентябр ойларида уруғ беради. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида дарё қирғоқларида, ариқ бўйларида бегона ўт сифатида кенг тарқалган.

### Кенгбарг торол, бақа жўхори — *Lepidium latifolium* L.

## 33. УЧЧАНОҚДОШЛАР — FRANKENIACEAE

### Туркум. Уччаноқ — *Frankenia* L.

#### Губорли уччаноқ — *Frankenia pulverulenta* L.

Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 3—20 см, пояси майда туклар билан қопланган. Пастки барглари қарама-қарши, усткилари эса ҳалқасимон (4 тадан) жойлашган. Кўсакчасининг узунлиги 2 мм га яқин, узунасига чокидан очилади. Май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда шўрхок ерларда ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

## 34. ТОЛДОШЛАР — SALICACEAE

Ўзбекистонда толдошларга кирувчи 2 та туркум ва 49 та ёввойи ҳамда маданий турлар борлиги аниқланган. Улардан қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиб келин-

моқда. Жумладан, улар қишлоқ ва шаҳарларимизни кўкалам-зорлаштиришда манзарали ўсимлик сифатида ниҳоятда кўп экилади. Буларга қуйидагилар киради: мажнун тол — *Salix babylonica* L., оқ тол — *Salix alba* L., оқ терак — *Populus alba* L., бақатерак, қора терак — *Populus nigra* L.

### Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Барг бандининг узунлиги 2—3 см, япроғининг шакли ва катталиги ҳар хил. Қисқа новдаларда жойлашган баргларининг япроғи буйраксимон, узунлиги 2—4 см, эни 4—6 см. Узун новдаларда жойлашган барглари наштарсимон. Қуртаги якка қипиқли. Дарахт. Апрель—май ойларида гуллаб, июл—август ойларида уруғ беради. Чўлда дарё бўйларида, оролчаларда ва дарё ўзанларида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган манзарали ўсимлик.



### Туранғил терак — *Populus pruinosa* Schrenk.

- Барг бандининг узунлиги 1—2 мм, япроғи қалами, қалами — наштарсимон, узунлиги 1,5—3 см, эни 1,5—3 см. Қуртаги кўп қипиқли. Дарахт. Май — июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, дарё бўйларида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган манзарали ўсимлик.

34- расм. Туранғил терак.

### Сув тол — *Salix wilhelmsiana* Bieb.

Изоҳ: Ўзбекистонда толларнинг 32 тури мавжуд бўлиб, уларнинг ташқи кўриниши бир-бирига ўхшаш бўлади. Бу ҳол мактаб болалари учун қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун аниқлагичда сув толни изоҳлаш билан чекланилди.

## 35. НАВРУЗГУЛДОШЛАР — PRIMULACEAE

### Туркумлар аниқлагичи

1. Косачабарглари ярмигача бўлинган, тожбаргсимон. Тожбарги бўлмайди.

## Глаукс — *Glaux L.*

— Косачабарглари асосигача бўлинган. Тожбарглари яхши тарққий этган.


## Совунўт — *Anagallis L.*

### Туркум. Глаукс — *Glaux L.*

Қирғоқ глаукси — *Glaux maritima L.* кўп йиллик илдизпояли ўсимлик. Бўйи 5—20 см. Косачабарглари қўнғироқсимон, пушти ёки оқимтир. Кўсаги қўнғир рангли, диаметри 3 мм, очилгандан сўнг узунасига 5 та чаноқчага ажралади. Май—июл ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, ариқ бўйларида ўсади. Тошкент, Бухоро, Навоий вилоятларида тарқалган.

### Туркум. Совунўт — *Anagallis L.*

Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 5—25 см. Гуллари узунлиги 1,5—2,5 см гача бўлган узун гулбандларда ўрнашган. Косачабарглари яшил. Тожбарглари тўқ қизил, асосида оч қизил рангдаги доғлари бор. Кўсагининг диаметри 5 мм, пишиб етилгандан сўнг кўндалангича очилади ва қопқоқчаси тушиб кетади. Апрель—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, йўл ёқаларида, боғларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.



35- расм. Дала совунўт.

Дала совунўт — *Anagallis arvensis* L.

36. ГУЛХАЙРИДОШЛАР — MALVACEAE

Гулхайридошлардан Ўзбекистонда энг кўп экиладигани ғўза турларидир. Ғўзадан ташқари айрим толали ҳамда манзарали ўсимликлар ҳам экилади.

Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Кўп йиллик ўсимлик. Тожбарглари оқ. Пояси тукли, бўйи 50—200 см. Барглари оддий, япроғи 5—7 бўлакли. Гуллари йирик, остки косачаси 6 та барглардан, устки косачаси эса 5 та баргчалардан ташкил топган. Тожбарглари тескари тухумсимон, тўпгули шингилсимон. Меваси 25—30 уруғли. Адир ва тоғларда, тупроғи майда заррачали ерларда ҳамда тошли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Оқ бахмалгул, гулхайри — *Alcea nudiflora* (Lindl.) Boiss.

- Бир йиллик ўсимлик 2
2. Остки косачаси йўқ. Меваси 15 та баргакдан ташкил топган. Пояси тик ўсувчи, бўйи 50—200 см. Барглари йирик, кенг тухумсимон. Гуллари барг қўлтиғида узун гулбандда жойлашган. Қосача барглари кенг наштарсимон, тукли. Поя-




36- расм. Ғўзор дағалканоп.

сининг узунлиги 12—15 мм. Июл—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида бегона ўт сифатида ва тўқайларда ўсади. Толали ўсимлик.

### Гузор дағалканоп — *Abutilon theophrasti* Medik.

- Остки косачаси бор. Меваси кўсак ёки ясси уруғлар йиғиндисидан иборат 3
3. Тожбарги сариқ, пастки қисмида тўқ қизил доғи бор. Остки косачабарглари 10—13 та. Бир йиллик ўсимлик, бўйи 15—60 см. Пояси тик ўсувчи, тукли. Барглари 3 бўлакли, патсимон бўлинган. Косачабарглари ярмигача қўшилиб ўсган. Тожбарглари тескари тухумсимон. Меваси кўсак. Уруғи майда, буйраксимон. Июл—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Суғориладиган ерларда, экинлар орасида, бегона ўт сифатида ўсади. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма қисмида учрайди.



### Уччаноқ бўритароқ — *Hibiscus trionum* L.

- Тожбарги пушти ёки кўкимтир. Остки косачабарглари 2—3 та. Бир йиллик ўт, бўйи 10—40 см. Пояси ердан кўтарилиб ёки ерга ётиб ўсади. Барглари оддий, беш-етти бўлакли. Гуллари поя бўйлаб, барг қўлтигида ўрнашган. Косачабарглари ярмигача қўшилиб ўсган. Тожбарглари тухумсимон. Меваси 14 (12—16) уруғли. Апрель—сентябр ойларида, гуллаб, уруғ беради. Ўзбекистоннинг барча суғориладиган минтақаларида бегона ўт сифатида ҳамда адир ва тоғларда, кўпроқ мол боқиладиган ерларда ўсади.


37-расм. Уччаноқ бўрита-роқ.

### Кўримсиз тугмачагул — *Malva neglecta* Wallr.

## 37. СУТЛАМАДОШЛАР — EUPHORBIACEAE

### Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Ярим бута. Гуллари айрим жинсли. Чангчили гулларидаги чангчиси 5 та. Барглари — ён баргчали, юмалоқ ёки буйраксимон, кенг тухумсимон, ўткир учли. Поясининг баландлиги



38- расм. Кўримсиз тугмачагул.

8—30—50 см. Март — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, соз тупроқли ерларда, ҳар хил тупроқларда, тошли ёнбағирларда ўсади. Республикамизнинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Кўкмараз андрахне — *Andrachne rotundifolia* С. А. Мей.

- Бир йиллик ўсимлик 2
2. Барглари қарама-қарши жойлашган. Поясининг баландлиги 5—15 см, йўғон, қисқа, эгри-бугри, ёғочланган, сершоҳ. Барглари қисқа бандли, чўзиқ эллипсимон, четлари текис. Ён барглари ингичка, қалами. Кўсакчаси 3 қиррали, 3 бўлакли, қисқа, юмшоқ туклар билан қопланган. Май — октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, қумларда, майда шағалли ерларда, тошли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.



**Туркман хамезицияси — *Chamaesyce turkomanica* (Boiss.)  
Prokh.**

- Барглари кетма-кет жойлашган (баъзан пасткилари қарама-қарши) 3
3. Барглари чўзиқ ромбсимон, тухумсимон, ўткир учли. Гулён барглари ипсимон. Поясининг бўйи 15—30 см, қисқа, шохланган. Чангчили гуллари 5—12 (13) тадан бўлиб қисқа гулбандда ўрнашган. Уруғчили гуллари 4—6 та, кўсакчаси силлиқ, майда, қўнғир ёки оқимтир, ўтроқ, тангачалар билан зич қопланган. Июн—июл ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, қумоқ ерларда, тошли майда шағалли ёнбағирларда ўсади. Хоразм ва Қорақалпоғистондан ташқари ҳамма вилоятларда тарқалган.

**Қийшиқ ошиқўт — *Chrosophora obliqua* (Vahl.) A. Juss.**

- Барглари бўлмали, асоси кенгайган, ўйиқли, четлари майда, тишсимон қирқилган, кетма-кет жойлашган (баъзан пастки барглари қарама-қарши). Пастки гул ёнбарглари 3 баргчали, усткилари эса жуфт баргчали. Поясининг баландлиги 8—20 см, оч яшил, тик ўсувчи. Гуллари соябон тўпгулда ўрнашган. Соябони 3—5 нурли. Кўсакчаси кенг тухумсимон, март—август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, боғларда ўсади. Республикамизда кенг тарқалган.

**Кунгабоқар сутлама — *Euphorbia helioscopia* L.**

**38. ҚЕЛИНСУПУРГИДОШЛАР — THYMELAEACEAE**

**Туркумлар аниқлагичи**

1. Гулқўрғони найсимон, туксиз. Гуллари шингилда ўрнашган.

**Туркум. Келинсупурги — *Diarthron Turcz.***

- Гулқўрғони кўзачасимон, тукли. Гуллари барг қўлтиқларида якка-якка ўрнашган.

**Туркум. Тимелея — *Thymelaea Mill.***

**Туркум. Келинсупурги — *Diarthron Turcz.***

- Пуфакли келинсупурги — *Diarthron vesiculosum* (Fisch. et Meu.) A. S. Meu. Бир йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, баландлиги 15—40 см, дихотомик шохланган. Гулқўрғони бўғим-

ли, гуллагандан кейин устки бўғими синиб тушади, осткиси мева билан қолади. Чангчиси 8 та. Ёнғоқчаси тухумсимон, ялтироқ, қорамтир, Май — июл ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда саз тупроқларда ўсади. Республикамининг ҳамма қисмида тарқалган.

### Туркум. Тимелея — *Thymelaea* Mill.

**Чумчуқ тил тимелея** — *Thymelaea passerina* (L.) Coss. et germ. Бир йиллик шохланган ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, баландлиги 50—80 см. Гулқўрғони мевасида сақланиб қолади. Чангчиси 2—8 та. Ёнғоқчаси туксиз, ноксимон. Июн — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда сернам жойларда, дарё бўйларида, ариқ ёқаларида ўсади. Жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

## 39. РАЪНОДОШЛАР — ROSACEAE

Раънодошлар Ўзбекистонда кенг тарқалган ва халқ хўжалигидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган ўсимлик оилалардан бири. Мазкур оилга эрма ва ёввойи ҳолда ўсадиган 35 туркум киради. Уларнинг аксарияти дарахт ва буталардир.

Раънодошларнинг кўп турлари, шу жумладан хилма-хил атиргул навлари — *Rosa* L., беҳи — *Cydonia oblonga* Mill., бодом — *Amygdalus communis* L., гилос — *Cerasus avium* (L.) Moench., нок — *Pyrus communis* L., олволи — *Cerasus vilgaris* Mill., олма — *Malus domestica* Borkh., олхўри — *Prunus domestica* L., шафтоли — *Persica vulgaris* Mill., ўрик — *Armeniaca vulgaris* Lam., қулупнай — *Fragaria anannasa* Duch., сариқ дўлана — *Crataegus pontica* C. Koch. кўпчиликка маълум бўлгани учун аниқлагичга киритилмади.

### Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Кўп йиллик ўт (ўсимлик) 2  
— Бута 3
2. Гуллари биттадан барг қўлтигида жойлашган, диаметри 20 мм. Гулбанди узун, тукли. Тожбарглари сариқ. Пояси ер бағирлаб ўсади. Кўп йиллик ўт, бўйи 30—100 см. Барглари панжасимон, 5—7 баргчали. Чангчиси 20 та. Меваси тухумсимон. Май — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, ўтлоқларда, дарё ва ариқ бўйларида ҳамда сернам ерларда ўсади. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида тарқалган. Алкалоидли ўсимлик.



39- расм. Урмаловчи ғозпанжа.

**Урмаловчи ғозпанжа, бешбарг — *Potentilla reptans* L.**

— Гуллари бошоқсимон шингилда ўрнашган, диаметри 10—12 мм. Гулбанди қисқа. Тожбарглари қорамтир-яшил. Поястик ўсувчи, бақувват. Кўп йиллик ўт, бўйи 30—130 см. Барглари тукли, чети тишсимон. Тўпғули узун, 40 см. Тожбарглари косачабаргидан икки марта узун. Мевасининг узунлиги 6—9 мм. Май — июн ойларида гуллаб, июл — август ойларида уруғ беради. Чўл, адир ва тоғ этакларида, экин майдонларида, тоғларда, ариқ бўйларида, йўл ёқаларида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Доривор ўсимлик.

**Аломат сариқ чой — *Agrimonia asiatica* Juz.**

- |   |   |
|---|---|
| 3. Барглари оддий   | 4 |
| — Барглари мураккаб   | 6 |
| 4. Тиканли ўсимлик  | 5 |
| — Тикансиз, бўйи 1 м га етадиган бута. Барглари юмалоқ, ту- |   |

хумсимон ёки эллипссимон, узунлиги 0,5—2 см, эни 0,4—1,8 см, тукли, қаттиқ. Гуллари 5—9 (12) тадан бўлиб, мураккаб, қалқонсимон рўвакда ўрнашган. Меваси қизил, шарсимон, данаги (1) 2 та. Май—июн ойларида гуллаб, сентябрда мева беради. Адир ҳамда тоғ ёнбағирларида, чағир тошли сочилмалар орасида ўсади. Ташкент, Самарқанд, Қашқарё вилоятларида тарқалган. Манзарали ўсимлик.

### Жозибали иргай — *Cotoneaster suavis* Pojark.

Узун (3—5 см) тиканли, бўйи 2 м га етадиган бута. Барглари овалнаштарсимон, узунлиги 1,5—2,5 см, эни 4—7 мм. Гуллари қисқа новдаларда жойлашган, оч пушти рангли. Меваси тухумсимон ёки наштарсимон, тукли, узунлиги 1,5—2 см. Март—апрел ойларида гуллаб, май—июн ойларида мева беради. Чўл ва адирларда, тошларнинг ёриқларида, тошли ва чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Доривор ўсимлик.



40- расм. Пochaqирqар четин.

### Сертикан бодом — *Amygdalus spinosissima* Bunge.

- Майда (1 см дан ошмайдиган) тиканли, бўйи 15—20 см га яқин кичик бута. Барглари оддий, тескари тухумсимон, эллипссимон ёки наштарсимон, тукли. Гуллари сариқ. Меваси тиканли, узунлиги 10 мм, эни 10—12 мм. Апрель—июл ойларида гуллаб, июн—июл ойларида мева беради. Адирларда, юмшоқ тупроқли ерларда, бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади.

### Пochaqирqар четин — *Hulthemia persica* (Mich. ex Juss. Bornm.

6. Ер бағирлаб ўсувчи, меваси бевосита истеъмол қилинадиган бутача. Бўйи 50—150 см. Барглари уч баргчали. Гуллари икки жинсли, оқ косача барглари ва тоғбарглари 5 тадан. Чангчи ва уруғчилари кўп. Тўпгули — шингил. Меваси ширин. Май—июн ойларида гуллаб, июн—июл ойларида мева беради. Асосан тоғларда, сой ёқаларида, сернам



41- расм. Зангори маймунжон.

ерларда ўсади. Тошкент, Наманган, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Истеъмол қилинадиган ўсимлик.

**Зангори маймунжон, парманчак — *Rubus caesius* L.**

— Тик ўсувчи бута. Бўйи 100—300 (400) см. Барглари тоқ патсимон. Гуллари икки жинсли, оқ сариқ ёки пушти. Чангчи ва уруғчилари кўп. Тўпгули ясси соябон. Меваси усти серэт, гипантия ичида жойлашган қуруқ данакдан иборат. Асосан Ўзбекистоннинг тоғли минтақаларида ўсади.

**Туркум. Наъматак — *Rosa* L.**

Изоҳ: Ўзбекистонда наъматакнинг 13 тури бўлиб, улар ҳамма вилоятларда бир текис тарқалмаган. Шунинг учун бу турлар аниқлагичга киритилмади.

## 40. ДУККАҚДОШЛАР — FABACEAE

Бурчоқдошларнинг кўпгина вакиллари озиқ-овқат, ем-хашак, манзарали ўсимликлар сифатида ўстирилади. Улардан озиқ-овқат учун экиладиганлари қуйидагилардир: Хитой ловияси — *Vigna sinensis* Endl., ловия — *Phaseolus vulgaris* Roxb., ўрис нўхат — *Cicer orientinum* L., соя — *glycine hispida* (Much) Max., нўхат — *Pisum sativum* L., ер ёнғоқ — *Arachys hypogaea* L. Ем-хашак сифатида: себарга, беда — *Medicago sativa* L. Манзарали ўсимлик сифатида: тухумак софора — *Sophora japonica* L., Сохта акация, оқ акация — *Rovinia pseudacacia* L., манзарали ловия — *Phaseolus cocoseineus* L.

### Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Бир йиллик ёки икки йиллик ўсимлик 2
- Кўп йиллик ўсимлик ёки бута 10
2. Барглари уч баргчали 3
- Барглари тоқ ёки жуфт патсимон 7
3. Икки йиллик ўсимлик. Поясининг баландлиги 20—100 см. Гуллари 30—80 тадан шингил тўпгулда ўрнашган. Қосачабарги қўнғироқсимон, беш тишчали. Тожбарги сариқ, дуккаги тухумсимон, узунлиги 3—5 мм, эни 2—2,5 мм, туксиз, ғадир-будур. Май — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, дарё бўйларида, йўл ёқаларида, ўтлоқларда, боғларда, экинлар орасида бегона ўт сифатида ўсади. Республикамизда кенг тарқалган.

### Сариқ қашқар беда — *Mellilotus officinalis* (L.) Pall.

- Бир йиллик ўсимлик 4
- 4. Дуккаги қалами ёки цилиндрик, ёйсимон қайрилган 5
- Дуккаги шарсимон ёки буйраксимон 6
- 5. Гуллари оч сариқ рангли, 1—3 (5) тадан шингилсимон тўпгулда ўрнашган. Тожбарги елканли, узунлиги 13—15 мм. Бўйи 10—25 см, туксиз ёки кам тукли. Дуккаги туксиз, узунлиги 3—6 мм. Март — май ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда турли экологик шароитларда, баъзан экинлар орасида бегона ўт сифатида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Сариқ шамбала, йўнғичқа — *Trigonella grandiflora* Bunge.

- Гуллари сариқ, барг қўлтиқларида қисқа гулбандларда ўсимликнинг пастки қисмида 1 тадан, устки қисмида 2 тадан, баъзан 3—4 тадан бўлиб ўрнашган. Тожбарги елканчасининг узунлиги 7 мм гача. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 30 см гача, тукли. Дуккагининг узунлиги 5,5 мм гача, тукли.

Март — июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда эфемер ва эфемеронидлар жамоасида учрайди. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

**Жуфтгул шамбала — *Trigonella geminiflora* Bunge.**

6. Дуккаги шарсимон, кўп уруғли, четларида икки қатор бўлиб ингичка ва узун, турли томонга йўналган тиканчалар ўрнашган, учки қисми илгаксимон қайрилган. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 10—40 см, пояси тик ёки ердан кўтарилиб ўсади. Март — май ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адирларда соз тупроқларда, ташландиқ ерларда, боғларда, ариқ бўйларида ўсади. Бутун Республика бўйлаб тарқалган.

**Епишқоқ беда — *Medicago minima* (L.) grüfв.**

- Дуккаги буйраксимон, бир уруғли, учки қисми спиралсимон буралган. Бир йиллик ўсимлик. Поясининг баландлиги 15—60 см, ер бағирлаб ёки ердан сал кўтарилиб ўсади. Май — июл ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, дарё водийларида, тўқайзорларда ариқ бўйларида ўсади. Республикада кенг тарқалган.

**Қалмоқсимон беда, қашқар йўнғичқа — *Medicago lupulina* L.**

7. Барглари тоқ патсимон, узунлиги 7—15 см. Дуккаги буйраксимон, узунлиги 15—18 мм, эни 10—12 мм. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 15—40 см. Тўпгули шингил 7—15 (25) см. Косачаси қўнғироқсимон, узунлиги 3—5 (6) мм. Апрель — август ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, қумли, соз тупроқли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқардарё вилоятларида тарқалган.

**Гўзал исирғайт, сирғайт — *Onovrychis pulchella* Schrenk.**

- Барглари жуфт патсимон ёки гажакли (гажакдор) 8  
8. Баргсиз ўсимлик, яъни барглари гажакларга айланган, узунлиги 3—6 см. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 15—60 см. Косачабарглари қўнғироқсимон, узунлиги 7—10 мм. Тожбарги сариқ. Март — июн ойларида гуллаб, мева беради. Адирларда, қумли ва майда шағалли ерларда ўсади. Республикамизда кенг тарқалган.

**Нўхатгул боқла — *Lathyrus aphaca*, L.**

- Барглари яхши тараққий этган, узунлиги 3—10 см 9

9. Тожбарги пушти. Қайиқчаси бинафша. Гуллари 1—2 тадан барг қўлтиғида ўрнашган. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 15—45 см. Май—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, ташландиқ жойларда, экинлар орасида, боғларда бегона ўт сифатида ўсади. Республикамизда кенг тарқалган.

### Энсизбарг бурчоқ — *Vicia angustifolia* L.

- Тожбарги бинафша. Гуллари бандсиз. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 15—45 см. Барглари 4—6 баргчали. Апрель—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, соз тупроқли ва тошлоқ ерларда ўсади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

### Хартумли астрагал — *Astragalus campylorrhynchus* Fisch. et Mey.

Изоҳ: Астрагал — *Astragalus* L. туркуми турларга жуда бой. Фақат Ўзбекистоннинг ўзида 239 та тури тарқалган. Шунинг учун аниқлагичда Ўзбекистонда кенг тарқалган турларидан юқоридаги битта тури киритилди, холос.

10. Бута. Гуллари бинафша. Дуккаги бандли, узунлиги 12—15—19 мм, эни 6—7—8 (10 мм), учки қисми тиканчали, пуфакчали. Поясининг бўйи 2 м гача етади. Барглари жуфт патсимон, 1, 3, 5 жуфтли, барг учи тиканли. Март—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, шўрланган қумли ва соз тупроқларда, тўқайларда, ариқ бўйларида ўсади. Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах вилоятларида тарқалган.

### Кумуш жангал — *Halimodendron halodendron* (Pall.) Vess.

- Кўп йиллик ўт ўсимлик 11
11. Тиканли ўсимлик. Шохлари бош поядан ўткир бурчак ҳосил қилиб чиққан. Барглари оддий, узунчоқ, наштарсимон. Гуллари қизил ёки пушти, 3—8 тадан тиканларда ўрнашган. Дуккаги туксиз, 4—7 уруғли, май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, ариқ, канал бўйларида, ташландиқ ерларда, пастликларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Ем-хашак ўсимлиги.

### Сохта янтоқ — *Alhagi pseudalhagi* (Bieb.) Desv.

- Тикансиз ўсимлик 12
12. Гуллари оч пушти ёки ғиштранг-пушти 13
- Гуллари оқ, оқимтир, қизғиш — гулоби, бинафша 14
13. Гуллари оч пушти. Барглари тоқ патсимон- 8—13 жуфт баргчали, узунлиги 8—20 см. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси-




нинг баландлиги 70 см гача, юмшоқ ипаксимон туклар билан қопланган. Дуккаги ёйсимон эгилган, узунлиги 6—12 см. Апрель — июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, экилмайдиган ерларда, ариқ бўйларида, тўқайзорларда ўсади. Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида тарқалган. Заҳарли, доривор ўсимлик.

### Оқ аччиқмия — *Vexivia alopecuroides* (L.) Jakovl.

- Тожбарги фиштранг — пушти. Барглари тоқ патсимон, 5—9 баргчали, узунлиги 4—8 см. Кўп йиллик ўсимлик. Поясининг баландлиги 45—80 см, икки учи сийрак туклар билан қопланган. Дуккаги пуфакчали, туксиз, кенг овалсимон, узунлиги 1,8—2,5 см. Июнь — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда сернам шўрхоқ ерларда, дарё, ариқ бўйларида, тўқайларда учрайди. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Доривор ўсимлик.

### Шўр бўян — *Sphaerophysa salsula* (Pall.) Dc.

14. Гуллари шарсимон каллакчада ўрнашган 15  
— Гуллари шингилсимон тўпгулда ўрнашган 16  
15. Гуллари оқ. Барглари мураккаб — уч баргчали, узун бандли. Косачабарги икки лабчали, қўнғироқсимон. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 15—40 см. Апрель — октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, боғларда ўсади. Республикамизда кенг тарқалган. Ем-хашак ўсимлиги.



42- расм. Оқбош себарга.

### Оқбош себарга, тўққизтепа — *Tripholium repens* L.

— Гуллари қизғиш — пушти. Барглари мураккаб, уч баргчали, узун бандли. Косача барглари найсимон — қўнғироқсимон. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 20—50 см. Апрель — октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, ариқ ва дарё бўйларида, сернам жойларда ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган.



43- расм. Ширинмия

Қизилбош себарга —  
*Trifolium pratense* L.

16. Барглари тоқ патсимон, узунлиги 9—15 см, 3—7—8 жуфт баргчали. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 45—120 см. Май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, ариқ, канал, дарё бўйларида, шўрхок ерларда, тўқайзорларда ўсади. Республика бўйлаб тарқалган.

Ширин мия —  
*Glycyrrhiza glabra* L.

- Барглари оддий ёки учбаргчали мураккаб. Гуллари оқимтир. Косача барги кўнғироқсимон, узунлиги 3—5 мм. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 60—150 см. Май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, саз тупроқларда учрайди. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

Данакли оққурай — *Psoralea drupacea* Bunge.


#### 41. БУРЧОҚДОШЛАР — (Цезальпиндошлар) — FABACEAE

Туркум. Гледигия. Тикан дарахт — *Gleditschia* L.

Тиканли гледигия — *Gleditschia tricathos* — бўйи 40 м гача бўлган йирик, сершоҳ, тиканлар билан қопланган дарахт. Барглари мураккаб қўш патсимон. Дуккаги ялтироқ, узунчоқ — наштарсимон, тўлқинли, қўнғир, ясси, узунлиги 40 см гача. Май—август ойларида гуллаб, мева беради. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида манзарали дарахт сифатида ўстирилади.

#### 42. АНОРДОШЛАР — PUNICACEAE

Мазкур оиллага битта туркумга мансуб битта тур — анор киради. Бўйи 1,5—2 м гача бўлган бута. Май—октябр ойларида гуллаб, мева беради. Республикаимизнинг ҳамма вилоятларида ўстирилади.



44- расм. Данакли оққурай.

### 43. ҚИЗИЛБАРГДОШЛАР — ONANRACEAE

Туркум. Пашмак — *Eriovium* L.

Пашмак эпилобиум — *Eriovium hirsutum* L. кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, 50—70 см, шохланган, майин туклар билан қопланган. Поясининг пастки ва ўрта бўғимларидаги барглари қарама-қарши жойлашган, учки қисмидагиси эса кетма-кет. Тожбарги пушти. Июнь—сентябр ойларида гул-

лаб, мева беради. Чўлда, сув омборларининг, ариқ ва сойларнинг қирғоқларида учрайди. Тошкент, Навоий, Бухоро вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

#### 44. ТОШБАҚАТОЛДОШЛАР — RUTACEAE

##### Туркумлар аниқлагичи

1. Бир йиллик ўсимлик. Барглари патсимон бўлмали ёки 3 бўлмали, безсиз.

Туркум — Тетрадиклис — *Tetradiclis Stev.*

— Кўп йиллик ўсимлик. Барглари бутун, нуқтасимон безли.

Туркум. Тошбақатол — *Haplophyllum Juss.*

Туркум — Тетрадиклис — *Tetradiclis Stev.*

Нозик тетрадиклис — *Tetradiclis fenella (Ehrenb.) Litv.* пояси шохланган, туксиз, бўйи 5—15 см. Баргларининг узунлиги 1 см гача, серсув, косачабарги пардасимон, асоси қўшилиб ўсган, тожбарги сариқ. Меваси кўсакча, диаметри 3 мм. Уруғи қанотчали, узунлиги 0,6—0,8 мм. Бир йиллик ўсимлик. Апрель—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, шўрхок ерларда ўсади. Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Туркум. Тошбақатол — *Haplophyllum Juss.*

1. Кўсакчаси очилмайди, пишгандан сўнг уячалари тушиб кетади. Тожбаргининг узунлиги 3—3,5 (5) мм. Кўп йиллик ўсимлик. Поясининг баландлиги 20—70 см, сершоҳ. Май—август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, майда шағалли, тошли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Ўткирбарг тошбақатол — *Haplophyllum acutifolium (Dc.)*

*G. Don. Kar. et Kir.*

- Кўсакчаси очилади. Тожбарглари бирмунча йирик 2
2. Туксиз ўсимлик. Кўсакчасининг эни 4—5 мм. Тожбарги сариқ. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 30—60 см. Май—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, қумларда ўсади. Фарғона, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

## Бунге тошбақатоли — *Naplophyllum bunge Trautv.*

- Тукли ўсимлик. Кўсакчасининг эни 3 мм. Тожбарги оч сариқ. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 10—25 см. Май — июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, соз тупроқларда, тошлоқ ёки қумли ерларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

## Кўк тошбақатол — *Naplophyllum versicolor Fisch. et Mey.*

### 46. АЙЛАНТДОШЛАР — SIMARUBIACEAE

#### Туркум. Айлант — *Ailanthus Desf.*

- Бўйчан айлант, сассиқ дарахт, айлант — *Ailanthus altissima* (Mill.) Swing. Бўйи 20—30 м. Дарахт. Пўстлоғи кулранг. Барглари мураккаб, патсимон, 45—60 см. Гуллари икки жинсли. Косачабарги 5 та, чангчиси 10 та. Тугунчаси 5—6 мевабаргли. Мевасининг узунлиги 3—4 см, эни 1 см, узунчоқ, бир уруғли. Май — август ойларида гуллаб, мева беради. Республикада кенг тарқалган. Канал, ариқ бўйларида ўстирилади. Уруғдан осон ва тез кўпаяди.

### 46. ТУЯТОВОНДОШЛАР, ҚУШБАРГДОШЛАР — ZYGOPHYLLACEAE

#### Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Меваси тиканли ўсимлик. Барглари 5—7 жуфт баргчали, узунлиги 3—6 см, қисқа бандли. Бир йиллик ўсимлик. Поясининг узунлиги 10—60 см, ер бағирлаб ўсади. Гуллари 1—2 тадан, узун гулбандларда ўрнашган, сариқ рангли. Май — август ойларида гуллаб мева беради. Чўл ва адирларда, ташландиқ ерларда, воҳаларда, лалмикор ерларда, йўл ёқаларида, тоғ ён бағирларида, сой бўйларида ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

#### Таппак темиртикан, чақиртикан — *Tribulus terrestris L.*

- Меваси тикансиз ўсимлик. Барглари кўпинча, бир жуфт баргчали, баъзан барглари 2—3 жуфт
2. Бута. Кўсакчаси қанотчали, юмалоқ, 5 уяли. Баргининг узунлиги 1,5—5 см, тескари тухумсимон, текис қирғоқли. Гуллари сариқ. Поясининг баландлиги 50—100 см. Май — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, йўл ёқаларида, ҳар хил рангли тупроқларда ўсади. Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Навоий вилоятларида тарқалган.

Олабута қўшбарг — *Halimophyllum atriplicoides*  
(Fisch. et Mey. Boiss.)

- Кўп йиллик ўсимлик. Кўсакчаси қанотчасиз 3  
5. Барглари 2—3—(4) жуфт баргчали. Баргчалари тескари тухумсимон ёки узунчоқ, узунлиги 1—1,5 см, кўкимтир. Тожбарглари устки қисми оқ, пасткиси қизил. Кўсакчаси осилиб туради, кўзоқсимон узунчоқ. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси ер бағирлаб ўсади, серсув, узунлиги 10—25 см. Апрель — май ойларида гуллаб, май — июн ойларида мева беради. Чўлда, гипсли тупроқларда, майда шағалли жойларда ўсади. Наманган, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Қизил бўятовон — *Zygophyllum miniatum* Cham.

- Барглари 1 жуфт. Баргчалари овал, усткилари узунчоқ, узунлиги 3—4 см, серэт. Тожбарги зарғалдоқ-қизил, устки қисми оқ. Кўп йиллик ўсимлик. Поясининг баландлиги 30—70 см, тик ўсувчи ёки кўтарилувчи, қаттиқ айрисимон шохланган. Бутун ёз давомида гуллаб, мева беради. Чўлда, шўрхоқ ерларда, канал бўйларида, дарё қирғоқларида, воҳаларда учрайди. Республикамизда кенг тарқалган.

Амударё туятовони — *Zygophyllum oxianum* Boriss.

47. ОҚЧАНГАЛДОШЛАР — NITRARIACEAE

Туркум. оқчангал, қумузум — *Nitraria* L.

1. Барглари узунчоқ — кураксимон ёки тескари тухумсимон. Чангчиларининг узунлиги уруғининг узунлигига тенг. Меваси қорамтир-қизил, ширали. Данаги тухумсимон, тўмтоқ. Бута, бўйи 1—1,5 м. Май — октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, қумли дўнгликларда, шўрхоқларда, кўл атрофларида ўсади. Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

Шобер боқчангали, қумузуми — *Nitraria schoberi* L.

- Барглари қалами — кураксимон. Чангчи иплари уруғидан икки баробар қисқа. Меваси қизғиш-сарик, ширали. Данаги чўзиқ тухумсимон, ўткир учли. Бута, бўйи 50—150 см. Май — октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, гипсли тупроқларда, қумли дўнгликларда, шўрхоқ ерларда ўсади. Бухоро, Навоий вилоятларида тарқалган.



45- расм. Шобер оқчангали.

Комаров оқчангали, қумузуми — *Nitraria komarovii*  
Pjin et. Lava.

#### 48. ИСИРИҚДОШЛАР, АДРАСПАНДОШЛАР — PEGANACEAE

Туркум. Исириқ, адраспан — *Peganum L.*

Оддий исириқ — *Peganum harmala L.* кўп йиллик ўсимлик.  
Пояси тик ўсувчи, сершоҳ, бўйи 20—50 см. Барглари оддий,  
панжасимон қирқилган. Гулбандининг узунлиги 1—2 см.



46- расм. Оддий исирік.



47- расм. Хандон писта.

Косачабарги 3 бўлакли, узунлиги 1,5—2 см. Тожбарглари 5 та оқ. Кўсакчаси 3 хонали, диаметри 0,6—1 см. Уруғи қўнғир-қорамтир, узунлиги 3—4 мм. Май — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, шўрхок ерларда, ташландиқ жойларда ўсади. Республикамизда кенг тарқалган. Доривор ўсимлик.

#### 49. ПИСТАДОШЛАР — ANACARDIACEAE

Туркум. Писта — Pistaceae.

Хандон писта — *Pistacia vera* L. Ўзбекистонда пистадошларнинг ёввойи ҳолда ўсувчи муҳим вакили. Бўйи 10 м га етадиган икки уйли дарахт ёки баланд бўйли бута. Барглари мураккаб, қалин, силлиқ, ялтироқ. Гуллари кўрimsиз, диаметри 3 мм га яқин.

Чангчили гуллари узунлиги 3—8 см келадиган мураккаб зич рўвакда, уруғчили гуллари эса нисбатан сийрак рўвакда жойлашган. Меваси юпқа пўст, қаттиқ суяксимон қисмдан ва мағиздан иборат, узунлиги 5—15 (32) мм, эни 5—8 (10 мм. Март — апрел ойларида гуллаб, июл — сентябр ойларида мева беради. Адир ва тоғларда, тошли ва соз тупроқли ёнбағирларда ўсади. Кенг тарқалган жойи Боботоғ ҳисобланади. Бу қимматбаҳо, тансиқ мевали доривор, нодир ўсимлик. Нодир ўсимликни муҳофаза қилиш ва кўпайтиришга мактаб ўқувчилари муносиб ҳисса қўшишлари лозим.



## 50. ЗАРАНГДОШЛАР — ACERACEAE

Зарангдошларга мансуб ўсимликлар, асосан маданий ҳолда тарқалган.

### Турлар аниқлагичи

1. Гулбанди ва қанотли меваси туксиз. Бўйи 20 м га етадиган дарахт. Барглари йирик, беш-етти бўлақли, узунлиги 5—18 см, эни 8—22 см. Гуллари ясси тўпгулда жойлашган. Косачалари овал шаклда, тожи сарғиш-яшил. Қанотли меваси йирик, узунлиги 5 см га етади. Барглари ёзилмасдан олдин ёки ёзилиши билан гуллайди. Апрель ойида гуллаб, августда мева беради. Шаҳар кўчаларида ўстириладиган манзарали ўсимлик.

#### Чинорбарг заранг — *Acer platanoides* L.

- Гулбанди ва қанотли меваси тукли. Бўйи 40 м га етадиган дарахт. Барглари йирик, беш бўлақли, узунлиги 8—15 см, эни 6—16 см. Гуллари узун рўвакда жойлашган. Қанотли мевасининг узунлиги 5 см га яқин. Барг чиқаргандан кейин гуллайди. Апрель—май ойларида гуллаб, сентябрда мева беради. Ўзбекистонда кенг тарқалган манзарали ўсимлик.



48- расм. Сохтацинор заранг

#### Сохтацинор заранг — *Acer pseudoplatanus* L.

## 51. ЗИҒИРДОШЛАР — LINACEAE

Ўзбекистонда зиғирдошларнинг фақат 1 та туркуми — зиғир ўсади.

### Туркум. Зиғир — *Linum* L.

#### Турлар аниқлагичи

1. Ёввойи ҳолда ўсувчи, бўйи 30—70 см келадиган кўп йиллик ўт. Барглари оддий, қалами, наштарсимон, бандсиз, узунлиги 2—6,5 см. Косабарглари тухумсимон. Тожбарглари тўқ ҳаворангли. Тўпгули шингилсимон. Кўсаги юмалоқроқ.

Май — июн ойларида гуллаб, июн-июлда уруғ беради. Адирда ва тоғ этакларида, тошли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Еввойи зиғир —

*Linum macrorhizum* Juz.

— Бўйи 30—70 см келадиган бир йиллик эрма ўсимлик. Барглари оддий, қалами, наштарсимон, бандсиз, узунлиги 3—6,5 см. Косача барглари тухумсимон. Тожбарглари ҳаво ранг. Тўнгули рўваксимон. Кўсаги шарсимон. Апрель — май ойларида гуллаб, июн—июлда уруғ беради. Республикаимизнинг айрим минтақаларида экилади. Ёғ ва тола берувчи ўсимлик.

Пакана зиғир — *Linum humile* Mill.

## 52. ЁРОНГУЛДОШЛАР — GERANIACEAE

Мазкур оилага мансуб бўлган *Geranium collinum* Steph.— анжабор ёронгул ўсимлик тури катта хўжалик аҳамиятига эга. Чунки унинг ер устки қисмида қимматбахшо ошловчи модда бор. Айрим вакиллари эса хона шаронтида манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.




49- расм. Еввойи зиғир

### Туркум ва тур аниқлагичи


1. Бир йиллик ўт, бўйи 20—35 см. Барглари оддий, ёпирма барглари тухумсимон, поядаги барглари қирқилган, уч-беш бўлақли. Гуллари майда, диаметри 1 см га етади, пушти. Чангчиси 10 та. Меваси узун (6—12 мм), тумшукчали. Апрель — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир, тоғ ва яйловларда, чағир тошли тупроқларда, қумли тупроқларда, ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

**Уткир лайлактумшуқ —  
Erodium oxorrhynchum Viev.**

— Кўп йиллик ўт. Поясининг бўйи 15—50 см. Барглари оддий, ёпирма барглари узун бандли, поядаги барглари чуқур қирқилган, бешетти бўлакли. Гулининг диаметри 2 см, пушти. Меваси (2,5—3 см) тумшуқчали. Июнь — сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Тоғларда, сернам ва салқин жойларда ўсади. Тошкент, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Таркибида ошловчи модда бор: Доривор ўсимлик.



50- расм. Уткир лайлактумшуқ.



51- расм. Швид бодиён

53. ЗИРАДОШЛАР (Соябонгулдошлар) АРИАСЕАЕ

Зирадошларга қишлоқ хўжалигида кенг тарқалган сабзи *Daucus carota* L. var. *sativus* Roff., петрушка — *Petroselinum crispum* (Mill.) Nym., укроп-шивид, бодиён — *Anethum graveolens* L., кашнич — *Coriandrum sativum* L. каби ўсимликлар кирди.

Бу оила вакилларининг гуллари, одатда беш бўлакли, кўп ҳолларда косачасиз бўлади. Тугунчаси остки. Тўпгули оддий ёки мураккаб соябон, айрим вакилларида бошча шаклида.

Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Гуллари (тиканли ўрама барглари билан ўралган) зич каллакчаларда жойлашган. Кўп йиллик ўт, бўйи 50 см. Барглари оқиш. Остки баргларнинг бандлари уч қиррали, пояда жойлашган барглари бандсиз. Тўпгуллари каллакча шаклида. ўрама барглари 4—6 та, қалами — наштарсимон, тиканли. Гулбарглари чўзиқ қалами. Меваси тескари тухумсимон. Май ойида гуллаб, июн ойида уруғ беради. Чўл ва адирларда, бўз ерларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Бегона ўт.

Кўк кўзтикан — *Eryngium caucasicum* Trautv.

- Гуллари оддий ёки мураккаб соябонларда жойлашган 2
- 2. Тожбарглари оқ ёки пушти 3
- Тожбаргларининг ранги ўзгача 5
- 3. Поясининг бўйи 50—70 см. Ёпирма барглари узун бандли, уч марта патсимон бўлинган. Пояда жойлашган барглари бандсиз ёки қисқа бандли. Соябонлари 10—16 нурли. Соябончалари 20—25 гулли. Косачаси тишсиз. Тожбарглари оқ. Меваси ингичка, қалами. Апрель—май ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида, юмшоқ тупроқли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Эфир мойли ўсимлик.

Хашаки зира, қарғаоёқ — *Bunium chaerophylloides* (Regel et Schmalh.) Drude

- Пояси 25 см дан ошмайди 4
- 4. Тожбарглари пушти. Бир йиллик ўсимлик, бўйи 20—25 см. Барглари гадир-будур, япроқлари қирқилган, осткиларининг банди қисқа, поядагилариники бандсиз. Соябонлари 3—4

нурли, соябончалари 2—3 гулли. Косачабарглари икки қават бўлиб жойлашган. Меваси чўзиқ, овалсимон. Май—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, қумоқ ҳамда бўз тупроқларда ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

**Ўнгул қумзира — *Cuminum setifolium* (Boiss.) K. pol.**

- Тожбарглари оқ. Бир йиллик ўт, бўйи 10—20 см. Барглари ипсимон, ингичка, қалами, бўлақларга бўлинган. Соябонлари 5—8 нурли, соябончалари 10 гулли. Косачаси тишсиз. Меваси шарсимон, тухумсимон, қиррали, тукли. Май—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Адирларда, бўз тупроқли жойларда ўсади. Наманган, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

**Сертук афаноплеура — *Aphanopleura capillifolia* (Regel et Schmalh.) Lipsky**

- 5. Тожбарглари қизғиш. Бир йиллик ўсимлик, бўйи 20—50 см. Барглари тухумсимон, икки томонидан дағал туклар билан қопланган. Соябонлари 2—3 нурли, соябончалари 10 гулли. Косачаси тухумсимон-думалоқ. Май—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, қўриқ ерларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Бегона ўт.

**Кенгбарг чакамуғ — *Turgenia latifolia* Hoffm.**

- Тожбарглари сариқ
- 6. Тожбарглари оч-сариқ-сарғиш. Икки йиллик ўсимлик. Барглари патсимон қирқилган. Поянинг остки қисмидаги барглари бандли, юқори қисмидагилари эса бандсиз. Соябонлари кўп нурли, соябончалари 15—20 гулли. Урама барглари 5—6 та, патсимон қирқилган. Косачаси тишли. Меваси мева бандидан икки-уч марта қисқа. Май—июн ойларида гуллаб, июл ойида уруғ беради. Чўл ва адирларда, суғориладиган салқин жойларда бегона ўт сифатида ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.



52- расм. Кенгбарг чакамуғ



53- расм. Сассиқ коврак.

**Еввойи сабзи — *Daucus carota* L.**

— Тожбарглари тўқ-сариқ. Кўп йиллик—монокарп ўт. Бўйи 1 м га етади. Епирма барглари уч бўлакли, йўғон, қисқа бандли. Соябонлари ҳар хил, 25 нурли, соябончалари 15 гулли. Урама барглари йўқ, Мевалари ясси, эллипсимон ёки думалоқ-овалсимон, тукли. Март—апрел ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Қорақалпоғистонда тарқалган. Доривор ва смолали ўсимлик.

**Сассиқ коврак — *Ferula foetida* L.**

**54. ЧИЛОНЖИЙДАДОШЛАР — RHAMNACEAE**

**Туркум. Чилонжийда — *Ziziphus* Mill.**

**Унаби чилонжийда, челон — *Ziziphus jujuba* Mill.**

Бўйи 10 м гача бўлган дарахт. Пўстлоғи оч қўнғир. Барглари узунчоқ, тухумсимон, 2—3 см, қарама-қарши жойлашган, 3 томирли, устки қисми туксиз, ялтироқ, тўқ яшил. Гуллари икки жинсли, майда, сарғиш яшил, хушбўй, барг қўлтиқларида учтадан жойлашган. Қосача, тожбарглари ва чангчилари 5 тадан. Меваси — данак. Июл—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Республикамизда чўл, адир ва тоғларда тарқалган, озиқ-овқат, доривор ва манзарали ўсимлик сифатида ҳам ўстирилади.

## 55. ТОҚДОШЛАР — VITACEAE

Туркум. Ток, узум — *Vitis L.*

Ўзбекистонда мазкур оиланинг ток туркумига мансуб *Vitis vinifera L.*,— ток узум тури маданий ҳолда катта майдонларда ўстирилади. Токнинг бўйи 30 м гача етадиган, аслида ётиб ёки чирмашиб ўсувчи ўсимликдир. Барглари панжасимон, 3—5 бўлакли, узунлиги 5—20 см. Гуллари икки ёки бир жинсли. Меваси — резавор мева, ҳар хил шаклли, ширин нордон.

Узум республикамизнинг ҳамма вилоятларида экилади. Навлари жуда кўп. Шунингдек, Ўзбекистоннинг кўпгина тоғли минтақаларида табиий ҳолда учрайди.

## 56. ЖИЙДАДОШЛАР — ELAEAGNACEAE

Туркум. Жийда — *Elaeagnus L.*

Ўзбекистонда маданий ҳолда нон жийда — *Elaeagnus orientalis L.* анча кенг тарқалган. Бундан ташқари тўқайзорларда ёввойи ҳолда каптар жийда — *E. angustifolia L.* ҳам ўсади. Гуллари ниҳоятда хушбўй, лекин кўримсиз. Бу икки тур мева катта-кичиклиги, шакли, хўжаликдаги аҳамияти билан бир-биридан кескин фарқ қилади. Ёввойи жийданинг этли қисми яхши ривожланмаган, нон жийдада эса бу қисм яхши ривожланган. Ёввойи жийданинг меваси овалсимон бўлиб, 1 см дан сал узунроқ, нон жийда мевасининг узунлиги эса 1,5—3 см га етади. Бундан ташқари, нон жийданинг тожбаргларида битта, каптар жийданинг тожбаргларида эса учта томир бўлади.

## 57. РҲЯНДОШЛАР — RUBIACEAE

Туркумлар аниқлагичи.

1. Бир йиллик ўсимлик. 2  
— Кўп йиллик ўсимлик 3
2. Пояси ер бағирлаб ўсувчи ёки илашувчи, камдан-кам тик ўсувчи ўсимлик. Гуллари гулёнбаргсиз.

Қумриўт — *Galium L.*

- Пояси тик ўсувчи ўсимлик. Гуллари гулён барглари билан қопланган.



54- расм. Каптар жийда

### Каллипелтис — *Callipeltis* Stev.

3. Тожбарги пайсимон ёки қадаҳсимон, қайтоқиси тожбаргга тенг ёки ундан узунроқ. Меваси қуруқ, иккита тухумсимон мевачалардан ташкил топган.

### Қизилтомир, асперула — *Asperula* L.

- Тожбарглари юмалоқ қайтоқили ва қисқа пайли, яъни тожбарглари қайтоқисидан бир неча бор қисқа. Меваси ҳўл, резаворсимон.

### Рўян — *Rubia* L.

#### Туркум. Рўян — *Rubia* L.

1. Пояси ер бағирлаб ўсувчи, узунлиги 10—15 см бўлган ўсимлик. Мева бандчаси ёйсимон, пастга эгилган, меваси қўшалок, майда-бўртмали. Тожбарги оч пушти, диаметри 2,5—3 мм. Апрель — июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда ғалласимон экинлар орасида бегона ўт сифатида учрайди. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

### Чакамуғ қумриўт — *Galium tricornutum* Dandy.

- Пояси илашувчи, узунлиги 30—100 см келадиган ўсимлик. Мева бандчаси тик, меваси қўшалок, илмоқсимон тиканчалар билан зич қопланган. Тожбарги оқ, диаметри 1,5 мм, апрел — июл ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, тўқайларда, йўл ёқаларида, дарё ўзанларида, бегона ўт сифатида экинлар орасида учрайди. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

### Епишқоқ қумриўт — *Galium aparine* L.

Изоҳ: юқорида келтирилган турлардан ташқари адир ва тоғларнинг пастки қисмларида ёввойи ҳолда ўсувчи тури — помиролой қумриўти учрайди. Унинг пояси тик ўсувчи, баландлиги 20—40 см, хиёл 4 қиррали. Гуллари сариқ. Кўп йиллик ўсимлик. Май — август ойларида гуллаб, мева беради.



## Туркум. Қаллипелтис — *Callipeltis* Stev.

### Қалпоқчали каллипелтис — *Callipeltis cucularis* (Jusl.)

**Rothm.** Бир йиллик ўсимлик. Поясининг баландлиги 5—30 см. Барглари пояда ҳалқасимон (4 тадан) ўрнашган, чўзиқ тухумсимон. Косачабарглари билинмайди. Тожбарги 4 бўлакли, сарғиш, найчасиз. Чангчиси 4 та. Меваси қуруқ, чўзиқ-ёнғоқча, тукли. Май — июл ойларда гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, шағал тошли ёнбағирларда, ҳар хил тупроқларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

## Туркум. Асперула — *Asperula* L.

1. Барглари пояда ҳалқасимон (6 тадан) ўрнашган, ингичка, қалами, четлари қайрилган. Тожбарги сарғиш-оқ. Мевасининг узунлиги 1—2 мм, силлиқ. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси 20—100 см, оппоқ туклар билан қопланган. Июл — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, канал, ариқ бўйларида, боғларда бегона ўт сифатида учрайди. Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида тарқалган.


### Қизилтомир асперула — *Asperula humifusa* (Biev.) Bes.

— Барглари ҳалқасимон (6—8 тадан) ўрнашган, чўзиқ наштарсимон, ўткир дағал қирғоқли. Тожбарги оқ. Мевасининг узунлиги 2—3 мм. Майда бўртмали. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 50—120 см, қирралари тиканли. Июн — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, канал, ариқ бўйларида, боғларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Навоий, Фарғона вилоятларида тарқалган.

### Епишқоқ асперула — *Asperula aparine* Biev.

## Туркум. Рўян — *Rubia* L.

**Бўёқдор рўян — *Rubia tinctorum* L.** кўп йиллик ўсимлик. Поясининг баландлиги 50—100 см, илмоқсимон тиканчали. Пастки ва ўрта қисмидаги барглари ҳалқасимон (4—6 тадан), устки барглари эса 2 тадан жойлашган, шакли наштарсимон, четлари майда тиканчали. Гуллари майда, диаметри 1—1,5 мм, яшил-сарғиш рангли. Июнь — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, ариқ бўйларида, боғларда бегона ўт сифатида учрайди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.



55- расм. Қизил кендир

нинг қирғоқларида ўсади. Тошкент, Фарғона вилоятларида тарқалган.

## 58. КЕНДИРДОШЛАР — AROSYNACEAE

Ўзбекистонда кендирдошларнинг иккита туркуми бўлиб, шулардан энг аҳамиятлиси кендир — *Arosynum venetum* L. ҳисобланади.

**Қизил кендир, наштарбарг кендир — *Trachomitum lanicifolium* Russan.**

Кўп йиллик ўсимлик, бўйи 80—20 см келади. Барглари қисқа бандли, наштарсимон ёки чўзиқ тухумсимон, учли, узунлиги 3—7 см, эни 0,4—2 см. Тўпғули рўвак. Косачаси тукли, узунлиги 1,5—2 мм. Тож пушти. Чангчилари 5 та. Меваси—баргак, узунлиги 12—31 см. Уруғи жигарранг. Май—август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, тоғларда, ариқ бўйларида, тўқайларда, шўрхок ерларда, сойларнинг қирғоқларида ўсади. Тошкент, Фарғона вилоятларида тарқалган.

## 59. СУТПЕЧАҚДОШЛАР — ASCLEPIADACEAE

Туркумлар аниқлагичи

1. Пояси тик ўсувчи ўсимлик. Барглари тухумсимон ёки эллипсимон. Гуллари қизил.

**Туркум. Асклепиас — *Asclepias* L.**

- Пояси чирмашиб ўсувчи ўсимлик. Барглари юраксимон. Гуллари оқ ёки пушти.

**Туркум. Сутпечак — *Cynanchum*.**

**Туркум. Асклепиас — *Asclepias* L.**

**Сурия асклепиаси — *Asclepias syriaca* L.** кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 1—1,5 м. Баргларининг остки қисми тукли. Тожбарги 5 та, беш бўлмали, қизил. Чангчиси 5 та. Мевасининг

узунлиги 6—10 см, эни 1,5—2 см, тукли. Июн — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Боғларда, ариқ бўйларида бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Бухоро вилоятларида тарқалган.

### Туркум. Сутпечак — *Chynanchum* L.

Илон сутпечак — *Chynanchum sibiricum* wild., кўп йиллик илдизбачкили ўсимлик. Бўйи 50—100 см. Баргининг асоси чуқур, юраксимон. Тожбарги 5 та, пушти ёки оқ, қайтоқиси 6—9 мм. Мевасининг узунлиги 9—22 см, эни 5—8 мм. Уруғи ясси, учки қисми учмали. Июн — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, қумли дўнгликларда, тўқайзорларда, ариқ бўйларида, суғориладиган минтақаларда бегона ўт сифатида ўсади. Республикамининг ҳамма вилоятларида тарқалган.

## 60. ГАЗАҚҮТДОШЛАР — GENTIANACEAE

Газакўтдошларга барглари қарама-қарши ёки кетма-кет жойлашган кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар киради. Уларнинг гули 4—5 аъзоли, тожбарглари қўшилиб ўсган, қўнғироқсимон. Чангчилари тожбаргларининг ичида жойлашган. Тумшукчаси 2 та. Мевалари бир уйли, кўп уруғли кўсакча.

Газакўтдошларнинг характерли туркуми — газакўт *Gentiana* L. ҳисобланади. Бу туркум вакилларининг таъми аччиқ бўлади. Энг кўп тарқалган тури эрбаҳо газакўт — *Gentiana olivieri* grisev. дир.

Газакўт кўп йиллик, илдизпояли ўсимлик. Пояси туксиз, бўйи 10—30 (40) см. Барглари туксиз, яшил: ёпирма барглари тескари тухумсимон ёки чўзиқ — наштарсимон, поядаги барглари икки-уч жуфт, наштарсимон. Гуллари 1—3—6 тадан бўлиб, поянинг юқори қисмида соябонсимон тўпгулларда жойлашган. Гултожи қўнғироқсимон, кўк-бинафша, кўк, оч-кўк рангли. Меваси чўзиқ кўсакча. Уруғлари майда, қанотсиз. Май — июн ойларида уруғ беради. Адир ва тоғларда, чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Андижон вилоятларида тарқалган. Дори-вор ўсимлик.

## 61. ЗАЙТУНДОШЛАР — OLEACEAE

Туркум ва турлар аниқлагичи

- |   |   |
|---|---|
| 1. Барглари оддий   | 2 |
| — Барглари мураккаб, тоқ патсимон   | 3 |
| 2. Барглари катта, узунлиги 8—10 см, эни 3—5 см, япроғи кенг тухумсимон, асоси юраксимон. |   |



56-расм Эрбаҳо газакўт

Бўйи 3—6 м келадиган бута. Косачаси қўнғироқсимон, 4 тишли. Тожбарглари оқ, пушти, бинафша. Меваси силлиқ, чўзиқ кўсакча, узунлиги 1,5 см. Апрель ойида гуллаб, июн ойида уруғ беради. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган. Манзарали ўсимлик.

#### Оддий сирень, настарин — *Syringa vulgaris* L.

— Барглари нисбатан кичикроқ, узунлиги 3—4 см, эни 1—1,5, япроғи чўзиқ — наштарсимон. Баландлиги 2—5 м келадиган бута. Косачаси қўнғироқсимон. Тожбарги оқ. Меваси резавор, қора думалоқ ёки тескари тухумсимон, диаметри 8 мм га тенг. Май — июн ойларида гуллаб, август — сентябр ойларида мева беради. Экма ҳолда Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистонда тарқалган. Манзарали ўсимлик.

#### Оддий лигуструм — *Ligustrum vulgare* L.

3. Барг ва баргчаларининг банди тукли. Дарахт, бўйи 25—30 м. Шохлари қўнғир, ёш новдалари сертук. Барглари 5—9 баргчали, баргчалари наштарсимон. Косачаси қўнғироқсимон, 4 та баргчадан ташкил топган. Меваси қанотли. Март — апрел ойларида гуллаб, сентябр — октябр ойларида уруғ беради.

Тоғларда, ёнбағирларда ўсади. Экма ҳолда кам учрайди. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

#### Қора шумтол — *Fraxinus pensylvanica* Marsch.

— Барг ва баргчаларининг банди туксиз. Бўйи 20 м га етади. Шохлари кулранг-қўқ ёки сарғиш. Барги 1—7—11 баргчали, баргчалари кенг наштарсимон. Косачаси ва гултожиси йўқ. Меваси кенг, чўзиқ қанотли. Март — апрел ойларида гуллаб, сентябр — октябр ойларида уруғ беради. Тоғларнинг ёнбағирларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

#### Сурия шумтоли — *Fraxinis syriaca* Boiss.

### 62. ПЕЧАҚДОШЛАР — CONVULVULACEAE

Ўзбекистонда мазкур оиладан манзарали ўсимлик сифатида искандар карнайгули ўстирилади.

## Туркумлар аниқлагичи

1. Бир йиллик ўсимлик. Тожбаргининг найчаси оқ, қайтоқиси бинафша, кўк, пушти ранглarda.

### Карнайгул — *Ipomea L.*

- Кўп йиллик ўсимлик. Тожбаргининг қайтоқиси оқ, пушти, бинафша рангли.
2. Барглари майда, тангачасимон, чўзиқ ёки тухумсимон. Поясида асосидан сершоҳ.

### Кресса — *Cressa L.*

- Барглари йирик, чўзиқ — тухумсимон ёки наштарсимон. Пояси кам шохланган.
3. Косачабаргининг узунлиги 12—15 мм. Гулён барглари йирик, баргсимон, косачабаргининг асосида ўрнашган.

### Говпечак, архарўт — *Calystegia R. Br.*

- Косачабаргининг узунлиги 4—7 мм. Гулён баргсиз ўсимлик (бўлган тақдирда ҳам, жуда майда).

### Печак — *Convolvulus L.*

#### Туркум. Карнайгул — *Ipomea L.*

Искандар карнайгули — *Ipomea purpurea (L.) Roth.* бир йиллик ўсимлик. Пояси шохланган, узунлиги 2—4 м. Барглари кенг тухумсимон, бутун ёки баъзан шохларидаги барглари 3 бўлмали. Гуллари (1) 2—5 тадан бўлиб, барг қўлтиқларидан чиққан узун бандларда ўрнашган. Кўсакчаси шарсимон, диаметри 7—9 мм. Июнь — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Манзарали ўсимлик сифатида учрайди. Республикада кенг тарқалган.

#### Туркум. Кресса — *Cressa L.*

Кулранг кресса — *Cressa cretica L.* кўп йиллик, бўйи 10—20 см, тик ўсувчи ёки кўтарилиувчи, кулранг, сертук ўсимлик. Кўсакчаси тухумсимон, узунлиги 4 мм гача. Май — октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, шўрхок ерларда ўсади. Андижон, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

#### Туркум. Говпечак, архарўт — *Calystegia R. Br.*

Девор говпечак, архарўт — *Calystegia sepium (L.) R. Br.*

кўп йиллик ўсимлик. Пояси туксиз узунлиги 2—3 м. Барглари ноксимон, ўткир учли. Қосачаси беш бўлакли. Тожбарги оқ, узунлиги 4,5—5 см. Май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, адир ва тоғларда, тўқайзорларда, дарё, канал, ариқ бўйларида ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

### Туркум. Печак — *Convolvulus L.*

1. Пояси чирмашувчи, узунлиги 40—100 см. Барглари найзасимон ёки ёйсимон. Гуллари 1—2 тадан узун гулбандларда ўрнашган, оқ ёки оқимтир-пушти. Май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, адирда, суғориладиган ерларда бегона ўт сифатида кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида учрайди.



57- расм. Қўйпечак

### Қўйпечак — *Convolvulus arvensis L.*

- Пояси кўтарилувчи, узунлиги 30—100 см. Барглари чўзиқ, тухумсимон, бандсиз. Гуллари 2—5 тадан, ингичка шохларининг учида жойлашган. Тожбарги пушти. Июнь—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, суғориладиган майдонларда бегона ўт сифатида ўсади. Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

### Қирғийбарг печак — *Convolvulus pilosellifolius Desr.*

### 63. ЗАРПЕЧАҚДОШЛАР (ЧИРМОВУҚДОШЛАР — CUSCUTACEAE

Мазкур оилага қишлоқ хўжалигига катта зарар етказувчи, чирмовиқ деб аталувчи битта туркум киради. Ўзбекистонда чирмовиқларнинг 18 та тури тарқалган, лекин уларни бири-биридан фарқ қилиш қийин. Шунинг учун аниқлагичга энг кўп тарқалган 2 та тури киритилди.

1. Пояси ингичка, ипсимон, йўғонлиги 0,8 мм, сариқ ва тўқ сариқ. Устунчаси битта. Бир йиллик, баргсиз, паразит ҳаёт кечирувчи ўсимлик. Гуллари майда, 3—8 тадан бўлиб жой-

лашган. Тўпгули ясси (сохта соябон, сийрак қалқонсимон). Косачаси ярим, шарсимон, силлиқ. Тожи қўнғироқсимон. Қўсаги шарсимон. Уруғи майда, овал шаклли, қўнғир. Июл—сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳамма минтақаларида тарқалган. Жуда хавфли бегона ўт.

### Зарпечак, чирмовиқ — *Cuscuta campestris* Yuncker

— Пояси анча йўғон, канопга ўхшаш, йўғонлиги 2 мм, қизил-қўнғир. Устунчаси битта. Бир йиллик, баргсиз бегона ўт. Гуллари узун бошоқсимон тўпгулда йиғилган. Косачаси ярим шарсимон ёки овал шаклли. Тожи воронкасимон, косачасидан 2 марта узун. Қўсаги тухумсимон, узунлиги 5—6 мм, эни 4—4,5 мм, силлиқ, уруғи 3—4 та. Июл—сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Ўзбекистон бўйлаб тарқалган. Доривор ўсимлик.



58- расм. Девпечак.

Девпечак чирмовиқ — *Cuscuta lehmanniana* Bunge

## 64. КАМПИРЧОПОНДОШЛАР. ГАВЗАБОНДОШЛАР — BORAGINACEAE

### Турлар аниқлагичи

- |   |   |
|---|---|
| 1. Гуллар сариқ   | 2 |
| — Гуллари бошқа рангда                                    | 3 |
| 2. Қўп йиллик ўт. Пояси 1—3 та, сершоҳ, тукли, бўйи 20—60 |   |

см. Епирма барглари қалами, узунлиги 15 см га етади. Поядаги барглари бандсиз, узунлиги 5—10 см. Косачабарглари наштарсимон, дағал тукли, узунлиги 25 мм га етади. Тожи найсимон, узунлиги 30 мм, уруғи ялтироқ, доғли, узунлиги 4—6 мм. Апрель — август ойларида гуллаб уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида, юмшоқ тупроқли ҳамда чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

### Қўшгул меҳригиё — *Onosma dichroanthum* Boiss.

- Бир йиллик ўсимлик. Пояси тукли, бўйи 5—25 см. Барглари наштарсимон ёки қалами — наштарсимон, узунлиги 1,5—5 см. Тожи сариқ, узунлиги 10—15 мм. Чўл ва адирларда, чағир тошли ҳамда қумли ерларда, баъзан экинлар орасида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Урмаловчи арнебия — *Arnebia dicumbens* (Vent.) Coss. et kral.

3. Бир йиллик ўсимлик 4  
— Кўп йиллик ўт 6
4. Тожи оқ, пушти, сўлиганидан сўнг тўқ пушти ранга киради, узунлиги 13—14 мм. Бир йиллик ўсимлик, бўйи 10—30 см. Епирма барглари ва поянинг пастки қисмидаги барглар чўзиқ — наштарсимон, чети майда тишли, узунлиги 2—6 см, эни 3—10 см. Поянинг юқорисидаги барглари бандсиз. Косачаси қўнғироқсимон. Март — июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, бўз тупроқли, қумли ҳамда тошли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

### Каспий ноннеяси — *Nonnea caspica* (Wild.) G. Don.

- Тожи ўзгача рангда 5
5. Пояси бошқа ўт ва буталарга илашиб (чирмашиб) ўсади. Илгаксимон тиканчали бир йиллик ўсимлик, бўйи 10—40 см келади, пояси ёпишқоқ. Барглари сийрак тукли, панжасимон (чўзиқ), кетма-кет жойлашган. Гуллари гул олди баргларининг қўлтиқларида жойлашган, қисқа бандли. Косачаси дағал (тикансимон) тукли. Тожи бинафша ранг, ҳаво рангли. Апрель — июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир, тоғларда, ташландиқ ерларда экинлар орасида, деворлар тагида, боғларда, қояларда ўсади. Республикамининг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.



## Урмаловчи асперуга — *Asperugo procumbens* L.

- Пояси бошқа ўсимликларга илашмай ўсади. Бўйи 15—30 см келадиган бир йиллик ўсимлик. Барглари чўзиқ наштарсимон ёки қалами. Тожи оқиш ёки ҳаво ранг. Уруғи наштарсимон узунлиги 3 (4) мм. Апрель — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўлларда қумда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

## Мовигул лаппула — *Lappula semiglabra* (Lidev.) Guerke

6. Барглари дағал тукли, узунлиги 10—30 см, чўзиқ эллипсимон, наштарсимон ёки қалами. Гулбандлари нисбатан қисқа, 1—1,2 см. Кўп йиллик ўт. Пояси битта ёки бир нечта, дағал тукли, бўйи 40—100 см. Косачабарглари 5 та, қалами, бир-бири билан туташмаган, узунлиги 7—8 мм. Гултожи узун найчали, кўкимтир, ҳаво ранг. Тўпгули рўвак. Уруғи кул ранг, узунлиги 7 мм. Апрель — июл ойларида гуллаб, май — август ойларида уруғи беради. Адир ва тоғ этакларида, экин экилмайдиган ерларда, боғларда, экинлар орасида ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Доривор ўсимлик.

## Хўкизтил говзабон — *Anchusa italica* Retz.

- Барглари майин тукли, қисқа, узунлиги 3—8 см, тухумсимон ёки чўзиқ, наштарсимон, бандсиз. Гулбандлари узун, 1—2,5 см. Кўп йиллик ўт. Пояси бир нечта, майин тукли, бўйи 30—60 (100) см. Косачабарглари 5 та, чўзиқ наштарсимон. Бир-бири билан туташмаган, узунлиги 12—15 мм. Гултожи қисқа найчали, оқ, қайтоқиси оч ҳаво ранг. Тўпгули ёйиқ рўвак. Уруғи кулранг-қўнғир, узунлиги 6—8 (10) мм, эни 5—6 (7) мм. Май — ноябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, тошли ва чағир тошли ёнбағирларда, экинлар орасида ва бўз ерларда ўсади. Ўзбекистон бўйлаб тарқалган. Заҳарли ўт.



59- расм. Хўкизтил говзабон.

Оқтукли кампирчопон —  
*Trichodesma incanum* (Bunge) Dc.



60-расм. Оқтукли  
 кампирчопон

## 65. ТИЗИМГУЛДОШЛАР — VERBENACEAE

Туркум. Тизимгул — *Verbena* L.

Доривор тизимгул — *Verbena officinalis* L. кўп йиллик ўсимлик. Пояси 30—70 см, тик ўсувчи, пастки ва ўрта қисмидаги барглари патсимон қирқилган ёки патсимон бўлмали, устки қисмидаги барглари текис қиррали. Гуллари икки жинсли, чангчиси 4 та, уруғчиси 1 та. Тугунчаси устки. Апрель — октябр ойларида гуллаб, мева беради. Ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, боғларда бегона ўт сифатида учрайди. Республикамизда кенг тарқалган.

## 66. ЯЛПИЗДОШЛАР (ЛАБГУЛДОШЛАР) — LAMIACEAE

Мазкур оиланинг айрим вакиллари хушбўй ҳидли зирavor ва манзарали ўсимлик сифатида қадимдан экилиб келинади. Уларга райҳон *Ocimum basilicum* L., жамбил — *Saturea hortensis* L. киради. Маҳаллий аҳоли райҳонни ош райҳон, қора райҳон, сада райҳон каби хилларга ажратиб ўстиради.

Туркум ва турлар аниқлагичи

- |  |   |
|--|---|
| 1. Бир йиллик ўсимлик  | 2 |
| — Кўп йиллик ўт ёки ярим бута  | 4 |
| 2. Хушбўй ҳидли ўсимлик  | 3 |
| — Хушбўй ҳидга эга бўлмаган ўсимлик. Бир йиллик, бўйи 4—30 см. Барглари юмалоқ, панжасимон, бандли. Гуллари барг қўлтиғида доира ҳосил қилиб жойлашган. Тожи пушти. Уруғи тескари тухумсимон, уч қиррали, туксиз, қўнғир рангли. Апрель — май ойларида гуллаб, апрел — июн ойларида уруғ беради. Чўл ва адирларда ўсади. Баъзан бегона ўт сифатида учрайди. Ўзбекистонда кенг тарқалган. |   |

**Пушти ламиум — *Lamium amplexicaule* L.**

3. Гул олди барглари ромбсимон, учи ўткир — тикансимон. Чангчилари 4 та. Гули бинафша рангли. Барглари эллипс-симон ёки чўзиқ, учи тўмтоқ, бандли, устки томони туксиз, остки томони тукли. Гуллари йўғон бандчали. Тўпгули бо-шоқсимон. Бўйи 5—60 см келадиган бир йиллик ўсимлик. Косачаси тукли, тишчали. Тожи косачасидан бир оз узун. Уруғи чўзиқ, қалами, уч қиррали, туксиз. Апрель — июн ойларида гуллаб, май — июл ойларида уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Ройл маллачойи — *Lallemantia rayleana* Benth.**

- Гул олди барглари қалами, тикансимон. Чангчиси 2 та. Гул-лари очиқ бинафша рангли. Поядаги барглари асосан 2 жуфт, чўзиқ. Бўйи 5—30 см келадиган бир йиллик ўсимлик. Коса-часи тукли, тишли узунлиги 5—8 мм. Тожи косачасидан узун. Уруғи уч қиррали, чўзиқ, лентасимон. Май — июл ойларида гуллаб, июн — август ойларида уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда саз тупроқли ҳамда тошли ерларда ўсади. Ўзбекистон бўйлаб тарқалган. Эфир мойли ўсимлик.

**Нафис кийикўт, чўл ялпиз — *Ziziphora tenuior* L.**

4. Ярим бўта, бўйи 50—100 см. Барглар-и чўзиқ — наштарсимон, пастки қисми понасимон. Гуллари қисқа бандли, доира ҳосил қилиб жойлаш-ган. Тўпгули ёйиқ рўваксимон. Коса-часи бинафша рангли, узунлиги 12—13 мм, июн — июл ойларида гуллаб, июл — август ойларида уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида, шағал тош-ли жойларда ўсади. Тошкент, Фарғо-на, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Эфир мойли ўсимлик.

**Ингичка баргли хапри — *Perovskia angustifolia* Kudr.**

- Кўп йиллик ўт  
5. Ўткир ҳидли ўсимлик  
— Ҳидсиз ўсимлик  
6. Тожи икки лабли



5  
6  
10  
7 61-расм. Осиё ялпизи

— Тожи деярли тўғри, бир лабли, оч бинафша рангли, воронкасимон. Кўп йиллик ўт, бўйи 60—200 см, ўткир хушбўй ҳидли. Барглари наштарсимон ёки чўзиқ тукли. Гули бандли. Тўпгули бошоқсимон, баргсиз. Косачаси рангли, тукли, тишчали, узунлиги 2—2, 5—3 мм. Тожи оч бинафша рангли, узунлиги 3—4 мм. Июл — август ойларида гуллаб, июл — сентябр ойларида уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, сернам ерларда, ариқ, дарё ҳамда сой, булоқ бўйларида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Эфир мойли ўсимлик.

### Осиё ялпизи — *Mentha asiatica* Boriss.

7. Тожи йирик, узунлиги 25—30 мм. Кўп йиллик ўт, пояси тўрт қиррали, бўйи 50—100 см. Барглари йирик, тухумсимон, тукли, қарама-қарши жойлашган, бандли, гул олди барглари бандсиз. Гуллари оч пушти аралаш, бинафша рангли. Косачаси қиррали, тишчали, туклар билан қопланган, уруғи юмалоқ, оч қўнғир рангли. Июн — июл ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, ҳар хил шароитда ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.



62- расм. Zigirak marmarak

### Зигирак мармарак — *Salvia sclarea* L.

- Тожи майда, узунлиги 15 мм дан ошмайди. 8
- 8. Гуллари оқиш, пушти рангли 9
- Гуллари оч бинафша рангли. Хушбўй ҳидли кўп йиллик ўт. Пояси ингичка, бўйи 30—60 см. Барглари тухумсимон ёки чўзиқ. Гуллари деярли бандсиз. Тўпгули каллаксимон. Косачаси қўнғироқсимон, икки лабли. Тожи ҳам икки лабли. Чангчиси 4 та. Июл — сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда чағир тошли ҳамда бўз тупроқли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Эфир мойли, доривор ўсимлик.

**Майдагул тоғрайҳон —  
*Origanum tyttanthum* Gontsch.**

9. Лимон ҳидли кўп йиллик ўт, бўйи 30—40 см. Гуллари оқиш ёки пушти рангли. Барглари бандли, тухумсимон. Косачаси кўнғироқсимон, икки лабли. Тожи узун найли, икки лабли, чангчиси 4 та июл — август ойларида гуллаб, июл — сентябр ойларида уруғ беради. Адир ва тоғларда, дарахт ва тошлар соясида ўсади. Тошкент, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

**Доривор лимонўт —  
*Melissa officinalis* L.**

- Лимон ҳидига эга бўлмаган ўсимлик. Кўп йиллик, бўйи 20—50 см. Гуллари пушти рангли. Барглари кенг тухумсимон, бандига яқин қисми юраксимон, юқоридагилари деярли бандсиз. Тўпгули бошоқсимон. Косачаси найсимон, тишли. Тожи 2 лабли. Чангчилари 4 та. Май — июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Адирларда, чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Доривор ўсимлик.



63- расм. Доривор лимонўт

**Олга зүфоси — *Nepeta olgae* Regel**

10. Юлдузсимон туклар билан қалин қопланган кўп йиллик ўт, бўйи 30—50 см. Барглари кенг тухумсимон, ўткир учли, бандли. Гуллари хира бинафша рангли, бандсиз, асосан 2—6 тадан бўлиб юқorigи баргларининг қўлтиғида доира ҳосил қилиб ўрнашган. Тожбарглари косачасидан сал узун. Меваси учбурчак шаклли. Июл — август ойларида гуллаб, уруғ беради. Адирларда, бўз тупроқли ерларда ўсади. Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Ем-хашак ўсимлиги.

Дағал құзүкүлөк —  
*Phlomis thapsoides* Bunge



64- расм. Дағал құзүкүлөк

- Туксиз, ғадир-будур . ёки ўзгача тукли ўсимлик 11
11. Гуллари оқ, бандсиз, гул олди баргларининг құлтиғида доира ҳосил қилиб жойлашган. Барглари наштарсимон, патсимон бўлинган. Тожи деярли тўғри, қосачасидан калтароқ. Кўп йиллик ўт. Пояси йўғон, бўйи 30—80 см. Қосачаси қўнғироқсимон. Чангчиси 2 та. Май — сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўлда, экин майдонларида, боғларда, йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, сернам

ерларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

Оврўпо ликопуси — *Lycopus europaeus* L.

- Гуллари оч сариқ рангли, бандсиз, гул олди баргларининг құлтиғида доира ҳосил қилиб ғуж жойлашган. Епирма барглари патсимон бўлинган. Кўп йиллик сертук ўт, бўйи 10—40 см. Илдизи туғунаксимон. Қосачаси найсимон — қўнғироқсимон. Апрель — август ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда тошли ҳамда чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Жозибали фломоидес — *Phlomoides speciosa* (Rupr.) Adyl.  
R. Kam. et Machmedov.

67. ИТУЗУМДОШЛАР — SOLANACEAE

Мазкур оилга деҳқончиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат ўсимликлари: картошка — *Solanum tuberosum* L., помидор — *Lycopersicon esculentum* Mill., бақлажон — *Solanum melangena* L., гармдори, қалампир — *Capsicum annuum* L. ва заҳарли ўсимликлардан тамаки — *Nicotiana tabacum* L., мингдевона — *Hyoscyamus niger* L., бангидевона — *Datura stramonium* L. лар киради.

Туркум ва турлар аниқлагичи

- |   |   |
|---|---|
| 1. Бута ёки ярим бута                                   | 2 |
| — Бир ёки икки йиллик ўсимлик                           | 3 |
| 2. Тиканли ярим бута, бўйи 70—150 см. Барглари бандсиз, |   |

ингичка, қалами. Тожи узун, оқиш найли. Косачаси қўнғироқсимон. Меваси қора. Апрель — июл ойларида гуллаб, июн — август ойларида уруғ беради. Чўлда, тўқайларда, шўр ерларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Доривор ўсимлик.

#### Қора жинғил — *Lycium ruthenicum* Murr.

— Тикансиз бута, бўйи 5—10 см. Барглари бандли, кенг тухумсимон, четлари текис, эни 2,5—5 см. Тўпгули 10—25 гулли. Тожи бинафша рангли. Меваси (резавор меваси) қизил, юмалоқ, диаметри 6—8 мм. Июн — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда (тоғларда), тўқайларда, ариқ бўйларида, боғларда бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент ва Самарқанд вилоятларида тарқалган.

#### Пуштигул итузум — *Solanum depilatum* Kitagawa

3. Ёқимсиз ҳидли ўсимлик

— Ҳидсиз ўсимлик. Бир йиллик, бўйи 25—75 см. Барглари тўқ яшил рангли, серсув. Гуллари 3—8 тадан бўлиб жойлашган. Тўпгули шингилсимон. Тожи оқиш сариқ. Косачаси цилиндрсимон-қўнғироқсимон. Меваси қора, шарсимон. Июн — август ойларида гуллаб, уруғ беради. Боғларда, экинлар орасида ўсувчи бегона ўт. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Доривор ўсимлик.

#### Қора итузум — *Solanum nigrum* L.

4. Гуллари йирик, узунлиги 6—12 см, оқ, барг қўлтиғида биттадан жойлашган. Бир йиллик, бўйи 25—100 см. Барглари тухумсимон, кенг, косачаси беш қиррали. Қўсағи шарсимон, тикансимон ўсимталари бор. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Аҳоли яшайдиган жойларга яқин ерларда ўсади. Заҳарли ўсимлик.

#### Оддий бангидевона — *Datura stramonium* L.

— Гуллари нисбатан майда, узунлиги 3—3,5 см, хира қизил рангли, бандсиз. Икки йиллик ўт, бўйи 50—100 см. Ёпирма барглари чўзиқ тухумсимон ёки эллипссимон, бандли, поядагилари бандсиз, тухумсимон ёки наш-



65- расм. Қора итузум.



66- расм. Оддий бангидевона

тарсимон. Кўсаги тикансиз. Апрель — май ойларида гуллаб, май—август ойларида уруғ беради. Кенг тарқалган заҳарли ўсимлик.

Шайтонкоса мингдевона —  
*Hyosyamus niger* L.

## 68. СИГИРҚУЙРУҚДОШЛАР — SCROPHULARIACEAE

Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Гуллари икки лабли, тўқ қизил — бинафша рангли, узунлиги 16—22 мм. Кўп йиллик сершоҳ, серпоя ўсимлик, бўйи 25—40 см. Барглари яхши ривожланмаган, пасткилари қарама-қарши жойлашган, шингилли, 3—4 гулли. Кўсаги шарсимон, майда. Май—август ойларида гуллаб, уруғ

беради. Чўл, адир ва тоғларда кўпинча бегона ўт сифатида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Доривор ўсимлик.

Шарқ такасоқоли — *Dadartia orientalis* L.

- Гуллари икки лабли эмас, тўғри гулга ўхшаб кўринади
2. Бўйи 60—150 см га яқин. Икки йиллик. Епирма барглари йирик, япроқсимон, узунлиги 15—40 см, эни 3,5—1,2, қалин туклар билан қопланган. Гуллари 2—4 (7) тадан бўлиб жойлашган. Тўпгули узун, бошоқсимон. Тожи сариқ, тож-барглари 5 та. Кўсаги кенг тухумсимон, узунлиги 5—7,5 мм. Июл — сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ ёнбағирларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Доривор ўсимлик.

Жунғор сигирқуйруқ, маргимўҳ — *Verbasum songoricum* Schrenk

- Паст бўйли, кўп йиллик (бўйи 10—80 см) ва бир йиллик (бўйи 1—25 см) ўтлар. Барглари асосан қарама-қарши жойлашган. Гуллари қисқа найли, қайтоқиси тўрт бўлаккли. Чангчиси 2 та. Устунчиси 1 та. Кўсаги бўртган, икки уйли. Март — август ойларида гуллаб, уруғ беради. Вероника — *veronica* L. туркуми.



Изоҳ: Бу туркумга кирувчи турлар Ўзбекистонда бир текис тарқалмаганлиги ва уларни аниқлаш қийин бўлгани учун фақат туркум билан чекланилди.

## 69. ГУЛОБДОШЛАР — BIGNONIACEAE

Туркум. Катальпа —  
*Catalpa Scop.*

Бигониясимон катальпа — бўйи 10—12 м келадиган дарахт. Барглари бутун, йирик, юраксимон ёки кенг тухумсимон, ёқимсиз ҳидли. Тожбарги оқ, кўсагининг узунлиги 20—35—40 см, иккига ажралиб очилади. Июнь — август ойларида гуллаб, мева беради. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида манзарали дарахт сифатида ўстирилади.

## 70. ШУМҒИЯДОШЛАР — OROVANCHACEAE

Мазкур оиллага мансуб турларнинг хусусияти шундаки, улар бошқа бир ўсимликнинг илдизига ёпишиб паразит ҳолда ўсади. Шумғиядошларга 2 та туркум ва 22 та тур киради.



67- расм. Жунғор сигиркуйруқ (маргимўх)

### Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Асосан экма ўсимликларнинг (помидор, бақлажон, картошка) илдизларида паразитлик қилувчи, бўйи 40 см келадиган, тангачалар билан қопланган, тукли, бир йиллик ўсимлик. Тожбарги кўк бинафша ёки ҳаворанг. Косача кўнғироксимон, юққа. Тўпгули цилиндрсимон, кўп гулли, узунлиги 25 см гача. Чангчиси тож найига ёпишган. Кўсакчаси тухумсимон. Июль — сентябр ойларида гуллаб, август — сентябр ойларида уруғ беради. Чўл ва адирларда ўсади. Ўзбекистоннинг барча суғориладиган минтақаларида тарқалган. Бегона ўт.

**Миср шумғияси, шумғиёҳ — *Orovanche aegyptiaca Pers.***

- Ёввойи ўсимликлар илдизларида паразитлик қилувчи ўсимлик
2. Қумларда юлғун, қандим ўсимликлари илдизидан паразит-

лик қилувчи туксиз, кўп йиллик ўт, бўйи 50—100 (150) см. Тўпгули цилиндрсимон, узунлиги 12—18 мм. Тожбарги сариқ, узунлиги 30—40 мм. Чангчиси тожига ёпишган. Қўсаги йирик. Апрель ойида гуллаб, май—июн ойида уруғ беради. Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

**Сариқ илончўп — *Cistanche flava* (C. A. Mey.) Korsh.**

— Бошқа шароитдаги буюрғун, шувоқ ва шўраларнинг илди-  
зида паразитлик қилиб ўсувчи ўсимлик 3

3. Бўйи 15—40 см, ли, кўп йиллик ўсимликлар (буюрғун ва  
ва шўраклар) да паразитлик қилиб ўсувчи ўсимлик. Пояси  
тангачалар билан қопланган. Тўпгули цилиндрсимон, узун-  
лиги 8—20 (25) см. Косачаси найсимон-қўнғироқсимон. То-  
жи оқиш, узунлиги 25—35 мм. Чангчиси тожи билан тута-  
шиб кетган. Қўсаги тухумсимон. Апрель ойида гуллаб,  
май—июл ойларида уруғ беради. Чўлда, бўз, шўрланган



68- расм. Буюрғун илончўп

69- расм. Шувоқ шумғия

бўз тупроқли қумларда ва шўрхоқларда ўсади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида Қорақалпоғистонда тарқалган. Бегона ўт.

### Биюрғун илончўп — *Cistanche salsa* V. Beck.

— Бўйи 10—25 см келадиган шувоқларда паразитлик қилиб ўсувчи бир йиллик ўсимлик. Пояси сарғиш-қўнғир ёки қи-пиқчалар билан қопланган. Тўпгули цилиндрсимон, кўп гул-ли. Косачасининг узунлиги 3—10 мм. Тожи найсимон, тўқ ҳаворанг. Чангчилари тожининг пастки қисмига ёпишган. Кўсаги чўзиқ тухумсимон, туксиз. Май—июл ойларида гуллаб, июн—июл ойларида уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, шувоқларда паразитлик қилади. Ўзбекистон бўй-лаб тарқалган.

### Шувоқ шумғия — *Orobanche cernua* Loefl.

## 71. ЗУБТУРУМДОШЛАР — PLANTAGINACEAE

Зубтурумдошларга барглари параллел ва ёйсимон томирли ўтлар киради. Бу белгилари билан мазкур оила вакиллари бир паллали ўсимликларга ўхшайди. Лекин улар гулларининг 5 бўлаклиги ва бошоқсимон тўпгуллари билан улардан фарқ қилади. Ўзбекистонда зубтурумдошларнинг битта туркумга мансуб 6 та тури ўсади.

### Турлар аниқлагичи

1. Барглари наштарсимон ёки чўзиқ, ўткир учли, узунлиги 4—20 см, эни 0,4—3,5 см. Пояси тукли, қиррали. Кўп йиллик ўт, бўйи 10—70 см. Гулли пояси 2 тадан 20 тагача бўлади. Бошоғи кўп гулли цилиндрсимон, тухумси-мон ёки каллакча шаклида. Косача-барглари пардасимон. Тожи оч-қўнғир рангли. Кўсаги чўзиқ, икки уяли. Июнь—сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, ариқ бўйларида, булоқлар яқинида, йўл ёқаларида, боғларда, ён-бағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Доривор ўсимлик.



70-расм. Баргизуб зуб-  
турум (бақаяпроқ)

## Наштарбарг — зубтурум, илонтили — *Plantago lanceolata* L.

— Барглари кенг тухумсимон ёки эллипссимон, узунлиги 20—25 см, эни 1,5—14 см, пояси туксиз. Кўп йиллик ўт, бўйи 5—60 (70) см. Гулли пояси битта. Бошоғи ингичка, цилиндрсимон. Тожи оч-қўнғир рангли. Кўсаги тухумсимон ёки кенг наштарсимон. Май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, булоқлар яқинида, боғларда ва сернам ерларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Доривор ўсимлик.

## Баргизуб зубтурум, бақаяпроқ — *Plantago major* L.

### 72. ҚОҚИДОШЛАР (МУРАКҚАБГУЛДОШЛАР)— ASTERACEAE

Қоқидошлар гулли ўсимликларнинг ер шарида ҳам, Ўзбекистонда ҳам энг кўп тарқалган, турларга бой оилалардан бири ҳисобланади. Бу оиланинг вакиллари ўзига хос саватсимон тўпгул ҳосил қилиши билан характерланади. Мазкур оиланинг вакиллари маданий ҳолда экиладиган ўсимликлардир. Улар жумласига кунгабоқар — *Helianthus annuus* L., топинамбур, ерноқ — *Helianthus tuberosus* L., картошкагул — *Dahlia pinnata* Cav., қўқонгул — *Zinnia elegans* Jacq., махсар — *Carthamus tinctorius* L., рудбекия, нашагул — *Rudeckia hirta* L., бахмалгул — *Tagetes patula* L., гули давид, давидгул — *Chrysanthemum corinarium* L. кабилар киреди.

#### Туркумлар аниқлагичи

- |   |    |
|---|----|
| 1. Бир ва икки йиллик ўсимликлар  | 2  |
| — Кўп йиллик ва чала бута ўсимликлар  | 23 |
| 2. Бир йиллик ўсимликлар  | 3  |
| — Икки йиллик ўсимликлар  | 20 |
| 3. Уруғи попукчасиз   | 4  |
| — Уруғи попукчали   | 9  |
| 4. Уруғи тиканакли  | 5  |
| — Уруғи тиканаксиз  | 7  |
| 5. Битта ўсимликдаги тўпгули ҳар хил. Чангчили гуллари кўп, шохларининг учиди шарсимон саватчаларда зич жойлашган, уруғчили гуллари эса 2 тадан бўлиб, барг қўлтиқларида жойлашган, илмоқсимон тиканчаси қўшилиб ўсган ўрама барглар билан қопланган. |    |

#### Қўйтикан — *Xanthium* L.

— Ўсимликдаги тўпгулларнинг ҳаммаси деярли бир хил 6

6. Барглари қарама-қарши жойлашган, эни 1—4 см, 3 бўлак-ли ёки қирқилган, баъзан бутун.

**Қорақиз — *Bidens L.***

- Барглари кетма-кет жойлашган, эни 3 мм гача, қалами, ип-симон, уч томирли, илдиз бўғзидагилари бандли, поясидаги-лари бандсиз.

**Қўшоёқ — *Koelpinia Pall.***

7. Тилсимон гуллари оқ

**Мойчечак — *Matricaria L.***

- Тилсимон гуллари сариқ

8

8. Пистачаси тукли, цилиндрик

**Ёпишқоқ — *Senecio L.***

- Пистачаси силлиқ (туксиз), ялтироқ, 4 қиррали

**Махсар — *Carthamus L.***

9. Пистачаси 1—3—4—5 ёки кўп қиррали ёки қовурғали 10  
— Пистачаси силлиқ ёки безли, қиррасиз ва қовурғасиз 15  
10. Гуллари ҳаворанг. Пистачаси 1 та, қовурғали.

**Сутчўп — *Lactuca L.***

- Гуллари сариқ. Пистачаси 3—4—5 ёки кўп қиррали ёки қовурғали 11  
11. Пистачаси икки томонидан 3 қовурғали

**Бўзтикан — *Sonchus L.***

- Пистачаси 4—5 қиррали ёки кўп қиррали ёки қовурғали 12  
12. Илдиз бўғзидаги барглари бутун ёки тишсимон (баъзан патсимон қирқилган) 13  
— Илдиз бўғзидаги барглари патсимон қирқилган 14  
13. Пояси патсимон, тукли (кейинчалик туксизланади). Илдиз бўғзидаги барглари наштарсимон, қалами ёки чўзиқ ту-хумсимон. Пистачасининг ўрта қисмида ёки учида қадоғи бор.

**Эпилазия — *Epilasia Benth. et Hook.***

- Пояси туксиз, асосидан айрисимон шохланган. Илдиз бўғ-

зидаги барглари тескари тухумсимон, чўзиқ, тишсимон ёки патсимон қирқилган. Пистачаси тумшуқчали.

### Хетерация — *Heteracia* Fisch. et Mey.

14. Ташқи ўрама барглари майда, билинмайдиган, ичкилари эса тиканчали ёки силлиқ, мева олдидагиси қайиқчасимон эгилиб йўғонлашган.

### Гарадиолус — *Garhadiolus* J. et Sp.

- Ташқи ўрама барглари тухумсимон-учбурчак, ўткир учли, узунлиги 1,5—2 мм, ичкилари эса қалами-наштарсимон, узунлиги 10 мм, мева ҳосил қилган пайтида ён томони бир оз тухумсимон, четлари ингичка пардасимон.

### Хетероидес — *Heteroides* Boiss.

15. Попукчаси пистачасидан қисқа 16  
— Попукчаси пистачасидан узун 17  
16. Пояси йўл-йўл чизиқли, пояга ёпишган майин туклар билан қопланган. Четки гуллари қадахсимон, чангчили, ўртадаги гуллари найсимон, икки жинсли.

### Амбербоа — *Amberboa* Less.

- Пояси цилиндрик, сертук, туклари оқимтир, хушбўй ҳидли ўсимлик. Четки гуллари тилсимон, уруғчили, ўртадаги гуллари найсимон, икки жинсли, 5 тишли.

### Гулбанд — *Pulicaria* Goerth.

17. Туксиз, силлиқ ўсимлик. Пистачаси сийрак тукли, попукчасидан 2—5 марта қисқа. Тилсимон гуллари ҳаворанг-оч пушти, ўртадаги гуллари сариқ.

### Триполиум — *Tripolium* Nees.

- Сертук ўсимлик 18  
18. Қизғиш шохчаси ингичка майин тукли ўсимлик. Пистачаси 5 та, оқ туклари пистачасидан 3—4 баробар узун.

### Пентанема — *Pentanema* (Cass.)

- Белгилари ўзгача бўлган ўсимлик 19  
19. Четки ва ўртадаги гуллари найсимон. Попукчаси тишсимон тукли, пистачасидан 4—5 баробар узун.

### Филаго — *Filago* L.

Четки гуллари қадаҳсимон, ичкилари найсимон. Попукчаси пистачасидан 1—1,5 баробар узун ёки тенг.

### Бўтакўз — *Centaurea* L.

20. Урама барглари бир қават, асоси қўшилиб ўсган. Пояси туксиз, чизиқли-жўякли.

### Эчкисоқол — *Tragopogon* L.

— Урама барглари кўп қаватли 21  
21. Тиканли ўсимлик. Урама барглари тиканли. Пистачаси туксиз.

### Кузиния — *Cousinia* Cass.

— Тикансиз ўсимлик. Урама барглари тикансиз. Пистачаси тукли 22  
22. Тўпгули рўваксимон ёки шингилсимон. Пистачаси ясси. Попукчаси бир-икки қатор бўлиб жойлашган.

### Эригерон — *Erigeron* L.

— Тўпгули қалқонсимон. Пистачаси цилиндрик, сал билинадиган узунчоқ кўп қовурғали. Попукчаси бир қатор жойлашган.

### Андиз — *Inula*

23. Гуллари сариқ 24  
— Гуллари ҳаворанг, бинафша, пушти 34  
24. Чала бута ёки чала бутача (поясининг пастки қисми ёғочланган) 25  
— Кўп йиллик ўсимлик 26  
25. Шохлари бир оз тиканли, сут ширали ўсимлик. Пастки барглари тез тушиб кетувчан, наштарсимон, патсимон қирқилган, усткилари эса бутун ёки ўйилган.

### Сутчўп — *Lactuca* L.

— Шохлари тикансиз ва сут ширасиз ўсимлик. Барглари пўпанаксимон, қалин туклар билан қопланган, поянинг пасткида жойлашганлари ва мевасиз шохларидагилари ёзда сўлиб қолади, япроғи овал ёки юмалоқ, қўш патсимон қирқилган, ўрта қисмидаги барглари қисқа бандли ёки бандсиз, майда бир-икки марта патсимон қирқилган.

## Шувоқ — *Artemisia L.*

26. Поясиз ўсимлик, барглари илдиз бўғзида ёпирма бўлиб жойлашган, қирқилган.

### Қоқи — *Taraxacum L. ex Wigg.*

- Пояси яхши тараққий этган ўсимлик 27  
27. Пояси қовурғали ёки жўякли ўсимлик 28  
— Пояси қовурғасиз ва жўяксиз ўсимлик 32  
28. Пояси қовурғали ўсимлик 29  
— Пояси жўякли ўсимлик 31  
29. Саватчалари тор шингилсимон, рўваксимон тўпгулда ўр-  
нашган. Пистачаси призмасимон, 5—6 қовурғали. Попук-  
часи қисқа, қийшиқ қирқилган тишчалар шаклида.

### Зарқулоқ — *Lepidolepsis P. Pol.*

- Саватчалари қалқонсимон тўпгулда зич жойлашган 30  
30. Илдизпояли ўсимлик. Пистачаси понасимон, бир оз эгил-  
ган, ён томони силлиқ, ички томонидан 4—5 қовурғали.  
Попукчаси жуда қисқа, пардасимон қирқилган қоплама  
шаклида.

### Дастарбош — *Tanacetm L.*

- Илдизпоясиз ўсимлик. Пистачаси ингичка, цилиндрик, ил-  
моқсимон эгилган, ён томонидан бўртмали, безли, ички то-  
монидан силлиқ. Попукчасиз.

### Сохтаханделия — *Pseudochandelia Tzvel.*

31. Саватчаси икки жинсли, найсимон гулли. Тожбарги беш  
тишчали. Пистачаси кулранг. Попукчаси қисқа, пардаси-  
мон, тишсимон қопламали. Илдиз бўғзидаги ёпирма барг-  
лари узун, бандли, оқимтир тукли, поясидагилари бандсиз,  
патсимон қирқилган, асоси қулоқсимон пояни ўраб олувчи,  
кўриниши наштарсимон, кўп марта патсимон қирқилган,  
қалами — ипсимон шаклда.

### Ханделия — *Handelia Hiemerl.*

- Саватчасининг атрофидаги гуллари икки хил: тилсимон  
уруғчали гулларининг қайтоқиси 3 бўлакли, ўртадаги гул-  
лари эса икки жинсли, найсимон, қайтоқиси 5 тишчали.  
Пистачаси кулранг-қора, попуқчасиз. Илдиз бўғзидаги  
барглари бандли, тукли, поясидаги барглари эса бандсиз,  
асоси қулоқчасиз, кўриниши чўзиқ ёки қалами — наштар-  
симон, 1 ёки 2 марта патсимон қирқилган.



### Бўйимодарон — *Achillea* L.

32. Гуллари сариқ, ўрама баргларидан 1,5 марта узун. Илдиз бўғзидаги барглари ёпирма, кенг қалами ўйилган.

### Микрорринхус — *Microrrhynchus* Juss.

- Гуллари зарғалдоқ ёки сарғиш-зарғалдоқ 33
33. Гуллари зарғалдоқ. Барглари бутун, тукли, илдиз бўғзидагилари узунчоқ тескари-тухумсимон ёки узунчоқ наштарсимон, асоси ингичкалашиб бандга айланган. Поясидаги барглари бандли, наштарсимон-қалами ёки қалами, учи юқорига қараб кўтарилган.

### Ўлмасўт — *Helichrysum* Gaerth.

- Гуллари зарғалдоқ-сариқ. Барглари ҳидли, четлари билинар-билимас ўйиқли, тишсимон, нуқтасимон безли, баъзан жуда сертук, илдиз бўғзидагилари кенг эллипссимон, ўткир учли. Поясидагилари бандсиз, асоси юраксимон, пояни ўраб олган.

### Андиз — *Inula* L.

34. Гуллари ҳаворанг, ўрама баргларидан 3 марта узун. Пояси туксиз. Илдиз бўғзидаги барглари тескари-тухумсимон, узунчоқ, патсимон ўйилган.

### Сачратқи — *Cichorium* L.

- Гуллари пушти, пушти оч бинафша, бинафша, ҳаворанг, четидаги гуллари эса сариқ. 35
35. Тиканли ўсимлик. Барглари ва ўрама баргларининг учки қисми тиканчали. Барглари этли, яшил, наштарсимон ёки узунчоқ-наштарсимон, бандсиз. Тожбарги пушти. Пояси йўл-йўл жўякли.

### Латтатикан — *Cirsium* Adans

- Тикансиз ўсимлик 36
36. Сут ширали ўсимлик. Гуллари бинафша, ўрама барглардан ташқарига чиқиб туради. Пояси туксиз, жўякли, тик ўсувчи.

### Сутчўп — *Lactuca* L.

- Сут ширасиз ўсимлик. Гуллари ўзгача рангда 37
37. Четки гуллари тилсимон ёки қадаҳсимон 38
- Ҳамма гуллари найсимон 39

38. Гуллари пушти. Пояси қовурғали. Барглари майда, яшил, 2 томони ҳам безлар билан қопланган.

### Какра — *Centaurea L.*

- Тилсимон гуллари ҳаворанг, оч бинафша, четларидаги эса сариқ. Пояси қовурғасиз Барглари кулранг ёки яшил, наштарсимон ёки қалами-наштарсимон, узунлиги 1,5—6,5 см, эни 1—3 см.

### Тугмагул — *Heteropappus Less.*

39. Пояси туксиз. Барглари бутун, чети текис бандсиз, узунчоқ, пояни ярим ўраб олувчи. Гуллари пушти, оч бинафша.

### Оқбош — *Karelinia Less.*

- Пояси пўпанаксимон, тукли. Барглари этли, кулранг-яшил, 2 томони ҳам пўпанаксимон (кўпроқ остки қисми) тукли, гуллари пушти.

### Талх — *Acroptilon Cass.*

### Туркум. Тугмагул — *Heteropappus Less.*

Тукли тугмагул — *Heteropappus canescens (Ness.) Novopokr.* Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 10—60 см. Май — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, тошли, шағалли ёнбағирларда, йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, даладарда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Туркум. Триполиум — *Tripolium Ness.*

Оддий триполиум — *Tripolium vulgare Ness* Бир йиллик, бўйи 20—50 см ли, тик ўсувчи, шохланган ўсимлик. Барглари этли, туксиз, бутун, четлари киприкли, узунлиги 4—12 см, эни 3—10 мм, асоси ингичкалашиб бандга айланади, усткилари бандсиз, қалами — наштарсимон. Июнь — октябр ойларида гуллаб мева беради. Чўлда, шўрхок ерларда, ботқоқлашган жойларда, экинлар орасида бегона ўт сифатида, ариқ бўйларида, тўқайзорларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Туркум. Эригерон — *Erigeron L.*

1. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 25—120 см. Тўпгули рўваксимон. Гуллари оч-сарғиш. Попукчаси бир қатор. Барглари наштарсимон ёки қалами — наштарсимон, икки томони сийрак дағал тукли ёки фақат томирлари ва четлари тукли.

Май — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, лалмикорликда, суғориладиган майдонларда бегона ўт сифатида, ариқ, канал бўйларида, тўқайзорларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

#### Канада эригерони — *Erigeron canadensis* L.

— Икки йиллик ўсимлик. Бўйи 30—70 см. Тўпгули қалқон, рў-ваксимон ёки шингилсимон. Гуллари оч сариқ, гуллагандан сўнг қизаради. Попукчаси икки қатор. Барглари қалами, ўткир учли, текис қирғоқли, икки томони дағал туклар ва безлар билан қопланган. Июнь — август ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, майда чағир тошли ва тошли ёнбағирларда ўсади. Хоразм ва Қорақалпоғистондан ташқари ҳамма вилоятларда тарқалган.

#### Хуросон эригерони — *Erigeron khorossanicus* Boiss.

Туркум. Карелиния — *Karelinia* Less.

Қамоқ оқбош — *Karelinia caspica* (Pall.) Less. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси 50—100 см, йўғон, шохланган. Саватчаси цилиндрик, эни 4—8 мм, узунлиги 10—15 мм, кўп гулли, қалқонсимон тўпгулда ўрнашган. Пистачаси понасимон, эгилган, қизғиш. Попукчаси пистачасидан қарийб 10 баробар узун. Июнь — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, тўқайзорларда, янги ўзлаштирилган ерларда бегона ўт сифатида ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

#### Туркум. Филаго — *Filago* L.

Дала филаго — *Filago arvensis* L. Бир йиллик ўсимлик. Пояси 10—40 см, оқимтир ёки кулранг тукли, тик ўсувчи. Барглари қалами — наштарсимон ёки қалами, текис қиррали. Саватчаси майда, узунлиги 4—6 мм, эни 2—4 мм, 2—6 тадан устки баргларининг қўлтигида ва шохларининг учида бошоқсимон тўпгулларда ўрнашган. Апрель — июн ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, тошли ва шағалли ёнбағирларда ўсади. Андижон, Наманган, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилоятларида тарқалган.

#### Туркум. Ўлмасўти — *Helychrysum* Goerth.

Самарқанд ўлмасўти — *Helychrysum maracandicum* M. Pop. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси бир нечта, бўйи 35—70 см, шохланган. Саватчаси ярим шарсимон ёки шарсимон, диаметри 8—10 мм. Пистачаси узунчоқ. Июнь — август ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, тошлоқ, шағалли, юмшоқ туп-

роқли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

### Туркум. Андиз — *Inula* L.

1. Икки йиллик ўсимлик, бўйи 80 см гача. Барги текис қиррали, пасткилари энсиз узунчоқ, асоси ингичкалашиб борган, усткилари бандсиз, пояни ярим ўраб олувчи, асоси юраксимон эмас. Попукчаси оқ, қисқа патсимон тукли, пистачасидан 5 баробар узун. Июн — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, сернам шўрхоқларда, шўрланган ўтлоқларда, кўл, дарё, ариқ бўйларида, экинлар орасида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Каспий андизи — *Inula caspica* Blume

- Кўп йиллик ўсимлик, бўйи 50—120 см. Барглари чети биллиқ биллиқ бўлиб ўйиқли, тишсимон, илдиз бўғзидагилари кенг эллипсимон, ўткир учли, узунлиги 70 см гача, эни



71-расм. Сарик андиз

20—30 см. Поядагилари бандсиз, пояни ўраб олади, асоси юраксимон. Попукчаси сарғиш рангли, қисқа патсимон тукли, пистачасидан 2—3 баробар узун. Май — август ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, юмшоқ ёнбағирларда ўсади. Бухоро, Хоразм вилоятларидан ташқари ҳамма вилоятларда тарқалган.

### Сариқ андиз — *Inula grandis* Schrenk

#### Туркум. Пентанема — *Pentanema* Coss.

Хурпайган пентанема — *Pentanema divaricatum* Less. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 5—20 см: Барглари узунчоқ, тухумсимон, текис қиррали, бандсиз. Уруғчили гуллари сариқ. Апрель — июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, бўз тупроқларда, гипсли тошлоқ ёнбағирларда бегона ўт сифатида учрайди. Бухоро, Самарқанд, Навоий, Хоразм, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

#### Туркум. Гулбанд — *Pulicaria* Gaerth.

Бурга гулбанд — *Pulicaria gnaphalodes* (Vent.) Boiss. Бир йиллик ўсимлик, бўйи 30—40 см, асосидан шохланган. Пастки барглари узунчоқ, четлари тўлқинсимон ёки бир оз тишсимон, узунлиги 10—20 см, усткилари узунчоқ — наштарсимон, қулоқчали, бандсиз, жингалак, тукли, узунлиги 5—9 мм. Июн — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, тошли ва чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Бухоро, Навоий, Хоразм, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

#### Туркум. Қўйтикан — *Xanthium* L.

Ғўза қўйтикан — *Xanthium strumarium* L. Бир йиллик, бўйи 20—90 (100) см, кулранг-яшил, дағал тукли. Барглари юмалоқ-ччурчак шаклли ёки тухумсимон, четлари қўш тишли, баъзан 3—7 бўлакли, сал юраксимон, узунлиги 4—12 см. Июн — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, ариқ бўйларида, аҳоли яшайдиган жойларга яқин ерларда, йўл ёқаларида, ташландиқ ерларда, экинлар орасида бегона ўт сифатида ўсади.

#### Туркум. Қорақиз — *Bidens* L.

Учбўлак қорақиз — *Bidens tripartita* L. Бир йиллик, бўйи 20—80 см, тик ўсувчи, шохланган. Саватчаси якки-якка ёки 2—3 тадан поя ва шохларининг учларида жойлашган. Гуллари

сарғиш. Пистачаси кулранг-қўнғир, узунчоқ, 2—3 қовурғали, тиканли, тиканчалар пастга қараб эгилган. Июнь — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, сернам ерларда, ариқ, канал, дарё бўйларида, йўл ёқаларида, шолিপоялар атрофида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Туркум. Бўйимодарон — *Achillea* L.

1. Тилсимон гуллари оқ, бинафша ёки тўқ қизил рангли. Кўп йиллик, илдизпояли ўсимлик, бўйи 30—50 см, тик ўсувчи, бир оз жўякли, чигаллашган узун туклар билан қопланган. Июнь — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғ ёнбағирларида, боғларда, йўл ёқаларида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида тарқалган.

### Бошоғриқ бўйимодарон — *Achillea millefolium* L.



72- расм. Бошоғриқ бўйимодарон.

- Тилсимон ва саватчанинг ўртасидаги гуллари сариқ 2
- 2. Барглари кенг, узунчоқ — наштарсимон, патсимон бўлакли, бўлмалари йирик, тишсимон қирқилган. Кўп йиллик илдизпояли ўсимлик. Пояси 60—75 см, жўякли, қиррали, узун туклар билан қопланган. Тилсимон гуллари 1—3(4) тадан. Апрель — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, турли экологик шароитларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

### Дастарбош бўйимодарон — *Achillea filipendulina* Lam.

- Барглари қалами — наштарсимон, оддий ёки икки марта патсимон қирқилган. Кўп йиллик илдизпояли ўсимлик. Пояси 20—40 см, жўякли, қиррали, сертук. Тилсимон гуллари 4—5 (6) тадан. Май — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, қуруқ майда заррачали ёнбағирларда, дарё ўзанлари ва воҳаларида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Жиззах вилоятларида тарқалган.

### Биберштейн бўйимодарони — *Achillea niebersteinii* C. Afan.

### Туркум. Ханделия — *Handelia* Heimerl.

**Сергук ханделия**—*Handelia trichophylla* (Schrenk) Heilmerl. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси 70—100 см, йўғон, пастки қисми қалин оқ туклар билан қопланган, устки қисми туксиз. Май — август ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, бўз тупроқли, майда заррачали ва тошлоқ ёнбағирларда, дарё ўзанларида ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

#### **Туркум. Мойчечак — *Matricaria* L.**

**Читтигул мойчечак** — *Matricaria recutita* L. Бир йиллик ўсимлик. Пояси 14—40 см, 1 та ёки кўп, туксиз, учки қисми шохланган, тик ўсувчи. Барглари оч-яшил, қўш патсимон қирқилган. Саватчаси якка-якка, ўртадаги гуллари сариқ. Июн — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, воҳаларда, ариқ, канал бўйларида ўсади. Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Фарғона вилоятларида тарқалган.

#### **Туркум. Дастарбош — *Tanacetum* L.**

**Тоғ дастарбош** — *Tanacetum pseudoachillea* C. Winkl. Кўп йиллик ўсимлик, Пояси 50—100 см, тик ўсувчи, устки қисми қалқонсимон шохланган. Барглари узун, тукли, икки марта патсимон қирқилган, поясининг пастки ва ўрта қисмидаги барглари узун, бандли, усткилари эса бандсиз. Июн — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, дарё бўйларида, соя жойларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

#### **Туркум. Зарқулоқ — *Lepidolopsis* P. Pol.**

**Туркистон зарқулоғи** — *Lepidolopsis turkestanica* (Regel et Schmalh.) Poljak. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси 60—80 см, бир нечта. Барглари кулранг-яшил, майин тукли, узунчоқ-наштарсимон ёки қалами-наштарсимон, 3 марта патсимон қирқилган. Июн — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, соз тупроқларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

#### **Туркум. Сохтаханделия — *Pseudohandelia* Tzvel.**

**Соябонгулли сохтаханделия** — *Pseudohandelia umbelliferae* (Boiss.) Tzvel. Кўп йиллик ўсимлик. Илдизи йўғон, тик, илдиз бўғизи йўғонлашган, диаметри 2—3 см. Пояси бир оз тик ўсувчи, бўйи 40—80 см. Барглари оқимтир тукли, узунчоқ-наштарсимон. Тўпгули қалқонсимон диаметри 4—8 см. Апрель — июн ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, соз ёнбағирларда ўсади. Хоразм ва Қорақалпоғистондан ташқари ҳамма вилоятларда тарқалган.

## Туркум. Шувоқ — *Artemisia L.*

1. Чала бута. Пояси 20—50 см, ёғочланувчи, сершоҳ. Тўпгули сийрак рўвак. Урама барглари 4—7 қатор, гуллари сариқ, кейинчалик қизаради. Сентябр — ноябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, қумли, кулранг-қўнғир тупроқларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

## Ёвшан шувоқ — *Artemisia diffusa H. Krasch.*

- Кўп йиллик ўт ўсимлик 2
2. Саватчаси кўпгулли, гетерогам, яъни ҳар хил: четкилари бир жинсли, ўртадагилари эса икки жинсли. Саватчаси узунчоқ-овал, узунлиги 3—5 мм, эни 2—4 мм. Кўп йиллик ўсимлик. Поясининг бўйи 1,5 м га боради, тик ўсувчи, қовурғали, яшил ёки пушти, баъзан бинафша рангли. Тўпгули — шохланган рўвак. Июл — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, ғалла ва сабзавот экинлари орасида, боғларда, ариқ, канал бўйларида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

## Оддий шувоқ — *Artemisia vulgaris L.*

- Саватчаси 3—8 (12) гулли, ҳамма гуллари бир хил, икки жинсли 3
3. Кулранг ўсимлик ёки кулранг туқлар билан қопланган. Поясидаги баргларининг охириги бўлмалари ясси, кўпинча кенг қалами. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси 100 см гача. Урама барглари 3—4 қаторли. Сентябр — октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, соз тупроқларда, соз-чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

## Оқ шувоқ — *Artemisia ferganensis H. Krasch.*

- Яшил ёки оқимтир рангли ўсимлик пояси эрта туксизланади. Поясидаги баргларининг охириги бўлмалари ингичка қалами ёки қалами-наштарсимон. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 40—80 см.



73- расм. Оддий шувоқ



Урама барглари 4—5 қатор. Сентябрь — октябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, бўз тупроқли, баъзан кам шўрланган ерларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Кечки шувоқ — *Artemisia serotina* Bunge

Изоҳ: Бу туркумга республикамизда кенг тарқалган 5 та бир йиллик турлар ҳам киради. Бироқ аниқлагичнинг ҳажми чегараланганлиги сабабли уларни кирита олмадик.

### Туркум. Ёпишқоқ — *Senecio* L.

**Сариқ бош ёпишқоқ** — *Senecio subdentatus* Ledeb. Бир йиллик, тик ўсувчи, бўйи 5—20 см, асосидан ёки ўрта қисмидан шохланган, туксиз ёки сийрак тукли ўсимлик. Барглари яшил, пасткилари қисқа бандли, қолганлари бандсиз, пояни ярим ўраб олувчи, узунчоқ ёки наштарсимон. Тўпгули қалқонсимон. Май — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, қумли ерларда, тошли ёнбағирларда, баъзан бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади.

### Туркум. Каррак. Кузиния — *Cousinia* Cass.

1. Тожбарги сарғиш, кейинчалик пушти рангга киради. Барглари юмшоқ, тикансиз, илдиз бўғзидагилари бандли, наштарсимон ёки патсимон қирқилган, поясининг асосидагиси бандли, ўрта ва устки қисмидагилари бандсиз. Пистачаси силлиқ, оқ. Икки йиллик, бир пояли ўсимлик, бўйи 15—30 см, тик ўсувчи, тукли, қанотчали, қанотчасининг эни 2—4 мм. Июнь — август ойларида гуллаб, мева беради. Адирда тошли ёнбағирларда, соз тупроқларда ўсади. Хоразм ва Қорақалпоғистондан ташқари ҳамма вилоятларда тарқалган.

### Юмшоқ каррак, кузиния — *Cousinia mollis* Schrenk

- Тожбарги пушти. Барглари қалин, четлари йирик тишсимон, тиканли, илдиз бўғзидагилари лирасимон, патсимон — бўлмали, поясидагилари эса узунчоқ. Пистачаси кулранг. Икки йиллик ўсимлик. Пояси 25—60 см, тик ўсувчи, қанотчали, қанотчасининг эни 5—7 мм, четлари тиканли. Май — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, бўз тупроқли ва тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.



74- расм. Майда мевали каррак

Майда мевали кузиния — *Cousinia microcarpa* Boiss.

Туркум. Латтатикан — *Cirsium Adans*


Оч тангачали латтатикан — *Cirsium ochrolepideum* Juz. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, бўйи 40—100 см. Пистачаси тескари тухумсимон бир оз эгилган, туксиз, ялтироқ, оч кулранг. Июл — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, экинлар орасида, боғларда, ташландиқ ерларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

Туркум. Какра — *Centaurea L.*

1. Гуллари оч кўк ранг ёки ҳаворанг — бинафша. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 15—30 см, тикка ўсувчи, бироз жўякли, пўпанаксимон тукли. Пистачаси туксиз, ялтироқ, баъзан қисқа тукли. Май — июл ойларида гуллаб, мева беради. Бўз тупроқли ва чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

Бўтакўз какра — *Centaurea depressa* Vieb.

— Гуллари пушти. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсувчи, бўйи 20—50 см, қовурғали, тукли. Пистачаси тескари тухумсимон, дағал тукли. Май — июл ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, тошли ва чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.



75- расм. Яккасават талх

Тош какра — *Centaurea squarrosa* Willd.

Туркум. Талх — *Acroptilon* Coss.

Яккасаватча талх — *Acroptilon repens* (L.) DC. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 20—60 см. Пистачаси тескари тухумсимон, оқимтир, попукчаси кўп, найза тукли, оқ рангли. Июн — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, бўз тупроқли, тошли ёнбағирларда, экинлар орасида бегона ўт сифатида ўсади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

## Туркум. Амбербоа — *Amberboa Less.*

Турон амбербоаси — *Amberboa turanica* Pjin. Бир йиллик ўсимлик. Бўйи 5—40 см, пояси тик ўсувчи. Барглари юпқа, яшил, илдиз бўғзидаги остки ва ўрта барглари бандли, тухумсимон ёки эллипссимон, узунчоқ, устки барглари бандсиз, наштарсимон. Гуллари сариқ. Апрель—май ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, ҳар хил рангли тупроқларда учрайди. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

## Туркум. Махсар — *Carthamus L.*

Кўшқўнмас махсар — *Carthamus oxyacantha* Biev. Бир йиллик ўсимлик. Пояси 20—50 см, тик ўсувчи, оқ пўпанаксимон тукли, сершоҳ. Барглари этли, оч яшил, безли, илдиз бўғзидагилари лирасимон, поясидаги барглари эса бандсиз, наштарсимон ёки (усткилари) тухумсимон, ўйиқли тишсимон, ўткир учли, тиканли. Тиканлари лимон ранг-сарғиш. Июнь—август ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, ташландиқ ерларда, воҳаларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

## Туркум. Сачратқи — *Cichorium L.*

Талха сачратқи — *Cichorium intybus* L. Кўп йиллик ўсимлик, пояси 30—100 см, тик ўсувчи. Пистачалари сарғиш-қўнғир, кўндаланг қовурғали. Май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, ташландиқ ерларда, экинлар орасида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Доривор ўсимлик.

## Туркум. Қарғатирноқ — *Koeleria Pall.*

Ингичка баргли қарғатирноқ — *Koeleria linearis* Pall. Бир йиллик ўсимлик, пояси 10—20—30 см, туксиз, шохланган. Гуллари оч сариқ. Март—апрел ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларнинг соз тупроқли ёнбағирларида ўсади. Хоразм вилоятидан ташқари республикамизнинг барча вилоятларида учрайди.



76- расм. Талха сачратқи

## Туркум. Хетерация — *Heteracia* Fisch. et Mey.

**Сович хетерацияси** — *Heteracia szovitsii* Fisch. et Mey. Бир йиллик ўсимлик, пояси 10—30—40 см. Саватчалари поясининг учиди жойлашган, бандсиз, ён шохчаларидагилари йўғон бандли. Март — июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларнинг майда заррачали тупроқларида, тошлоқ ёнбағирларда, ҳар хил рангли тупроқларда ўсади. Ўзбекистон бўйлаб тарқалган.

## Туркум. Гарадиолус — *Garhadiolus* I. et Sp.

**Попукчали гарадиолус** — *Garhadiolus rapposus* Boiss. et Buhse. Бир йиллик ўсимлик, пояси 5—30 см, туксиз ёки гадирбудир, деярли дихотом шохланган. Поядаги барглари узунчоқ — наштарсимон, бутун ёки четлари тишсимон. Апрель — июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адир, қияликларда, йўл ёқалари ва ариқ бўйларида ўсади. Хоразм ва Қорақалпоғистондан ташқари республикамизнинг ҳамма жойларида тарқалган.

## Туркум. Эчкисоқол — *Tragopogon* L.

**Каллакдор эчкисоқол** — *Tragopogon capitatus* S. Nik. Бир йиллик ўсимлик. Пояси 40—70 см., пастки қисмидаги барглари қалами — наштарсимон, эни 5—8 мм. Ўрта қисмидагилари бироз пояни ўраб олувчи, эни 8—12 мм, учига қараб торайиб борувчи. Саватчасининг узунлиги 50—75 мм, диаметри 15—25 мм. Май — июн ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, қуруқ ёнбағирларда, экинлар орасида учрайди. Хоразм ва Қорақалпоғистондан ташқари ҳамма вилоятларда тарқалган.

## Туркум. Эпилазия — *Epilasia* Benth. et Hook.

**Момик эпилазия** — *Epilasia hemilasia* (Bunge) C. V. Clarke. Бир йиллик ўсимлик. Пояси 5—10—20 (30) см., тик ўсувчи, жўякли. Саватчаси кенг цилиндрик ёки узунчоқ тухумсимон, узунлиги 12—20 мм, эни 8—12 мм. Апрель — май ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, майда заррачали, чағиртошли ёнбағирларда, қумларда, ўрмонларда ўсади. Республикамизнинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

## Туркум. Хетеродерис — *Heteroderis* Boiss.

**Қоқибарг хетеродерис** — *Heteroderis pusilla* Boiss. Бир йиллик ўсимлик. Пояси 3—10 см, тик ўсувчи. Поясидаги барглари 1—2 та, наштарсимон, бандсиз, майда, баъзан пояси баргсиз. Саватчаси тор цилиндрик, узунлиги 10—12 мм, эни 4—5 мм. Апрель — май ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирлар-

да, майда заррачали, чағир тошли ёнбағирларда, ҳар хил рангли жинсларда ўсади. Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

### Туркум. Қоқи — *Taraxacum L. et Wigg.*

1. Гуллари оч сариқ, ташқари томонидан пушти, гуллагандан сўнг қизғиш чизиқли. Ташқи ўрама барглари саватчага ёпишган, серэт, яшил ёки бироз қизғиш, учи йирик қизғиш шохчали. Саватчасининг диаметри 1,5—2 см. Кўп йиллик ўсимлик. Март—май ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, тўқайларда, шўрланган сернам ерларда, йўл ёқаларида ва воҳаларда ўсади. Хоразм вилоятидан ташқари қолган ҳамма вилоятларда тарқалган.

### Қўшмуғуз қоқи — *Taraxacum vicorne Dahlst.*

- Гуллари тўқ сариқ, саватчасининг четки гуллари ташқи томонидан қорамтир ҳошияли. 2
- 2. Ташқи ўрама барглари ички ўрама барглиридан 2 марта калта, бирмунча ётиқ, учки қисмидагилари ҳатто пастга қараб эгилган. Саватчасининг диаметри 2—2,5 (3) см. Кўп йиллик ўсимлик. Март—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, боғларда, воҳаларда, ташландиқ ерларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Бир ўрамабаргли қоқи — *Taraxacum monochlamydeum H. Mazz.*

- Ташқи ўрама барглари ички ўрамабарглирига тенг ёки улардан қисқароқ, пастга қараб эгилган, баъзан бироз ётиқ жойлашган. Саватчасининг диаметри 3—4 см. Кўп йиллик ўсимлик. Март—июл ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, аҳоли яшайдиган жойлар атрофида, воҳаларда ўсади. Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Навоий вилоятларида тарқалган.



77- расм. Дориввор қоқи

Доривор қоқи, момақаймоқ — *Taraxacum officinalis* Web.

Туркум. Микроринхус — *Microrrhyncus* Less.

Алдовчи микроринхус —

Кўп йиллик ўсимлик. Поясининг баландлиги 10—25 (40) см. Саватчаси кўп гулли, ҳамма гуллари тилсимон, икки жинсли. Май—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, қумларда, шўрхоқ, соз тупроқларда, тўқайларда ва экинлар орасида ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

Туркум. Бўзтикан — *Sonchus* L.

1. Поясининг ўрта ва ички қисмидаги барглари кенг, ўқсимон, асоси билан пояни ўраб олади, чўзиқ бўлмали. Пистачаси кўндалангига бурмали. Бир йиллик, бўйи 50—80 см, тик ўсувчи, туксиз. Май—июл ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, боғларда, экинлар орасида бегона ўт сифатида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

Полиз бўзтикани — *Sonchus oleraceus* L.

— Поясининг ўрта ва учки қисмидаги барглари асоси юмалоқ, қулоқчали. Пистачаси туксиз, оқимтир, икки томони 3 та қовурғали. Бир йиллик ўсимлик. Пояси 30—70 см, тик ўсувчи, пастки қисми туксиз, устки қисми гулбандлари билан бирга қўнғир, безсимон дағал туклар билан қопланган. Май—июл ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, ариқ бўйларида, ташландиқ ерларда, экинлар орасида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

Дағал бўзтикан — *Sonchus asper* Hill.

Туркум. Сутчўп — *Lactuca* L.

1. Бир йиллик ўсимлик. Пояси 10—20 (30) см, туксиз. Гуллари ҳаворанг. Илдиз бўғзидаги барглари тескари тухумсимон, бандли, четлари тишсимон, поясининг пастки барглари қисқа бандли, усткилари бандсиз. Май—июл ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва тоғларда, бўз тупроқли, чағир тошли ёнбағирларда, ҳар хил рангли жинсларда, шўрхоқларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

Тўлқинли сутчўп — *Lactuca undulata* Ledeb.

- Кўп йиллик ўсимлик ёки чала бута 2
2. Кўп йиллик ўсимлик. Гуллари бинафша. Пояси 40—70 см, туксиз, кулранг, жўякли. Тикансиз ўсимлик. Июнь—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, ариқ бўйларида, далаларда, дарё қирғоқларида ўсади. Республикамизда кенг тарқалган.

## Татар сугчўпи — *Lactuca tatarica* (L.) C. A. Mey.

— Чала бута. Гуллари сариқ. Пояси 20—35 см шохчалари бир оз тиканчали. Август—сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда тошли ва чағир тошли ёнбағирларда, қояларнинг ёриқларида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

## Шарқ сугчўпи — *Lactuca orientalis* Boiss.

### 73. СУВПИЕЗДОШЛАР — BUTOMACEAE

Ўзбекистонда кам сувли ҳовузларда бу оилага мансуб соябон сувпиёз — *Butomus umbellatus* L. тури учрайди. Унинг илдизлари сув тағида жойлашиб, барг ва поялари сувдан бир оз юқорига чиқиб туради. Гуллари 6 та тожбаргдан ташкил топган, анча йирик, пушти рангли. Илдизпояси йўғон. Барглари узун, юқори қисмидагилари қалами, эни 3—10 см, сувда қалқиб турадиган барглари узун, нозик. Поясининг баландлиги 20—50 см, баргларига тенг ёки улардан сал узунроқ. Тўпгули соябонсимон, пастки қисми учта наштарсимон — учбурчак баргчалардан ташкил топган ўрама билан қопланган. Май—август ойларида гуллаб, уруғ беради. Текисликда тарқалган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида бегона ўт сифатида учрайди.



### 74. ҲАЛҚАГУЛДОШЛАР — ALISMATACEAE

Туркум. Ҳалқагул —  
*Alisma* L.

Булдуруқўт ҳалқагул *Alisma plantagoaquatica* L. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, бўйи 10—80 см. Барглари узун бандли, тухумсимон ёки кенг тухумсимон, асоси

78-расм. Соябон сувпиёз

бир оз юраксимон ёки юмалоқ, учки қисми ўткирлашган. Тўпгулли, ҳалқасимон шохланган. Тожбарги косачабаргидан 2 марта узунроқ, эрта тушиб кетади. Чангчилари уруғчисидан 2 марта узун. Меваси пистача, узунлиги 2—2,5 мм, эни 1,2—1,5 мм. Пистачасининг асоси ўйиқли. Май—август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, кўл ва ариқ бўйларида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

## 75. ҚИРҚБАРГДОШЛАР — JUNCASINACEAE

### Туркум. Триглохин — *Triglochin* L.

**Ботқоқ триглохини** — *Triglochin palustris* L. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси тик ўсади, бўйи 85 см гача, қисқа илдизпояли. Илдизпоясидан кузда ингичка, синувчан, пиёзчали новдалар чиқади. Илдиз бўғзидаги ёпирма барглари тик ўсади, энсиз қалами, поясининг пастки қисмидаги барглари новли, ярим цилиндрик, усткилари эса цилиндрик. Май—август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда, канал, ариқ бўйларида, ботқоқлашган ерларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

## 76. ҒИЖЖАҚДОШЛАР — POTAMOGETONACEAE

Ҳақиқий сув ўсимликлари, бутунлай сувга ботган ҳолда ўсади, гуллаган пайтда тўпгуллари сув бетига чиқади. Мазкур оиланинг битта туркуми бор.

### Турлар аниқлагичи

1. Барглари бандли 2
- Барглари бандсиз 3
2. Барг банди анча узун, 4—15 см га етади. Сувга ботган барглари узуниги 8—12 см, наштарсимон, учи тўмтоқроқ, етти томирли. Сувда сузиб юривчи барглари қаттиқ, эллипсимон, узунлиги 2—12 см, эни 1,5—3 см. Пояси узун, йўғон, шохланган. Бошоғининг узунлиги 2—10 см, кўп гулли, зич, йўғон бандчада ўрнашган. Меваси анча йирик, тухумсимон-юмалоқ, қисқа тумшуқчали. Кўп йиллик Июнь—сентябр ойларида гуллаб уруғ беради. Текисликда, кўлларда ва ариқларда учрайди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган.

### Бўғимдор ғижжак — *Potamogeton nodosus* Poir. ex Lam.

- Барг банди жуда қисқа. Барглари узуниги 30 см га, эни 4—5 см га етади, наштарсимон чўзиқ ёки эллипсимон. Пояси йўғон, узунлиги 3 м га боради. Бошоғининг узунлиги 6 см гача.



Цилиндрсимон, зич, 20 см узунликдаги бандчада жойлашган. Меваси йирик, деярли думалоқ, тумшукчаси қисқа. Кўп йиллик ўсимлик. Июн — август ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирлардаги кўл ҳамда дарёларда учрайди.

**Кундузқулоқ ғижжак —  
*Potamogeton lucens* L.**



79-расм. Кундузқулоқ ғижжак.


3. Барглари пояни ўраб туради, думалоқ, тухумсимон ёки чўзиқроқ, майда, четлари аррасимон, асоси юраксимон. Ён баргларининг узунлиги 1 см га етади. Бошоғи зич, узунлиги 3 см, бандчасининг узунлиги 5 см. Меваси 2,5 см, учи тухумсимон. Илдизпояси узун, ер бағирлаб ўсади. Поясининг узунлиги 6 см га етади, бўғим оралиғи 2—10 см. Кўп йиллик ўсимлик. Май — сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўлда кўл ва дарёларда учрайди. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

**Урамабарг ғижжак — *Potamogeton perfoliatus* L.**

- Барглари поясини ўраб турмайди 4
4. Баргларининг узунлиги 4—6 см, қалами, наштарсимон, четлари майда, аррасимон тишли. Пояси ясси, тўрт қиррали, шохланган, бўғим оралиғи 1—2 см. Бошоғи қисқа, кам гулли, 2—3 см узунликдаги бандчага ўрнашган. Мевалари майда, узунлиги 1,5 см келади, тухумсимон, ён томони тўмтоқ қиррали, тепа томони ўроқсимон тумшукчали. Кўп йиллик ўт. Июн — сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўлда учрайди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган.

**Кўнгирадор ғижжак —  
*Potamogeton crispus* L.**

- Баргларининг узунлиги 5—15 см, эни 1—1,3 мм, ингичка, қалами. Поясининг узунлиги 1 м дан ортиқ, ингичка, шохланган, бўғим оралиқлари 3—8 см. Бошонининг узунлиги 3—6 см, кам гулли, узунлиги 5—8 см келадиган бандчада ўрнашган. Мевалари 3—5 мм катталиқда, кен тухумсимон, ён томонида қирраси йўқ, қисқа тумшукчали. Кўп йиллик ўт. Май—сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради.



80-расм. Кўнгирадор ғижжак.

Чўлда, кўл ва дарёларда учрайди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган.

Тожли гижжак — *Potamogeton pectinatus* L.

## 77. ЛОЛАДОШЛАР — LILIACEAE

Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Пояси (гул пояси) баргсиз, гуллари кенг шингилда (султонда) ўрнашган, баъзан улар 1 м га етади. Илдизпояли ўсимлик, илдизи йўғонлашган, юлдузсимон ёки панжасимон. Барглари бир оз этли, найсимон эмас.

Туркум. Ширач — *Eremurus* Biev.

- Пояси (гул пояси) баргли 2
2. Гуллаган пайтида пояси ер остида бўлиб, меваси етил-



81- расм. Ирик санграйқулоқ.

82- расм. Сафидмоқ олғи.

гандан сўнг бир оз ер устига кўтарилади. Кўп йиллик. Тугунак пиёзи тухумсимон — чўзиқ, эни 15—45 мм, қора-қўнғир рангли, қаттиқ пўст билан ўралган. Барглари 3—6 та, қалами, пасткиси кенгроқ, эни 10—20 (30) мм. Гуллари 2—3 та. Гултожбарглари оқ, баъзан пушти. Кўсаги чўзиқ, узунлиги 2—4 см. Март — апрел ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва қисман адирларда, қумли ва соз тупроқли ерларда ўсади. Бизда битта тури бор. Ўзбекистонда кўп тарқалган.

### Йирик санграйқулоқ — *Merendera robusta* Regel

- Гуллаган пайтида пояси ер устига чиқиб туради 3
3. Гуллари карнай — қўнғироқсимон, қўнғир ёки қизғиш-қўнғир рангли. Кўп йиллик ўсимлик, бўйи 15—60 см. Гуллаган пайтида гулбандининг юқори қисми пастга қараб эгилган, мева ҳосил қилгандан сўнг юқорига томон кўтарилади. Пиёзи шарсимон, эни 3—5 см. Барглари поянинг ярмини ўрайди. Апрель — август ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида, бўз тупроқли ёнбағирларда учрайди. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

### Сафидмоқ олғи — *Korolkovia severtzovii* Regel

- Гуллари ўзгача тузилган 4
4. Барглари пичоқсимон. Пиёзи жуда майда, ўсимликнинг ўзи ҳам жуда кичик. Гуллари сариқ рангли, агар оқ бўлса, гулқўрғон бўлақлари 6—8 мм узунликда бўлади. Баҳор даракчиларидан бири.

### Туркум. Бойчечак — *Gagea. Salisb.*

- Барглари нисбатан йирик. Пиёзи ва ўсимликнинг ўзи ҳам анча катта. Гуллари асосан қизил, агар оқ, сариқ ва тўқ қизил бўлса, гулқўрғон бўлақларининг узунлиги 1,5—7 см бўлади.

### Туркум. Лола — *Tulipa L.*

### Туркум. Ширач — *Eremurus Biev.*

#### Турлар аниқлагичи

1. Гуллари оч пушти 2
- Гуллари оқ ёки оқиш 4
2. Гуллаган пайтида гулбандлари гулпояга нисбатан бир оз қийшайган, меваси етилганда унга ёпишган бўлади. Кўп йиллик ўсимлик. Баландлиги 80—120 см га етади. Кўсакла-

ри тўпгул ўқига ёпишган. Гулқўрғон қисмлари (тожбарглари) оч пушти рангли, жигарранг-тўқ қизил чизиқлари бор, шингилининг узунлиги 30—50 см. Май—июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, юмшоқ тупроқли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

### Регел ширачи — *Eremurus regelii* Vved.

- Гуллаган пайтида гулбандлари ўққа нисбатан ётиқ жойлашади 3
3. Ташқи барглари кенлиги 40—80 мм, кенг наштарсимон. Кўсаги шарсимон, силлиқ, эни 1,5—3 см га етади. Кўп йиллик ўсимлик, пояси туксиз, баландлиги 100—200 см. Гулбарги оч бинафша рангли, якка томирли. Май—август ойларида гуллаб, уруғ беради. Тоғларда, майда зарра тупроқли ёнбағирларда учрайди. Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Навоий вилоятларида тарқалган.

### Пушти ширач, хулкабола — *Eremurus robustis* Regel

- Ташқи барглари кенлиги 5—10 (15) мм. Кўсагининг диаметри 8—12 мм. Кўп йиллик ўт. Пояси туксиз ёки пастки қисми ғадир-будур, баландлиги 50—150 см. Шингили кўп гулли, узунлиги 30—70 см. Июнь—сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида, майда зарра тупроқли ёнбағирларда ўсади. Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Навоий ва Фарғона вилоятларида тарқалган.

### Гул ширач — *Eremurus olgae* Regel

4. Гуллари оқ, яшил чизиқли. Гулбандлари гулпояга нисбатан ётиқ жойлашган, пастки қисмидаги гулбандлари узун. Кўп йиллик ўт, баландлиги 35—150 см. Барглари ингичка, қалами, эни (4) 5—7 (15) мм, туксиз ёки тукли. Шингили кўп гулли, ёйиқ, узунлиги 30—60 см. Кўсаги шарсимон. Май—август ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида, ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида тарқалган.

### Сўғд ширачи — *Eremurus sogdianus* (Regel) Franch.

- Гуллари оқиш, орқа томони яшил, учи малла-жигар рангли. Гулбанди гулпояга нисбатан қияроқ жойлашган, гулқўрғондан 1,5—2 марта узун. Кўп йиллик ўт, баландлиги 50—150 см. Барглари кенг, қалами, эни 15—20 (40) мм, туксиз. Шингили кўп гулли. Кўсаги шарсимон. Июль—август ойларида гуллаб, уруғ беради. Тоғларда, тошли, бўз тупроқли

ёнбағирларда ўсади. Фарғона ва Самарқанд вилоятларида тарқалган.

**Олтой ширачи — *Eremurus altaicus* (Pall.) Stev.**

**Туркум. Лола — *Tulipa L.***

1. Гуллари оқ 2
- Гуллари қизил, сариқ, пушти 3
2. Гулқўрғони оқ, лекин пушти-бинафша бўлиб товланади, асоси сариқ. Қўсаги қисқа тумшуқчали. Пастки барги анча кенг, эни 4—10 мм, бироқ гулдан узун эмас. Кўп йиллик ўт, баландлиги 10—25 см. Гули битта, баъзан 2 та, чангчиларининг иплари сариқ. Тугунчаси қисқа устунчали. Пиёзи тухумсимон, йўғонлиги 0,75—1,5 см, тўқ қўнғир рангли, қаттиқ қобиқли. Март — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўлда, қумларда, бўз тупроқли, тошли ерларда ўсади. Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

**Сўғд лоласи — *Tulipa sogdiana* Bunge**

- Гулқўрғони бутунлай оқ, пушти, бинафша бўлиб товланмайди, асоси сариқ. Қўсаги тумшуқчасиз. Пастки барги гулдан узун. Кўп йиллик ўт, баландлиги 10—25 см. Гули 1—7 та. Пиёзи тухумсимон, йўғонлиги 1,5—2 (3) см, қора-қўнғир, қаттиқ. Март — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида, тошли ва бўз тупроқли ёнбағирларда ўсади. Фарғона, Самарқанд, Тошкент ва Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида тарқалган.

**Оқ лола, Туркистон лоласи — *Tulipa turkestanica* Regel**

3. Гулқўрғони пушти рангли, ички томонининг асосида қора доғлари бор. Барглари 3 та, гулидан қисқа. Кўп йиллик ўт, баландлиги 7—20 см. Пиёзи тухумсимон, йўғонлиги 1,5—2 см. Қора, қаттиқ қобиқли. Апрель — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида, кўпроқ туб жинсли ҳар хил рангли тупроқларда ўсади. Фарғона водийсида тарқалган.

**Пушти лола — *Tulipa rosea* Vved.**

- Гулқўрғони қизил, сариқ ёки тўқ сариқ 4
- 4. Гулқўрғони қизил, асоси қора, энг пастки баргининг эни 2—5—9 см. Кўп йиллик ўт, бўйи 15—35 см. Чангчиларининг ипи туксиз, қора, чангдони қора-бинафша рангли. Пиёзи тухумсимон, йўғонлиги 2—3 (4) см, қора-қўнғир ёки



83- расм. Жовқосин лола.

қизғиш пўстли. Апрель — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида, бўз тупроқли ерларда ўсади. Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида тарқалган.

### Улуғ лола — *Tulipa ingens* Hoog.

— Гулқўрғони сариқ, тўқ сариқ ёки қизғиш, ички томонининг асоси тўқ бинафша доғли. Кўп йиллик ўсимлик. Пояси туксиз, бўйи 20—50 см, ер устки қисми ер остки қисмига деярли тенг. Барглари 4 та, буралган, гулидан қисқа, пасткиси наштарсимон ёки қалами-наштарсимон, эни 1,5—2,5 см. Пиёзи тухумсимон, йўғонлиги 1,5—4 см, қора-қўнғир рангли, қаттиқ пўст билан ўралган. Апрель — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл (адир) да қумли тупроқларда ва туб жинсли ҳар хил рангли тупроқларда ўсади. Бухоро, Навоий, Фарғона вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

**Жовқосин лола — *Tulipa lehmanniana* Merskl.**

**Туркум. Бойчечак — *Gagea Salisb.***

1. Баландлиги (одатда 3—7 см) 10 см дан ошмайдиган ўсимлик. Пояси иккита пиёз орасидан ўсиб чиқади. Ёпирма барглари 2 та, ипсимон, йўғонлиги 0,5 мм, тўпгулдан икки марта узун. Гулқўрғони тилларанг. Кўп йиллик ўт. Феврал—апрел ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Ольга бойчечаги — *Gagea olgae* Regel**

- Баландлиги (20—30 см га етадиган) 10 см дам паст бўлмайдиган ўсимлик <sup>2</sup>
2. Ёпирма барглари найсимон, қалинлиги 1,5—3 мм. Пояси икки пиёз орасидан ўсиб чиқади. Гулқўрғони сариқ, тўкилиши олдидан учи қизаради. Кўп йиллик ўт, баландлиги 30 см га етади. Апрель—май ойларида гуллаб, уруғ беради. Адирларда, бўз тупроқли ва майда тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Хомутов бойчечаги — *Gagea chomutovae* Pascher**

- Ёпирма барглари бошқача тузилган, найсимон эмас <sup>3</sup>
3. Ёпирма барглари ясси, эни 1 мм. Пояси иккита пиёз орасидан ўсиб чиқади. Гулқўрғони сарғиш, тўкилиши олдидан учи қизаради. Кўп йиллик ўт, баландлиги 10—20 см. Апрель—май ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, юмшоқ тупроқли ёнбағирларда ўсади. Самарқанд, Фарғона ва Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

**Ипсимон бойчечак — *Gagea filiformis* (Ledeb.) Kinth.**


- Ёпирма барглари ипсимон <sup>4</sup>
4. Гули оч сариқ, деярли оқ. Пояси иккита пиёз орасидан ўсиб чиқади. Кўп йиллик ўт, баландлиги 8—25 см. Март—апрел ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўлларда ва вохаларда ўсади. Навоий, Самарқанд, Фарғона вилоятларида тарқалган.

**Тухумсимон бойчечак — *Gagea ova* Stapf.**

- Гули сариқ <sup>5</sup>
5. Ёпирма барглари бор, уларнинг эни 0,75 мм га етади. Пояси битта, пиёзининг ёнидан ўсиб чиқади. Кўп йиллик ўт, баландлиги 20 см га етади. Гулқўрғон бўлаклари ингичка, наштарсимон, узунлиги 5—7 мм. Март—апрел ойларида



84- расм. Пояли бойчечак.



85- расм. Саримсоқ пиёз.

гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, бўз тупроқли ерларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Пояли бойчечак — *Gagea stipitata* Merckl.**

— Епирма барглари йўқ, агар бўлса, унинг эни 0,5 мм дан ошмайди. Пояси битта, пиёзининг ён томонидан ўсиб чиқади. Кўп йиллик ўт, баландлиги 20 см га етади. Апрель — август ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, тошларнинг (қояларнинг) ёриқларида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

**Пиёзчали бойчечак — *Gagea gageoides* (Zucc.) Vved.**

**78. ПИЁЗДОШЛАР — ALLIACEAE**

Мазкур оиланинг айрим вакиллари озиқ-овқат ўсимликлари сифатида кенг экилади. Улар жумласига пиёз — *Allium sera* L., саримсоқ — *Allium sativum* L. кирати.



Ўзбекистонда бу оиланинг кўп йиллик вакиллари ёввойи ҳолда ўсади. Уларнинг кўпчилиги баҳор ойларида турли манзаралар ҳосил этишда катта ўрин тутади.

### Туркум. Пиёз — *Allium L.*

1. Тўпгулидаги гулбандларнинг узунлиги (ҳамма гулларда) бир хил 2.  
— Тўпгулидаги гулбандларнинг узунлиги ҳар хил 6
2. Гуллари оч бинафша ёки кўк ҳаворанг 3  
— Гуллари ўзгача рангда 4
3. Гулқўрғон қисмлари оч бинафша рангли. Барглари 4—6 та, тасмасимон, эни 2—4 см. Пиёзи ясси-шарсимон, усти қорамтир, қоғозсимон пўст билан ўралган. Кўп йиллик ўт, баландлиги 60—150 см. Тугунчаси қисқа бандчали. Кўсаги шарсимон, бир оз ясси, эни 5 мм. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Тоғларда, юмшоқ тупроқли ёнбағирларда учрайди. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

### Анзур пиёз — *Allium stipetatum Regel*

- Гулқўрғон қисмлари кўк-ҳаворанг. Барглари 2—3 та, найсимон, эни 1—3 мм. Пиёзи шарсимон, усти кулранг пўст билан қопланган. Кўп йиллик ўт, баландлиги 15—65 см. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида учрайди. Баъзан бегона ўт сифатида ўсади. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

### Гул пиёз — *Allium caesium Schrenk*

4. Гулқўрғон қисмлари пушти-бинафша рангли. Барглари тасмасимон, эни 5—20 мм. Пиёзи шарсимон, эни 2—3 см, қалин пўст билан ўралган. Соябони шарсимон, кўп гулли. Тугунчаси бандсиз. Кўсаги кенг, тухумсимон. Кўп йиллик ўсимлик, бўйи 30—100 см. Май — июн ойида гуллаб, уруғ беради. Адирларда, бўз тупроқларда ва бегона ўт сифатида воҳаларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида тарқалган.

### Суворов пиёзи, пиёзи анзур — *Allium suvorovii Regel*

- Гулқўрғон қисмлари ўзгача рангда. Барглари ингичка, қалами, ипсимон, ёни ярим цилиндр шаклли (ичи ғовак) 5
- 5. Гулқўрғон қисмлари оч сариқ-яшил. Барглари ингичка, қалами ёки ипсимон, эни 0,5—1,5 мм. Кўп йиллик ўсимлик, бўйи 15—45 см. Соябони шарсимон, кўп гулли. Чангчи иплари гулқўрғондан бир ярим марта узун. Устунчаси ҳам

гулқўрғондан чиқиб туради. Июл — сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Тоғларда қоя тошлар орасида ўсади. Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида тарқалган.

### Дашт пиёз — *Allium talassicum* Regel

- Гулқўрғон қисмлари яшил — ҳаворанг. Баргларининг эни 1—3 мм., ярим цилиндрсимон, ичи ғовак. Кўп йиллик ўсимлик, бўйи 20—60 см. Пиёзи тухумсимон, эни 1—2 см. Ташқи қобиғи қўнғир, ичкаридагилари сарғиш. Соябони кўп гулли, шарсимон. Чангчилари гулқўрғонга тенг ёки бир оз қисқа. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир (юқори қисми) ва тоғ этакларида, шағалли ёнбағирларда, туб жинслари кўриниб турган ерларда ўсади. Тошкент, Самарқанд ва Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

### Иптиш пиёз — *Allium filidens* Regel

6. Барг япроғи 3—9 та ипсимон бўлақларга бўлинган. Гўлқўрғон қисмлари пушти рангли, тўқ қизил томирли. Кўп йиллик ўсимлик, баландлиги 10—20 см. Соябони кўп гулли, шарсимон. Чангчиси гулқўрғондан бир оз узун. Кўсаги шарсимон. Пиёзи тухумсимон, эни 7—14 мм. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида, майда заррачали тупроқларда ва шағалли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

### Қирқоя пиёз — *Allium verticillatum* Regel

- Барг япроғи бўлақларга ажралмаган 7  
7. Гулқўрғон қисмлари сариқ. Баргларининг ичи ғовак, эни 2—7 мм. Кўп йиллик ўсимлик. Баландлиги 10—60 см. Соябони кам гулли, баъзан каллакча. Чангчилари гулқўрғондан 2—3 марта қисқа. Пиёзи якка-якка ёки ғуж бўлиб илдизпояга ёпишган. Июл — сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Тоғ ва яйловларда, майда заррачали тупроқларда ва тошли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

### Федченко пиёзи — *Allium fedtschenkoanum* Regel

- Гулқўрғон қисмлари ўзгача рангда 8  
8. Гулқўрғон қисмлари хира бинафша рангли, томири қорамтироқ. Барглари ингичка, эни 0,5—2,5 мм. Пиёзи маллақўнғир, тўрсимон қобиқ билан ўралган. Кўп йиллик ўсимлик, бўйи 15—50 см. Чангчиси гулқўрғондан 2 марта қисқа. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Тоғ этакларида, бўз тупроқли ерларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Бу-

хоро вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

**Тождор пиёз — *Allium stephanophorum* Vved.**

— Гулқўрғон қисмлари оқиш ёки пушти, яшил ёки хира тўқиш томирли. Барглари қалами, наштарсимон, эни 6—30 мм. Пиёзи қорамтир, қоғозсимон қобиқ билан ўралган. Кўп йиллик ўсимлик, бўйи 10—30 см. Май—июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва тоғ этакларида, шағалли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Навоий вилоятларида тарқалган.

**Чўчқа пиёз — *Allium schuberti* Zucc.**

**79. НАРГИСДОШЛАР — AMARYLLIDACEAE**

Ўзбекистонда мазкур оиланинг 4 та туркуми бўлиб, улардан фақат 2 таси аниқлагичга киритилди. Қолган 2 та туркум эма ҳолдаги манзарали ўсимлик нарғис—*Narcissus* L. ва фақат Қашқадарё воҳасида ўсадиган штернбергия—*Sternbergia* W. K.



86- расм. Татар  
чучмомаси.

87- расм Виктор  
омонқораси.

## Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Пиёзи қўнғир пўст билан ўралган, майда, диаметри 1,5—2 см гача борадиган ўсимлик. Гўлқўрғони тожсимон, кўк ёки бинафша рангли, 6 та тожбаргдан иборат. Гуллаб турган пайтида (апрел—май ойларида) барглари бўлади. Кўп йиллик ўсимлик, баландлиги 10—60 см. Барглари қалами, эни 2—10 мм, учига томон ингичкалашиб боради. Тўпгули шингилсимон, кўп гулли. Кўсаги тўғнағичсимон, юмалоқ, учбурчак. Апрель—май ойларида гуллаб, май—июн ойларида уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда ўсади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, шунингдек Қорақалпоғистонда тарқалган. Манзарали ўсимлик.

### Татар чучмомаси — *Ixiolirion tataricum* (Pall.) Herb

- Пиёзи қора пўст билан ўралган, йирик, диаметри камида 2,5 см келадиган ўсимлик. Гулқўрғони тожсимон, ҳар хил рангдаги 6 та тожбаргдан иборат. Барглари (ясси қалами) баҳорда кўкариб, ёзда эса қуриб қолади. 1—2 ойдан сўнг гул сақловчи пояси ўсиб чиқади. Тўпгули соябонсимон, кам гулли. Кўсаги кенг, юраксимон, бўлакли.

### Туркум. Омонқора — *Ungernia Bunge*

Изоҳ: Ўзбекистонда мазкур туркумнинг 3 та тури бор, улардан Виктор омонқораси — *Ungernia victoris* Vved., тури Бухоро вилоятида, аччиқ ширач омонқора — *Ungernia minor* Vved., тури Самарқанд вилоятида, қорақовуқ омонқора — *U. Severtrovii* (Bunge) B. Fedtsch., тури Тошкент вилоятида тарқалган. Омонқоранинг ҳамма тури ҳам тоғларда ўсади. Унинг айрим турларида доривор модда мавжудлиги аниқланган, шунинг учун улар болаларда учрайдиган оғир касаллик (полиомиелит) нинг олдини олишда ишлатилади.

## 80. САРСАБИЛДОШЛАР — ASPARAGACEAE

### Туркум. Сарсабил — *Asparagus L.*

Шококил сарсабил — *Asparagus brachyphyllus* Turcz. Кўп йиллик, 2 уйли ўсимлик. Пояси кўпинча илашувчи, узунлиги 2—3 м га етади. Чангчили гуллари уруғчили гулларидан йирикроқ, қўнғироқсимон. Шоҳлари бурмали. Май—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл ва адирларда, ариқ, канал бўйларида, боғларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

## 81. ГУЛСАФСАРДОШЛАР — IRIDACEAE

### Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Гуллари тўғри 2  
— Гуллари қийшиқ, найчаси эгилган. Тугунак пиёзчали ўсимлик. Барглари ясси, кенг, қалами.

### Боғ гладиолуси — *Gladiolus gandavensis* Hott.

Изоҳ: Сурхондарё вилоятида экинлар орасида бегона ўт сифатида ёввойи гладиолус учрайди. У экиладиган гладиолусдан пушти ранги, майда гуллари ва қийшайган гулбанди билан фарқ қилади.

2. Барглари пичоқсимон, илдиз бўғзида жойлашган, тўқ яшил рангли. Илдизпояли ўсимлик.

### Гулсафсар — *Iris* L.

- Барглари қарама-қарши жойлашган, қалами, четлари текис эмас, тўлқинсимон (бирмунча кичик, аммо умумий кўринишидан маккажўхори баргини эслатади). Тугунак пиёзчали ўсимлик.

### Юно — *Juno* Tratt.

### Туркум. Гулсафсар — *Iris* L.

### Турлар аниқлагичи

1. Гулқўрғонининг ташқи баргчалари соқолсимон тукли 2  
— Гулқўрғонининг ташқи баргчалари туксиз 3
2. Барги пояни ўраб туради, ханжарсимон, ўткир учли. Пояси кўп гулли. Гуллари бинафша, гулқўрғоннинг ташқи баргчалари пастга қийшайган, ичкилари тик, тухумсимон. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 60—80 см. Апрель — июн ойларида гуллаб, мева беради. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

### Германия гулсафсари — *Iris germanica* L.

- Барглари энсиз, қалами, тиккага гулларида баланд бўлиб ўсади. Гуллари 2—3 тадан поянинг учида ўрнашган, оч ҳаворанг. Гулқўрғон баргчалари найчасига тенг ёки ундан қисқароқ. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 10—25 см. Апрель — май ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда қумликларда ўсади. Бухоро, Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистонда тарқалган.

### Узунпоя гулсафсар — *Iris longiscapa* Ledeb.

3. Баргларининг эни 4—8 мм. Кўсакчаси узунроқ, уч қиррали, узунлиги 3,5—6 см. Чим ҳосил қилиб ўсувчи кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 35—60 см. Гуллари оч бинафша, баргчаларида бинафша доғлари бор. Май—июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда қумоқ ерларда, бўз тупроқларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

### Қорақош гулсафсар, қуртқасоч — *Iris songarica* Schrenk

- Баргларининг эни 10—15 мм. Кўсакчаси узунчоқ, олти қиррали, узунлиги (2) 3—4 см. Чим ҳосил қилиб ўсмайдиган кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 30—50 см. Адир ва тоғларда, сернам жойларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

### Сўғд гулсафсари — *Iris sogdiana* Bunge.

#### Туркум. Юно — *Juno Tratt.*

1. Пояси калта, 5—10 см, барглари жуда зич жойлашган, бўғин оралиқлари деярли билинмайди. Гулқўрғони, ички баргчаларининг узунлиги 25—35 мм. Кўп йиллик ўсимлик. Пиёзчасининг йўғонлиги 2 см. Март—май ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, қояли ва чағир тошли, баъзан бўз тупроқли ёнбағирларда ўсади. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

### Нарбута юно — *Juno narbuti* (O. Fedtsch.) Vved.

- Пояси узун, 20—40 см. Барглари зич жойлашган, бўғин оралиқлари аниқ билинади. Гулқўрғони ички баргчаларининг узунлиги 12—20 мм. Кўп йиллик ўсимлик. Пиёзчасининг йўғонлиги 2,5 см. Март—май ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғларда, тошли ёнбағирларда ўсади. Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

### Тўқбинафша юно — *Juno warleyensis* (Foster) Vved.

## 82. ЯКАНДОШЛАР — JUNCACEAE


Ўзбекистонда якандошларга мансуб 2 та туркум учрайди. Шулардан, якан — *Juncus* L., туркумига тааллуқли турлар республикамизда анча кўп тарқалган.

## Турлар аниқлагичи

1. Барглари тарновсимон буралган. Поясининг пастки қисми оч қўнғир рангли барг новлари билан ўралган. Тўпгули ясси соябонга ўхшаш ёки чўзиқ рўваксимон. Гулларининг узунлиги 3—4 мм, асосан шохла-рининг учида 1—4 тадан жойлашган. Меваси тескари тухумсимон, узунлиги 3—4 мм. Уруғи тухумсимон. Кўп йиллик ўсимлик, баландлиги 30—50 см. Июн—июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, шўртоб ерларда, ботқоқликларда, кўл ва дарё бўйларида учрайди. Ўзбекистон бўйлаб тарқалган.

### Жерар якани — *Juncus gerardii* Loisel.

- Барглари цилиндрсимон. Поясининг пастки қисми қизғиш-қўнғир рангли новлар билан ўралган. Тўпгули мураккаб-соябонсимон. Гулларининг узунлиги 2,5—3 мм, 8—12 тадан бўлиб, шоҳчалар ажралган жойларда ва уларнинг учларида жойлашган. Меваси уч қиррали. Кўп йиллик ўсимлик, бўйи 20—60 см. Июн—август ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, зах ва соя ерларда учрайди. Ўзбекистон бўйлаб тарқалган.



88- расм. Жерар якани.

### Бўғимли якан — *Juncus articulatus* L.

## 83. ҲИЛОЛДОШЛАР — CYPERACEAE

Мазкур оила бир қанча белгилари билан бошоқдошларга яқин туради, лекин ҳилолдошларга мансуб ўсимликлар поясининг (кўп ҳолларда) уч қиррали бўлиши, новининг қўшилиб ўсиб най ҳосил қилиши ва косчасимон гулқўрғони билан бошоқдошлар оиласига мансуб ўсимликлардан фарқ қилади.

## Туркум ва турлар аниқлагичи

1. Пояларида ҳақиқий барглар йўқ, барг япроғи қисқарган, барг новининг ранги тўқ қизил. Кўп йиллик ўсимлик. Баландлиги 5—40 см, ранги зангори-яшил. Апрель — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, шўртоб, ботқоқ ерларда ва ўтлоқларда ўсади. Ўзбекистонда кўп тарқалган.

## Намчил кумушқипиқ — *Heleocharis argyrolepis* Kjerulff.


- Пояларида ҳақиқий барглар бор 2
- 2. Тўпгуллари соябонсимон 3
- Тўпгуллари бошоқсимон 4
- 3. Ер остки қисми (новдалари) тугунаксимон йўғонлашган ўсимлик. Барглари ясси, эни 2—5 мм, поядан қисқа. Кўп йиллик ўсимлик. Баландлиги 5—50 см, пояси уч қиррали. Июн — сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Ариқ бўйлариди, дарё бўйлариди, экин майдонлариди ва аҳоли яшайдиган жойларда ўсади. Кенг тарқалган бегона ўт.

## Юмалоқ ҳилол, салом-алик — *Cyperus rotundus* L.

- Ер остки қисми тугунаксимон йўғонлашмаган ўсимлик. Барглари ясси, эни 1—4—5 мм. Кўп йиллик, баландлиги 5—50 см. Пояси уч қиррали. Июл — сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўлда ва адирларда, ботқоқлашган, зах, ўта лойқаланган ерларда ҳамда шוליпоялар атрофида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

## Кўнғир ҳилол, салом-алик — *Cyperus fuscus* L.

- 4. Пояси уч қиррали 5
- Пояси ўзгача (лекин уч қиррали эмас) 6
- 5. Пояси силлиқ, пастки қисми қоракўнғир ёки каштан рангли, эски барг нови қолдиқлари билан ўралган. Бошоғининг узунлиги 0,8—2 см. Баландлиги 7—30 см келадиган кўп йиллик ўсимлик. Апрель — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирлардаги қумоқ тупроқли ерларда ҳамда тоғлардаги қуруқ ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Куздан бошлаб ўсиб чиқа бошлайди, эфемероид — ем-хашак ўсимлиги.



89- расм. Қорабош ранг.

## Қорабош ранг — *Carex pachystylis* Gay.

- Пояси дағал, пастки қисми қизғиш ва тўқ қизил, кўнғир рангли, баргсиз новлар билан ўралган. Бошоғининг узунлиги 2—4 см. Кўп йиллик ўсимлик, бўйи 50—120 см. Июн ойида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адир-



ларда, ботқоқликларда, зах ерларда ва ариқлар атрофида ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина жойларида тарқалган. Ем-хашак ўсимлиги.

#### Уткирлашган ранг — *Carex acutiformis* Ehrh.

6. Чўл ва адирларда ўсувчи ўсимлик. Пояси силлиқ, пастки қисми оч, кулранг — занг тусли, барг новлари билан ўралган. Кўп йиллик, баландлиги 15—40 см. Апрель — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда ўсади. Ўзбекистонда кўп тарқалган. Ем-хашак ўсимлиги.

#### Илоқ ранг — *Carex physodes* Bieb.

— Тоғда тошли ёнбағирларда ўсувчи ўсимлик. Пояси майда, дағал туксимон ўсимталар билан қопланган. Кўп йиллик ўсимлик. Апрель — май ойларида гуллаб, уруғ беради. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида, айниқса, тоғли районларида кенг тарқалган. Ем-хашак ўсимлиги.

#### Қорақийёқ ранг — *Carex turkestanica* Regel

Изоқ: Ўрта Осиё ҳиллодошларининг ранг, қорабош — *Carex pachystylis* J. Gay ва илоқ *Carex physodes* Bieb. турлари кўп тарқалган. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳақиқий эфемероидлар, яъни қулай шароитда баҳорда, кузда ва қишда ҳам ўсишни давом эттирувчи ўсимликлар ҳисобланади. Ем-хашак ўсимликлардир.

#### 84. БУҒДОЙДОШЛАР (Ғалладошлар) — РОСЕАЕ

Мазкур оиланинг қуйидаги экиладиган вакиллари ҳаммага маълум бўлганлиги сабабли улар аниқлагичга киритилмади. Уларга қуйидагилар кирди: маккажўхори — *Zea mays* L., баҳори буғдой — *Triticum durum* Desf., шоли — *Oryza sativa* L., жўхори — *Sorghum vulgare* Pers., макка супурги — *Sorghum technicum* Roshev., сули — *Avena sativa* L., арпа — *Hordeum vulgare* L., тарик — *Panicum miliaceum* L.



90- расм. Сули

## Туркум ва турлар аниқлагичи

- |    |   |    |
|----|---|----|
| 1. | Бир йиллик ўсимлик  | 2  |
| —  | Кўп йиллик ўсимлик  | 15 |
| 2. | Тўпгули рўвак   | 3  |
| —  | Тўпгули бошоқ ёки сўта  | 9  |
| 3. | Барг нови узун туклар билан қопланган. Сершоҳ, бўйи 3—50 см, тукли ўсимлик. Барглари қалами. Рўваги зич, узунлиги 10 см. Бошоқчаси 3 см га етади. Апрель — июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда, қумликларда ҳамда қуруқ тупроқли тепаликларда, тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. |    |

### Керилган буассьера — *Boissiera squarrosa* (Soland.) Nevski

- |    |  |   |
|----|--|---|
| —  | Барг нови туксиз   | 4 |
| 4. | Бошоқчаси битта — якка гулли. Бир йиллик ўт, пояси тик ёки сал ётиб ўсувчи, туксиз, баландлиги 100 см га етади. Тилчаси йўқ. Барглари кенг, қалами, дағал томирли. Рўваги 20 см га етади. Қилтиғи ва шохчалари ғадир-будур. Бошоқчаси 3 қипиқчали. Гул қипиғи туксиз, ялтироқ. Июнь — сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, бегона ўт сифатида экинлар орасида ва бошқа ерларда ўсади. Ўзбекистон бўйлаб тарқалган. |   |

### Шамак курмак — *Echinochloa crus — galli* (L.), R. et S.

- |    |  |   |
|----|--|---|
| —  | Бошоқчаси кўп (5—16) гулли   | 5 |
| 5. | Рўваги зич (ғуж)   | 6 |
| —  | Рўваги сийрак (ёйиқ)   | 8 |
| 6. | Остки бошоқча қипиғи бир, устки бошоқча қипиғи уч томирли. Бир йиллик ўт. Пояси туксиз ёки рўвагининг пастки қисми тукли, баландлиги 15—40 см. Пастки баргларининг новлари тукли, юқоридагилариники туксиз. Тилчасининг узунлиги 3 мм га етади. Барги қалами, эни 2—4 мм, узун тукли. Рўваги зич, узунлиги 15 см га етади. Бошоқчаси 5—10 гулли. Апрель — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, қумликларда, бўз тупроқли ерларда, тепадикларда ва ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида тарқалган. |   |

### Чўчкаёл ялтирбош — *Bromus tectorum* L.

- |    |   |   |
|----|---|---|
| —  | Остки бошоқча қипиғи уч-беш ва устки бошоқча қипиғи беш-етти томирли  | 6 |
| 7. | Остки гул қипиғи 3—5 қилтиқли, бошоқнинг энг остки қисмида жойлашган гулларнинг қипиқлари бир қилтиқли. Қилтиқлари бинафша рангли. Бир йиллик ўт. Пояси тўғри ёки |   |

тирсаксимон букилган, туксиз ёки қисқа тукли. Барг нови туксиз ёки тукли. Тилчаси учбурчак, узунлиги 3 мм га етади. Барглари қисқа тукли. Рўваги сиқилган, узунлиги 10 см га етади. Бошоқчаси 6—16 гулли. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, камсув (қуруқ) ерларда бегона ўт сифатида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

#### **Дантони ялтирбоши, тароқбош — *Bromus danthoniae* Trin.**

- Остки гул қипиғи бир қилтиқли, энг устки гули уч қилтиқли, бироқ ён қилтиқлари қисқа, рўвагининг узунлиги 15 см га етади. Бир йиллик ўт. Бўйи 20—50 см. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, бўз тупроқли тепаликлар ва қуруқ ёнбағирларда ўсади. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида тарқалган.

#### **Йирикбошоқ ялтирбош — *Bromus macrostachys* Desf.**

8. Пастки гул қипиғининг узунлиги 8—9 мм, ўткир учли. Барг нови узун тукли. Бир йиллик ўт. Бўйи 20—80 см. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, лойли тепаликларда ва ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

#### **Япон ялтирбоши — *Bromus japonicus* Thunb.**

- Пастки гул қипиғининг узунлиги 12—15 мм, ўткир учли. Барг нови туксиз ёки пастки қисми юмшоқ тукли. Бир йиллик ўт. Бўйи 30—90 см. Апрель — август ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, лойли тепаликларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

#### **Ўткиртиш ялтирбош, каттабош — *Bromus oxyodon* Schrenk**

9. Тўпгули бошоқ 10  
— Тўпгули ғуж, цилиндрсимон, рўвак 12
10. Барг новининг четлари киприксимон тукли. Бир йиллик ўт. Пояси тирсаксимон букилган, туксиз ёки сийрак тукли, баландлиги 20—50 см. Тилчаси жуда қисқа. Барги кенг, қалами, эни 8 мм, дағал ёки сийрак тукли. Бошоғи мўрт, 5—11 бошоқчали, эни 7 мм. Бошоқчаси 3—5 гулли, цилиндрсимон, пастки қисми кенгайган. Май — июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, майда заррачали кулранг тупроқларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

## Йўғон қасмалдоқ — *Aegilops crassa* Boiss.

- Барг нови туксиз, силлиқ 11  
11. Остки гул қипиғи букилган, ясси қилтиқли. Бир йиллик ўт. Пояси силлиқ, туксиз, баландлиги 15—50 см. Барг нови туксиз, силлиқ, сал қаварган. Тилчаси жуда қисқа. Барги ингичка, қалами, эни 2—2,5 мм, кўпинча ўралган, устки қисми тукли, пастки қисми эса туксиз, силлиқ. Бошоғи қалин, узунлиги 2,5—5,5 см. Апрель—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

## Узунтук қилтиқ — *Taeniatherum crinitum* (Schreb.) Nevski.

- Остки гул қипиғи тўғри қилтиқли 12  
12. Бошоғи кенг, қалами, узунлиги 4—7 см. Бошоқчалари учтадан жойлашган. Бир йиллик ўт. Пояси тирсаксимон букилган, туксиз, силлиқ. Барг нови туксиз, силлиқ. Тилчаси 0,5 мм узунликда, тўмтоқ, остки гул қипиғининг қилтиғи 4 см га етади. Май—июн ойларида гуллаб уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, боғларда, ариқ бўйларида, ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

## Қуён арпа — *Hordeum leporinum* Link.

- Бошоғи цилиндрсимон, узунлиги 7—12 см. Бошоқчалари биттадан жойлашган. Бир йиллик ўт. Пояси тирсаксимон букилган, туксиз, силлиқ. Барг нови туксиз, силлиқ. Тилчаси қисқа. Барги ясси, дағал, туксиз ёки сийрак тукли. Бошоғи 7—13 бошоқчали. Бошоқчаси 3—4 гулли. Май—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, майда заррачали кулранг тупроқларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.



91- расм. Қуён арпа

## Еттибўғим қасмалдоқ — *Aegilops cylindrica* (Ces.) Host.

13. Бошоқчаси бир гулли, икки қипиқчали. Бир йиллик ўт. Пояси тик ўсувчи, туксиз, силлиқ, баландлиги 30—50 см. Барг нови туксиз, силлиқ ёки дағал, юқоридагилари қавариқроқ. Тилчасининг узунлиги 2,5 мм. Барглари ясси, кенг, қалами, устки томони дағал. Рўваги зич, яшил.

Бошоғи цилиндрсимон. Бошоқчаси понасимон, узунлиги 2—2,5 мм. Остки гул қипиғи уч томирли, тўмтоқроқ, бошоқча қипиғидан 2 марта қисқа. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, қуруқ ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Рўвакли отқўноқ — *Phleum paniculatum* Huds.**

- Бошоқчаси 2 гулли, уч қипиқчали 14
14. Барглари кенг, қалами, кўкимтир. Пояси 10—15 см баландликда. Бир йиллик ўт. Барг нови туксиз, силлиқ. Тилчаси қисқа, киприксимон. Барглари ҳаворанг-яшил, устки томони ғадир-будур, остки томони силлиқ. Рўваги цилиндрсимон, баъзан овалсимон. Бошоқчаси 2 гулли, биттаси икки жинсли, иккинчиси чангчили. Июл — август ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, бегона ўт сифатида экинлар орасида, боғларда, баъзан эса дарёларнинг сернам қирғоқларида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Ит қўноқ — *Setaria lutescens* (Wige) Нувв.**

- Барглари кенг, наштарсимон, яшил рангли. Поясининг баландлиги 20—80 см. Бир йиллик ўт. Барг нови туксиз, силлиқ. Тилчаси қисқа, киприксимон. Барглари дағал. Рўваги цилиндрсимон. Бошоқчаси икки гулли. Биттаси икки жинсли, иккинчиси чангчили. Июл — сентябр ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, экин майдонларида, ташландиқ ерларда ва тошли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.



**Кўк қўноқ — *Setaria virides* (L.) P. B.**

15. Тўпгули рўвак ёки бошоқ 16
- Тўпгули панжасимон ёки рўвак 21
16. Тўпгули рўвак, узунлиги 8 см га етади, энсиз-ци-

92- расм. Ит қўноқ

линдрик. Баргларининг эни 4—6 мм, ясси, жўкимтир. Пастки гул қипиқчалари тирсаксимон қилтиқли, узунлиги 6 мм га етади. Қўп йиллик ўсимлик. Поясининг баландлиги 10—40 см. Апрель — июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, сернам жойларда ўсади. Республика-мизнинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

**Қанотли тулкиқуйруқ — *Alopecurus myosuroides* Huds.**

- Тўпгули бошоқ 17
- 17. Пояси туксиз, силлиқ 18
- Поя бўғимларида ёки поянинг учки қисмида туклари бор 21
- 18. Поясининг пастки қисми тугунаксимон. Қўп йиллик ўт. Пояси тик, туксиз, силлиқ, баландлиги 50—150 см. Барги қалами, ясси, эни 3—7 мм, бир оз дағал, баъзан устки то-мони тукли. Тилчаси 1 мм га етади. Барг нови силлиқ, тук-сиз. Бошоқчаси учтадан жойлашган. Бошоғи қилтиқли. Май — июн ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, адир ва тоғларда ўсади. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятла-рида тарқалган.

**Жавдар арпа, хардума, так-так — *Hordeum vulbosum* L.**

- Поясининг пастки қисми тугунаксимон йўғонлашмайди 19
- 19. Барг нови тукли, четлари киприксимон. Қўп йиллик ўт. Пояси тик, туксиз, силлиқ, баландлиги 60—100 см. Барги ясси ёки буралган, эни 3—7 мм, тукли, қилтиқсиз, узун-лиги 8—12 мм. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ этакларидаги қуруқ ёнбағирларда ўсади. Ўз-бекистонда кенг тарқалган.

**Тукли буғдойиқ — *Agropyron trichophorum* (Link.) Richt.**

- Барг нови туксиз (баъзан четлари киприксимон) ёки паст-килари сийрак тукли. 20
- 20. Бошоқ ўқининг қирралари, баъзан ўқнинг ҳаммаси туклар билан қопланган. Тилчаси қисқа. Остки баргларининг нови баъзан тукли. Қўп йиллик ўт. Илдизпояси узун. Пояси тук-сиз, силлиқ, баландлиги 70—100 см. Барги ясси ёки бурал-ган. Устки томони дағал. Бошоғи тўғри, узунлиги 7—15 см. Бошоқчаси 7—15 гулли. Май — июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, бегона ўт сифатида ариқ бўйларида, боғларда ва қуруқ ёнбағирларда, ша-галли ўзанларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Урмаловчи буғдойиқ — *Agropyron repens* (L.) Des.**

- Бошоқ ўқи дағал. Тилчаси узун, туксимон, бўлинган. Барг

нови туксиз. Кўп йиллик ўт. Пояси туксиз, силлиқ, баландлиги 50—100 см. Барглари қалами, ясси ёки буралган, эни 3—8 мм, дағал. Бошоғининг узунлиги 5—12 см. Бошоқчаси 2—6 гулли. Май—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, шўрхок ерларда, дарё ва ариқ бўйларида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Тоғқийёқ сулибош — *Elymus multicaulis* Kar. et. Kir.**

21. Ҳамма баргларининг новлари тукли. Кўп йиллик ўсимлик. Поя бўғимлари қалин ва узун тукли. Бошоғининг узунлиги 7—15 см. Май—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, шўрхок, сернам (зах), соя ерларда, боғларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

**Урмон брахиподиуми — *Brachypodium silvaticum* (Huds.) P. V.**

- Пастки баргларининг новлари тукли, усткилари туксиз, силлиқ. Поясининг бўғимлари қисқа тукли 22
22. Бошоғи энсиз, қалами, узунлиги 4—9 см, ўқининг қовурғалари дағал тукли. Кўп йиллик ўт. Поясининг баландлиги 20—100 см. Июн—июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир, тоғ ва яйловларда, ҳар хил тупроқ шароитида ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

**Қаламибошоқ арпа — *Hordeum brevisubulatum* Link.**

- Бошоғи тухумсимон-овал ёки чўзиқ-овал, узунлиги 2—5 см. Кўп йиллик ўт. Бўйи 5—30 см. Апрель—май ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, қумларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Бонапарт арпахони — *Eremopyron bonapartii* (Spreng) Nevsk.**

23. Тўпгули панжасимон 24  
— Тўпгули рўвак 25
24. Бўйи 20 см дан ошмайдиган кўп йиллик ўсимлик. Тилчаси тукли. Илдизпоясининг узунлиги 80—90 см. Июн—август ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда (қуйи қисми), ариқ бўйларида, экинлар орасида ва бошқа жойларда ўсади. Бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқалган. Бегона ўт.

**Қушпанжа ажриқ — *Cynodon dactylon* Pers.**

- Бўйи 30 см дан паст бўлмайдиган, кўп йиллик ўсимлик. Тилчаси киприкли. Илдизпояси қисқа. Поясининг баланд-

лиги 30—80 см. Июл — август ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғ этакларида, қуруқ ёнбағирларда, ариқлар бўйида, булоқлар атрофида, баъзан бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

#### Чайир бузоқчирг — *Botriochloa ischaenum* (L.) Henn.

25. Поясининг пастки қисми пиёзсимон йўғонлашган 26  
— Поясининг пастки қисми пиёзсимон йўғонлашмаган 27  
26. Рўваги 6 см га етади. Пастки гул қипиғининг қилтиқлари ва ён томирлари тукли, асоси узун, тутам шаклидаги туклар билан қопланган. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 10—15 см. Апрель — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда турли экологик шароитда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

#### Пиёзчали қўнғирбош — *Poa bulbosa* L.

- Рўваги 5—18 см га етади. Пастки гул қипиқлари туксиз, силлиқ, асоси ҳам туксиз. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 35—70 см. Май — июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, юмшоқ тупроқли ёнбағирларда ўсади. Хоразм ва Қорақалпоғистондан ташқари барча вилоятларда тарқалган.

#### Бақтрия қўнғирбоши — *Poa vactriana* Roschev.

27. Остки бошоқ қипиғи қилтиғининг узунлиги 10—20 см 28  
— Устки бошоқ қипиғи қилтиғининг узунлиги 10 см ошмайди 30  
28. Қилтиғининг ҳамма жойи туклар билан қопланган, тукларининг узунлиги 2 мм. Кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 35—70 см. Май — июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адир, тоғ этакларида, қумларда, шағалли жойларда, бўз тупроқли ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

#### Сович чолови — *Stipa szovitsiana* Trin ex Hohen.

- Қилтиғи бутунлай туксиз, силлиқ ёки биринчи ва иккинчи тирсаги ораси қисқа дағал тукли 29  
29. Қилтиғи бутунлай туксиз, силлиқ ёки қисқа, дағал тукли, узунлиги 15—20 см, икки марта тирсаксимон букилган. Кўп йиллик ўт. Бўйи 40—80 см. Июн — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, қуруқ ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.



### Тукли чалов, бўз — *Stipa capitata* L.

- Қилтиғи биринчи тирсагигача ўткир, дағал тукли, биринчи ва иккинчи тирсагининг оралиғи қисқа тукли, иккинчи тирсадан юқори қисми ёйсимон букилган, патсимон тукли. Қилтиғининг узунлиги 10—18 см. Кўп йиллик ўт. Бўйи 30—80 см. Апрель—июн ойларида гуллаб, уруғ беради. Адир ва тоғларда, қуруқ ёнбағирларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

### Хохенакер чалови — *Stipa hohenaakeriana* Trin. et. Rupr.

30. Пояси ғовак эмас 31  
— Пояси ғовак 32  
31. Поясининг узунлиги 1,5—4 м. Илдизпояси қисқа. Тилчаси узун, тукли. Чим ҳосил қилиб ўсувчи ўсимлик. Пояси бақувват, туксиз. Барг нови силлиқ ёки бир оз дағал. Баргларининг эни 1,5 см, илдиз бўғзидагиларининг узунлиги 1 м га етади. Рўвагининг узунлиги 30—50 см. Июл—август ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл ва адирларда, дарё, ариқ (сой) бўйларида ўсади. Бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқалган.

### Равен савағичи, эркак қамиш — *Erianthus ravennae* (L.) P. V.

- Поясининг узунлиги 70—150 см. Илдизпояси узун. Тилчаси туксиз ёки ён томони тукли. Қалин чим ҳосил қилиб ўсувчи ўсимлик. Пояси тик, қаттиқ, туксиз. Барг нови туксиз. Барги қалами, эни 1 см, четлари букилган, туксиз, тилча ёнида узун туклари бор. Рўвагининг узунлиги 50 см га боради. Май—июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўлда, дарё бўйларида ўсади. Бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқалган.

### Қалам шакарқамиш — *Saccharum spontaneum* L.

32. Пояси ер бағирлаб ўсиб илдиз олгандан сўнг яна кўтарилиб ўсувчи ўсимлик. Барг нови туксиз ёки узун ингичка туклар билан қопланган. Тилчаси жуда қисқа, узун тукли. Барги ингичка, қалами, ясси ёки ўралган, туксиз ёки сийрак тукли. Рўваги бошоқсимон ёки каллаксимон, узунлиги 1,5—7 см, шохчалари дағал. Бошоқчаси 5—10 та гулли. Кўп йиллик ўт. Июн—август ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўлда, шўрхок ерларда ва шўрланган қумларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.



93- расм. Алеп жўхориси

ларда, ариқ бўйларида, зах ерларда, ёнбағирларда, дарё ва сой бўйларида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

**Тиғиз оқсўхта — *Dactylis glomerata* L.**

— Рўваги бироз сийрак, кўп йиллик ўт. Бўйи 30—100 см. Июнь—август ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл адир ва тоғларда, нам ерларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

**Бачкили агростис — *Agrostis stolonifera* L.**

36. Барглари кенг, эни 5 см га етади. Кўп йиллик ўт, бўйи 0,5—2 м. Июл—октябр ойларида гуллаб, уруғ беради.

**Қирғоқ шўражирик — *Aeluropus litoralis* (Gouan) Parl.**

— Пояси тик ўсувчи ўсимлик 33

33. Пахта майдонларида кенг тарқалган бегона ўт (ғумай). Илдизпояси узун, йўгон. Пояси туксиз, баландлиги 50—150 см. Барги қалами, наштарсимон, эни 1—2 см, туксиз, қирралари дағал. Рўваги чўзиқроқ. Июл—август ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғ этакларида, экинлар орасида, ариқлар бўйида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган. Бегона ўт.

**Алепи жўхориси, ғумай — *Sorghum halepense* (L.) Pers.**

— Бегона ўт эмас . 34

34. Рўваги бироз тиғиз . 35

— Рўваги сийракроқ 36

35. Рўваги, тиғиз. Кўп йиллик ўт. Бўйи 50—150 см. Июнь—июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, ариқ бўйларида, зах ерларда, ёнбағирларда, дарё ва сой бўйларида ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

Чўл, адир ва тоғларда, жўл, дарё, сой, канал, ариқларда, уларнинг бўйларида ва сернам ерларда ўсади. Ўзбекистон бўйлаб тарқалган.

**Оддий қамиш —  
*Phragmites australis*  
(Cav.) Trin. ex Steud.**

- Барглари ингичка 37
- 37. Қумда ва шағалли жойларда ўсувчи ёввойи ўсимлик 38
- Сернам жойларда ўсувчи ўсимлик 39
- 38. Гул қипиғининг қилтиғи асосининг юқори қисмидан шохланган. Кўп йиллик ўт. Бўйи 1,5 м га етади. Май — август ойларида гуллаб, мева беради. Чўлда кўчма қумларда ўсади. Ўзбекистоннинг қумли чўлларида тарқалган.



94- расм. Тигиз оқсўхта

**Эркак селин — *Aristida karelinii* Roshev.**

- Гул қипиғи қўлтиғининг асосидан шохланган. Кўп йиллик ўт. Бўйи 50 см. дан ошмайди. Апрель — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўлда, қумли ерларда ўсади. Ўзбекистоннинг қумли чўлларида тарқалган.

**Оқ селин — *Aristida pennata* Trin.**

- 39. Бошоғи яшил ёки бинафша. Рўвагининг узунлиги 20 см га етади. Кўп йиллик ўт. Бўйи 10—80 см. Май — июл ойларида гуллаб, уруғ беради. Чўл, адир ва тоғларда, сернам ерларда ўсади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида тарқалган.

**Майса қўнғирбош — *Poa pratensis* L.**

- Бошоғи оқимтир, кейинчалик қўнғир рангга киради. Рўвагининг узунлиги 10—30 см. Кўп йиллик ўт. Бўйи 70—200

см. Июн — сентябр ойларида гуллаб, мева беради. Чўл, баъзан адирларда, қум уюмлари атрофида, дарё бўйларидаги саёз қумликларда ўсади. Бутун Ўзбекистон бўйлаб тарқалган.

**Қамиш рўвакўт буғдойиққамиш — *Calamagrostis dubia* Bunge**

## 85. КУЧАЛАДОШЛАР — ARACEAE

Мазкур оила вакиллари, асосан иссиқ иқлимли жойларда ўсади. Ўзбекистонда нодир ўсимлик сифатида учрайди. Лекин 3 турдан иборат ўткучала — *Eminium* Scholt., туркум вакиллари республикамизнинг баъзи жойларида кўп учрайди.

### Турлар аниқлагичи

1. Урама баргларининг ички томони бахмалсимон тўқ бинафша рангли. Тўпгули қўланса ҳидли. Мевалари тўпмевада жойлашган, умумий кўриниши катта резавор мевага ўхшайди. Кўп йиллик ўсимлик, баландлиги 20—40 см. Апрель — май ойларида гуллаб, мева беради. Адир ва тоғ этакларида ўсади. Доривор ўсимлик.

**Қорақулоқ иткучала — *Eminium regelii* Vved.**

